

03  
P25

АБДУЛЛА РАСУЛОВ

ТУРКИСТОН ХАЛҚИ  
БАҒРИКЕНГЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛА РАСУЛОВ

# ТУРКИСТОН ХАЛҚИ БАҒРИКЕНГЛИГИ

*(XX аср 20- йиллари бошларида Россиядан эвакуация  
қилинган болалар мисолида)*

ТОШКЕНТ  
“YANGI NASHR”  
2011

УДК: 94(575)

63.3(5Ў)6

P25

*Наманган Давлат университети Илмий Кенгашининг 2010 йил 2 июндаги 10 сонли ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Наманган минтақавий ахборот-таҳлил марказининг 1 сонли қарорларига биноан нашрга тавсия этилган.*

**Масъул муҳаррир:**

Р. Ҳ. Муртазаева, тарих фанлари доктори, профессор

**Тақризчилар:**

С. С. Аъзамхўжаев, тарих фанлари доктори, профессор

А. А. Исоқбоев, тарих фанлари номзоди, доцент

Ушбу монографияда XX аср 20- йиллари бошларида Россиянинг Волгабуйи, Уралолди худудларидаги очарчилик туфайли болалар аҳволи, уларнинг Туркистонга эвакуацияси, бошпана, озиқ-овқат билан таъминоти, ўзаро муносабатлардаги мураккаб жараёнлар, реэвакуация билан боғлиқ зиддиятли ҳолатлар кенг камровли архив манбаларига таянган ҳолда ёритилади. Очарчилик туфайли Россиянинг эвакуация қилинган болаларига Туркистонда кўрсатилган меҳр-муруват, бағрикенглик намуналари атрофлича, холисона очиб берилади. Мазкур китоб ўз мазмуни ва моҳиятига кўра олий ўқув юрти талабалари, тадқиқотчилар ва умуман Ватанимиз тарихига бефарқ бўлмаган кенг камровли китобхонлар учун мўлжалланган.

ББК 63.3(5Ў)6+66.4(5Ў)

ISBN-978-9943-22-004-1



© Абдулла Расулов  
© YANGI NASHR – 2011

## МУНДАРИЖА

Кириш..... 4

### **I БОБ. БОЛЬШЕВИКЛАРНИ БОЛАЛАР МУАММОСИ ЕЧИМИДАГИ ФАОЛИЯТИ**

1. 1. Совет ҳокимиятининг болалар муаммоси  
счимидаги саъй-ҳаракатлари..... 13
1. 2. Очарчилик ҳудудларида болалар аҳволи ва  
уларнинг эвакуацияси ..... 22

### **II БОБ. РОССИЯ БОЛАЛАРИ ОЧАРЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ТУРКИСТОН ИШТИРОКИ**

2. 1. Очарчилик болаларига Туркистонда берилган  
ёрдлар..... 57
2. 2. Болалар реэвакуацияси: муаммо ва ечимлар..... 86
- ХУЛОСА ..... 130
- Шартли қисқартмалар изоҳи..... 133

*Фарзандлари камолига замин яратган,  
онажоним Рислигойим Валихонбой қизининг  
порлоқ хотираларига бағишлайман.*

## КИРИШ

XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий аҳвол Россия ва унинг мустамлака ўлкаларида, хусусан Туркистонда ҳам муҳим ва айни пайтда зиддиятли из қолдирди. Совет ҳокимияти ҳукмронлиги йилларида миллатлараро муносабатлардаги жараёнлар асосан бир томонлама, яъни рус халқининг бошқа миллатларга “қардошларча, бегараз ёрдами”ни таъкидлашга қаратилди. Ўзаро муносабатлар бир томонлама бўлмай, миллатлараро муносабатлардаги мураккабликлар, Туркистон халқларининг ҳам Россиянинг очарчилик азобини тортаётган аҳолисига кўрсатган меҳр-муруввати, ўз ризку рўзини, уйини, керак бўлса, кийим-кечагини ҳам биргаликда баҳам кўргани тўғрисида ёзиш ва ҳаттоки оғзаки эътироф этиш имконияти бўлмади.

Мустақиллик шарофати билан тарихга ва унинг талқинига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Эндиликда тарихни мафкуравий таъйиқлардан холи тарзда, тарихий манбаларни чуқур ўрганиб, қиёсий таҳлиллар асосида илмий муомалага киритиб, ҳолисона ёритиш имконияти туғилди. Тарихий воқеаларга бериладиган баҳо ҳам ҳужжатларга таянган ҳолда ўзининг ҳолисона талқинига эга бўлди. Бу борада Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар ҳам бир томонлама, яъни Марказдангина Туркистонга ёрдам берилмай, аксинча Туркистондан ҳам Россия халқларига берилган бегараз ёрдамлари тўғрисида рўйи-рост ёзиш имконияти туғилганини эътироф этиш лозим.

Туркистон ва Россия ўртасида муносабатлар тўғрисида совет даврида ёзилган тарихий тадқиқотлар ўзининг бир томонлама, яъни ҳукмрон мафкура талабига мос равишда

рус халқининг “байналмилал” ёрдамини кўқларга кўтариб мақташдангина иборат бўлиб қолганди. Аслида Россия Туркистонда ўзининг ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, стратегик манфаатларига эга бўлгани тўғрисида ёзишнинг имкони бўлмади.

СССР тарқалиб кетгандан кейин тарих ва тарихий воқеаларга ҳолисона ёндашиш имконияти кенгайди. Эндиликда тарих далиллар, тарихий таҳлил ҳамда назарий мушоҳадалар асосида ёзиладиган бўлди. Бу даврда XX аср 20- йиллари бошидаги Туркистон ва Россия ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий муносабатлар ҳам ўзининг ҳолисона талқинига эга бўлиши зарур эди. Чунки совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Туркистон ва Россия ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуда оғир, зиддиятли бўлгани тўғрисида, тарихий ҳақиқатни архив манбалари асосида ёритиш ва уни ҳолисона талқин қилиш бугунги куннинг муҳим ва долзарб вазифаларидан биридир. Зеро И. А. Каримов таъкидлаганларидек “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ”<sup>1</sup>.

Мазкур тадқиқот Туркистон ва Россия муносабатларидаги мураккабликлар, зиддиятли ҳолатларни, хусусан XX аср 20- йиллари бошларида очарчилик балосидан болаларни қутқариш йўлида қилинган саъй-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Тарихнинг қисқа бир даврини ёритиш борасида олиб борилган ушбу тадқиқот орқали Россия ва Туркистондаги очарчилик, бу фожеалар халқасидан болаларни қутқариш, яъни уларни озиқ-овқат билан таъминлаш муаммоси, ҳосилдор деб топилган ҳудудларга, хусусан Туркистонга эвакуацияси, уларни бошпана билан таъминлаш ҳамда реэвакуацияси билан боғлиқ мураккаб жараёнлар очиб берилади. Шунингдек, муаммолар ечимида Туркистон халқларининг бағрикенглиги кенг миқёсдаги архив манбаларини илмий муомалага киритиш орқали асослаб берилади.

<sup>1</sup> Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент, “Маънавият”, 2008. – Б. 4.

Ушбу китоб орқали XX аср 20- йиллари бошларида Россиянинг Волгабўйи, Уралолди худудларида авж олган очарчилик ва бунда болалар очарчилигини бартараф этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар Россиянинг Москва, Қозон, Уфа, Самара, Ульяновск, Оренбург шаҳарларидаги ҳамда Ўрта Осиё республикаларининг Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Бишкек, Ўш, Ашхабод, Душанбе шаҳарларидаги турли архивларда сақланаётган ҳужжатларни илк бор илмий муомалага киритиш, қиёсий таҳлил қилиш орқали ёритиб берилган. Шунингдек, китобда Россиянинг очарчилик худудларидаги болаларни кутқаришда Туркистон, Бухоро республикаларининг иштироки кенг миқёсдаги архив манбалари орқали очиб берилди.

Ушбу тадқиқот орқали тарихни ёритишга ҳолисона ёндашиш зарурлигига эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидламоқчимиз. Зеро, нафақат совет даври тарихшунослиги, балки СССР парчалангандан кейинги тарихий тадқиқотлар ҳам ҳамон бир томонлама талқинлардан холи бўла олмаяпти. Масалан, совет даври тарихшунослиги таҳлили шуни кўрсатадики, тарихга оид тадқиқотларда Марказдан Ўрта Осиё республикаларига берилган ёрдамлар кенг ва атрофлича баён қилиниши керак бўлган. Амалда, истисно тариқасидагина, айрим илмий-тадқиқот ишларида, тарихга оид китобларда бутун бир тадқиқот ёки китобнинг атиги бир-икки саҳифасидагина Ўрта Осиё халқларининг Россиянинг очарчилик ҳукм сурган худудларига берган ёрдами эслаб ўтилади<sup>2</sup>. Бундан ташқари тарихшунослик таҳлили шуни кўрсатадики, тарихга оид илмий тадқиқотлар, китобларда Ўрта Осиёдан Россия ва унинг субъектларига берилган ёрдамни ёритиш қабул қилинмаган. Бу борада ўз даврининг “обрули” ки-

---

<sup>2</sup> Интернациональное единство трудящихся в защите завоеваний Октября в Средней Азии. Т., Фан, 1988. – С. 188 – 189; Оронюк Б., Темирходжаев П. Центр – Туркестану. Т., Узбекистан, 1989. – С. 84; Интернациональные связи трудящихся Татарии (1917 – 1980). Документы и материалы. – Казань: Татарское книжное издательство, 1989. – С. 38, 41, 51.



тобларида<sup>3</sup> ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик сабаб ва оқибатлари кенг ёритилганига қарамасдан, Туркистонга Бошқирдистон, Татаристон, Қозоғистон, Самара ва яна алоҳида Уфа каби ҳудудлар мажбурий тарзда бириктириб қўйилгани, яъни ўша юқорида қайд этилган ҳудудлардаги очларни озиқ-овқат таъминоти бўйича ўлка масъуллиги ҳамда ўз ҳудудига очларни қабул қилиш мажбурияти бўлганлиги четлаб ўтилади. Аммо айнан шу китобда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бартараф этишда Сибир, Украина, Белоруссия, Петроград ва хорижий мамлакатлар ёрдамларини таъкидлаб ўтиш эсдан чиқмайди.

Очарчилик муаммоси бўйича махсус илмий – тадқиқот ишини олиб борган В. И. Белокопытов<sup>4</sup> ҳам тарихий ҳақиқатни ёритишдан “ўзини тияди”. У ўз илмий ишида Петроград, Владимир, Сибир ҳудудларига Татаристон озиқ-овқат ёрдами бўйича бириктирилганини қайд этсада, худди шу муаммо ечими бўйича Татаристонни Туркистонга ҳам бириктирилганлиги, ўлкада минглаб татар, бошқирд, рус, чуваш ва бошқа миллат вакилларига бошпана берилиб, уларни боқилганлигини “эсдан чиқаради”.

Бундан ташқари айрим илмий-тадқиқот ишлари, тарихий асарларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик йиллари таҳлил қилиниб, Туркистондан кўрсатилган ёрдам миқёси ҳамда унинг аҳамиятига йўл-йўлакай ва ҳатто атайин пасайтириб ёритилган. Масалан, Г. П. Макарова ўз китобида РСФСР миллатлар иши бўйича халқ комиссарлигининг Волгабўйидаги очарчиликни бартараф этишдаги фаолиятини ёритаркан. бу масала ечимида Ўрта Осиё республикалари иштирокини ҳам эслаб ўтади. Ушбу китобда Г. П. Макарова Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация жараёни тўғрисида тўхталиб, Бошқирдистондан Смоленскка 1000 нафар, Чу-

<sup>3</sup> Всемирная история. VII том. Москва, издательство социально-экономической литературы, 1961. – С. 383 – 387.

<sup>4</sup> Белокопытов В. И. Борьба с голодом и его последствиями в Татарии (1921 – 1923 гг.). Диссертация на соискание ученой степени кандидата исторических наук. Казань. 1978. – С. 105.



вашиядан Сибирга 80 мингга яқин, Петроград губерниясига эса 38 минг кишини эвакуация қилингани тўғрисида ёзиб, охирида Саратов губерниясидан атиги “бир неча юз оила Туркистон, Бухоро ва Хива”га<sup>5</sup> эвакуация қилинганлигини қайд этади. Ушбу келтирилган далил орқали очларни кўчириш жараёни асосан Россия губернияларининг ўзигагина бўлган ва уларнинг жуда оз миқдоригина Ўрта Осиё республикаларига эвакуация қилинган, деган хулосага келиш мумкин. Аммо аслида Туркистонга Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан эвакуация қилинганлар миқдори юқорида қайд этилган сонга мутлақо тўғри келмайди.

Тарихга ноҳолис ёндашиш ҳолатлари очарчиликни бевосита бошидан ўтказган ҳудудларда чоп этилган илмий-тадқиқотлар ва ҳужжатлар тўпламида ҳам кўзга ташланади. Масалан, Куйбишев (ҳозирги Самара), Ульяновск (собиқ Симбирск) да ўз пайтида нашр этилган китобларда ҳам тегишли ҳудудлардаги озиқ-овқат тақчиллиги сабаблари, миқёси ҳамда оқибатлари тўғрисида жуда кўп маълумотлар, ҳужжатлар келтирилади<sup>6</sup>. СССР парчаланиши арафасида нашрдан чиққан “История Казани” (“Қозон тарихи”) китобида ҳам Татаристондаги очарчилик даҳшатлари, совет ҳокимияти томонидан очарчиликка қарши курашлар ҳамда Татаристонга Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси (БМИҚ) қарорига мувофиқ, “... Владимир, Вятск, Кострома, Смоленск губерниялари ва Украина, Белорусия, Сибир, Петроград”<sup>7</sup> дан берилган ёрдамлар тўғрисида ёзилган. Шунингдек, Бошқирдистон Мухтор республикаси ўз пайтида озиқ-овқат ёрдами олиш учун “Ақмола, Семипалатинск, Петроград, Курск ва Смо-

<sup>5</sup> Қаранг: Макарова Г. П. Народный комиссариат по делам национальностей РСФСР(1917 – 1923 гг.) Исторический очерк. – М.: Наука. 1987. – С. 126.

<sup>6</sup> Наяшкин К. Я. Очерки истории Куйбышевской области. -Куйбышев: Кн. изд-во, 1962; Куйбышевская область: Историко-экономический очерк. -Куйбышев, 1977; Очерки истории Ульяновской организации КПСС. –Саратов: Приволжское книжное издательство Ульяновское отделение, 1977.

<sup>7</sup> История Казани. Вторая книга. – Казань: Татарское книгоиздательство, 1991. – С. 74.

ленск губернияларига, Уфа губернияси эса Екатеринбург, Тюмен, Смоленск ва Курскка бириктириб қўйилган” лиги Уфада нашр этилаётган махсус илмий тадқиқотларда қайд этилади. Аммо юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот ишларида Бошқирдистон республикасининг очарчиликка мубтало аҳолисини ҳам озиқ-овқат билан таъминлаш Туркистон республикаси зиммасига юклаганлиги тўғрисида ҳатто эслатиб ҳам ўтилмайди<sup>8</sup>. Айни пайтда, юқорида келтирилган китобларда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларидан Татаристон, Бошқирдистон республикалари аҳолисига кўрсатилган озиқ-овқат ёрдамлари ҳамда ўлка ўз бағрига минглаб татар, бошқирд, чуваш, рус ва бошқа миллатга оид болаларни, аёл, эркак, кексаларни эвакуация натижасида ҳамда оч-қочоқ сифатида қабул қилгани тўғрисида ҳам ҳеч нарса ёзилмаган.

Холбуки, совет ҳокимиятининг дастлабки йилларини, хусусан очарчилик даврини махсус даражада ўрганган ва ҳатто у ёки бу тарзда тадқиқ қилганлар бу тўғридаги кўплаб манбаларни четлаб ўтиши мумкин эмасди. Баъзи бир тарихий тадқиқотларда эса очарчиликни бартараф этишда, асосан, Марказ ролини ошириб кўрсатадилар. Мисол учун яна ўша юқорида қайд этилган Г. П. Макарова Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик йилларида асосий ёрдамни Марказ амалга оширганига асосий эътиборни қаратиб, Туркистондан берилган ёрдам ҳам РСФСР ҳукумати топшириғи асосида амалга оширилган деб қайд этади<sup>9</sup>.

Россия Федерациясида, хусусан, Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари тарихига оид нашр этилган адабиётларда мавзу ёритилишига ҳамон тарихий эскича, бир томонлама ёндашув кўзга ташланмоқда. Масалан, Бошқирдистоннинг совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаги тарихини кенг ёритган С. Ф. Қосимов ўзининг монографиясида<sup>10</sup>

<sup>8</sup> Очерки по истории Башкирской АССР. Том II (Советский период), – Уфа: Китап, 1960. – С. 194.

<sup>9</sup> Макарова Г. П. Народный комиссариат по делам национальностей... С. 124.

<sup>10</sup> Касимов С. Ф. Автономия Башкортостана: становление националь-

Туркистон билан ўзаро муносабатлардаги ҳарбий-сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларга тўхталмайди. Аммо китобда ўша даврдаги очарчилик сабаблари ва оқибатлари ҳақида фикр юритиб, Россиянинг Петроград, Курск, Тюмень, Смоленск каби губерниялари Бошқирдистонга озиқ-овқат ёрдамни олиш учун бириктирилганини қайд этади. Айни пайтда С. Ф. Қосимов Туркистон ҳам Бошқирдистон республикасига озиқ-овқат ёрдами бериш бўйича бириктирилганлиги ҳамда Тошкентда ва кейинроқ Бухоро, Хоразм республикаларида 1921 – 1923 йиллари Бошқирдистон МИҚнинг Х. Н. Амиров бошчилигидаги махсус ваколатхонаси фаолият кўрсатгани хусусида маълумотлар берилмаган. Холбуки, Бошқирдистон МИҚнинг қарори асосида 1921 йил августидан Х. Н. Амиров бошчилигида Бошқирдистон МИҚнинг махсус ваколатхонаси Туркистонда ўз фаолиятини бошлашига кўрсатма берилган эди. С. Ф. Қосимов бу китобда Бошқирдистонга Америка ёрдам маъмурияти (АЁМ), Халқаро ишчилар ёрдам қўмитаси ҳамда совет ҳокимияти марказий органлари томонидан кўрсатилган озиқ-овқат ёрдамлари тўғрисида бир қанча далилларни келтириш билан бирга, Бухоро ва Хоразм республикаларидан берилган ёрдам тўғрисида ҳеч қандай маълумотлар берилмайди.

Тарихни ноҳолис ёритиш йўлида, Россиядаги 1921 – 1923 йиллари бўлган очарчиликни махсус ўрганган, Р. Давлетшин ҳам қолишмайди. У Россиянинг ҳосилдор губернияларида Бошқирдистоннинг махсус вакиллари ёрдам фаолиятини мувофиқлаштириш билан шуғулланганлигини қайд этади-ю, Бошқирдистон МИҚнинг ваколатхонаси ходимлари Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларида махсус фаолият кўрсатгани тўғрисида ҳатто эслаб ўтишни лозим деб топмайди<sup>11</sup>.

Шундай қилиб, Россия Федерациясининг айрим тарихчилари, айниқса, ўз пайтида очарчиликни бошидан

---

ной государственности башкирского народа (1917 – 1925 гг.). – Уфа: Китап, 1997. – С. 207 – 209.

<sup>11</sup> Давлетшин Р. 1921 – 1922 йилдарзагы аслык. Ватандаш, журнал (бошқирд ва рус тилларида), № 3, 1997. – С. 120 – 124.

ўтказган хуудларнинг илмий тақиқотчилари ҳамон тарихий ҳақиқатни четлаб ўтишга интиляптилар. Масалан, Бошқирдистон республикасининг таниқли олими, республиканинг марказий давлат тарихий архивида бир неча йил ишлаган, Бошқирдистон тарихи бўйича хрестоматия тузувчи-муаллифи Ф. Х. Гумеров ўзи таъкидлаб ўтгандек, “очарчилик йилларини майда-чуйдасигача ўрганган” лигига қарамасдан<sup>12</sup>, ўзи тузган китобда Туркистон, Бухоро, Хоразм республикаларидан Бошқирдистонга берилган ёрдамлар тўғрисида бирорта ҳужжат келтиришни ёки эслаб ўтишни мақсадга мувофиқ деб топмайди. Шунингдек, ушбу китобда Туркистон ва Бошқирдистон ўртасидаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳарбий-сиёсий, маданий-маърифий алоқаларга ҳам ўрин берилмаган.

Тарихни мафкуравий тазйиқлардан холи тарзда ёритиш имконияти Совет Иттифоқи парчалангандан кейин вужудга келди. Ушбу тарихий имкониятдан Ўзбекистонда анчагина тўлақонли фойдаланилаётганига қарамасдан, айти пайтда тарих ва тарихий воқеа-ҳодисаларга ноҳолис ёндашиш Россия Федерациясида давом этмоқда.

Масалан, Туркистон халқларининг Волгабўйидаги очарчиликни бартараф этишда кўрсатган ёрдами мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чоп этилган асарларда маълум даражада ёритилган<sup>13</sup>. Бундан ташқари ушбу муаммо И. А. Мамадалиевнинг тадқиқотларида<sup>14</sup>

<sup>12</sup> Хрестоматия по истории Башкортостана 1917 – 2000. Часть II, – Уфа: Китап, 2001. – С. 175, 601.

<sup>13</sup> Набиев Ф. Х. Социальная политика в Туркестане в годы НЭПа. – Самарканд: Зарафшан, 1995. – С. 71 – 72; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. – Т.: Шарк, 2001. – С. 491 – 495; Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. – Т.: Шарк, 2000. – Б. 360 – 361; Тарих шоҳидлиги ва сабоқлари. Чоризм ва совет мустамлакачилиги даврида Ўзбекистон миллий бойликларининг ўзлаштирилиши. – Т.: Шарк, 2001. – Б. 251 – 254.

<sup>14</sup> Мамадалиев И. А. Помощь Туркестанской АССР голодающему населению Поволжья (1921 – 1923 гг.) : Автореф. дис.... канд. истор. наук. – Худжанд, 1998; Унинг ўзи. Из истории помощи Туркестанской АССР голодающему населению Поволжья (1921 – 1923 гг.) Худжанд, 2003

ҳам ўз аксини топган. Ушбу тадқиқотда биринчи марта Ўзбекистон МДА ва Самарқанд ҳамда Тожикистон Республикасининг Ленинобод (ҳозирги Сўғд) вилоят давлат архивларидаги фондлар асосида кўрсатилган ёрдам эътироф этилади. И. А. Мамадалиевнинг тадқиқотида Россиянинг очарчилик ҳукм сурган ҳудудларидан келтирилган болаларга ўлкада кўрсатилган меҳр-мурувват маълум даражада кенг ёритилган. Аммо бу тадқиқот муҳим аҳамиятга молик бўлишига қарамасдан, И. А. Мамадалиев Россия Федерацияси марказидаги ва ўз пайтида очарчилик ҳукм сурган ҳудудлардаги архив манбаларига мурожаат қилмаган. Тадқиқотнинг географик доираси чекланганлиги туфайли, манбаларни таққослаш, таҳлил қилиш имконияти бўлмаган ва айрим тарихий ноаниқликларга йўл қўйилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш жоизки, Туркистон ва Россия ўртасидаги муносабатларнинг мураккаб, зиддиятли жараёнларини оч болалар мисолида ёритишга қаратилган мазкур китоб ҳали ёзилиши режалаштирилган, очарчилик мавзуси билан боғлиқ муаммоларни ёритишга қаратилган тадқиқотларнинг дебочаларидан бири ҳисобланади. Ушбу китобда ўзаро муносабатлардаги жараёнлар кенг қамровли архив манбаларининг қиёсий таҳлили орқали ёритилган. Айни пайтда ўзбек халқининг яна бир бор болажонлиги, бағрикенглигидан далолат берувчи тадқиқот ҳисобланади.

# **I БОБ. БОЛЬШЕВИКЛАРНИ БОЛАЛАР МУАММОСИ ЕЧИМИДАГИ ФАОЛИЯТИ**

## **1. 1. Совет ҳокимиятининг болалар муаммоси ечи- мидаги саъй-ҳаракатлари**

Россия империяси ва унинг чекка ўлкаларидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол бир-биридан тубдан фарқ қилмас эди. Чунки Россиянинг ўзи қоқоқ, аграр мамлакатлар қаторида турарди. Боз устига биринчи жаҳон уруши (1914 – 1918) Россия ва унинг ҳукмронлиги остидаги чекка ўлкаларни янада иқтисодий ботқоққа ҳамда сиёсий бошбошдоқликка келтириб қўйди. Чунки бу уруш жуда кўп оилаларни бир-биридан айиришга, чекка ўлкалар иқтисодиётига, қанчадан-қанча кишиларни қурбон бўлишига олиб келди. Натижада минглаб болалар ота-онасиз қолиб, назоратдан четда қолган эдилар. Ота-онасидан айрилган ва айни пайтда назоратдан четда қолган, бир бурда нонини, жулдур кийимини ўзи топишга, иссиқ-совуқларда оч-ялонғоч юришга мажбур бўлган болалар бутун мамлакат бўйлаб кезиб юрарди. Амалда болалар тарбияси, уларнинг озиқ-овқат таъминоти, кийим-кечаги, бошпанаси “тақдир тақазоси”га қўйиб берилди. Натижада, “ўзинг учун ўл етим” ақидасига риоя қилиш қисматига дучор бўлган болалар бир бурда нон топиш йўлида ҳар қандай жиноятга бош суқиб кўришдан қайтмайдиган бўлиб қолди. Болалар жинояти борган сари кўпайиб борди. Чунки катта ёшдагилар урушда ва айримлар рўзғор ташвишига ўралиб, қолган маълум бир зиёлилар эса “инқилобий ҳаракатлар” билан овора бўлиб, бу амалда болалар масаласини янада долзарб муаммолардан бирига айлангириб борарди.

1917 йилги феврал инқилоби ва октябр давлат тўнтариши Россия ва унинг чекка ўлкаларидаги ижти-

мойи-сиёсий, иқтисодий аҳволни янада мураккаблаштириб юборди. Жойларда катта ёшдагиларни “инқилобий ҳаракатлар” билан ва ҳокимият учун курашга фаол ўралашиб қолгани амалда болалар муаммосини янада долзарб тарзда кун тартибига қўя бошлади. Совет ҳокимияти олдида большевиклар томонидан қўлга киритилган “инқилобий муваффақиятлар”ни мустаҳкамлаш йўлида янги, “замон руҳига мос” болаларни тарбиялашдек муҳим вазифа турарди. Чунки ўсиб келаётган авлодни “инқилобий рух”да тарбиялаш большевиклар ҳукумати олдидаги муҳим аҳамиятга молик вазифалар қаторига кирар эди. Айнан ўсиб келаётган болалар руҳида “инқилобга содиқ”ликни шакллантириш учун улар янги ҳокимият “афзаллик”ларини кўриши, большевиклар ҳокимиятини сақлаб қолиш, ҳимоя қилиш ва керак бўлса шу мақсадда ўз жонини фидо қилишга тайёр бўлиши катта аҳамиятга молик вазифалар қаторида турарди. Аммо октябр тўнтариши амалда нафақат катта ёшдагилар, балки ўсиб келаётган болаларни ҳам сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш оқибатининг қурбонларига айлантириб қўйди. Умуман олганда, ҳокимият учун кураш болаларни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилишига, уларни оч-наҳор, бир бурда нон илинжида турли жойларда сангиб юришига олиб келди.

Болалар жинояти борган сари кўпайиб боришида катта ёшдагиларнинг ҳам “хизмати” старли даражада бўлган. Чунки айнан катта ёшдагилар ўзларининг жиноят кўчаларига болаларни ҳам тортиб, уларни ўғрилиқ қилишга, йўлтўсарлик билан шугулланишга ва бошқа ҳуқуқбузарликка ўргатар эдилар. Катта ёшдаги жиноятчиларни қамаш, керак бўлса “инқилоб манфаати” йўлида отиб ташлаш мумкин бўлган ҳолда, жиноятчилик йўлига кирган болаларни бу йўлдан қайтариш, мумкин қадар улардан совет ҳокимияти қурилиши, мустаҳкамланиши манфаатларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланар эди. Шунинг учун ҳам совет ҳокимияти олдида болаларни ҳуқуқбузарликдан қайтариш йўлида катталарга нисбатан олиб бораётган жазо чораларидан кўра бошқачароқ усул



қўллашдек муҳим вазифа турарди. Бу йўналишда асосий ролни халқ маорифи комиссарлиги бажариши лозим эди. Шунингдек, бу муаммо ечимида 1918 йилда ташкил топган “Балогат ёшига етмаган болаларни ҳимоя қилиш комиссияси” зиммасига катта масъулият юкланарди. Аммо совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида ҳокимият учун “қизиллар” ва “оқлар” ўртасидаги бошланиб кетган кураш халқ хўжалиги, умуман бошқарув тизимидаги давлат назоратини издан чиқаришга олиб келди. Бу эса ўз навбатида мамлакат ҳаётида кўплаб қийинчиликларга сабаб бўлди. Натижада эркаклар кимларнингдир хоҳиш истакларини қондириш учун қарама-қарши баррикадаларда жангга киришдилар. Эркакларнинг бир қисми завод - фабрикаларда ишлаш, қишлоқ хўжалиги бўйича экиш, ҳосил ундириш билан шугулланиш, омов билан ер ҳайдаш ўрнига қўлларига қурол олиб, ўзлари ҳам тўла тасаввур қила олмаган “хаёлий коммунизм”, “жаҳон инқилоби” манфаатлари ҳимоясига киришдилар. Эркакларнинг бошқа бир қисми эса Россия империяси манфаатлари, подшога садоқат руҳида, “йўқсиллар” қўлига ҳокимиятни тутқизмаслик учун курашга бел боғладилар. Амалда бошланган биродаркушлик уруши натижасида большевиклар ҳокимиятни сақлаб қолиш, уларга қаршилар эса подшо ҳокимиятини тиклаш йўлида қуролли курашга киришдилар. Россия ва унинг чеккаларидаги ҳокимият учун кураш қолоқ мамлакат иқтисодиётини, ижтимоий-сиёсий аҳволини янада издан чиқишига олиб келди. Охиरोқибат бу каттаю кичиклар, эркагу аёллар ва болаларни қурбон бўлиши учун имкон яратди. Россия ва унинг чекка ўлкаларида бошланиб кетган ўзаро урушлар кишиларнинг тинқасини қуритиш билан бирга, болаларни бир бурда нон илинжида кўчаларга олиб чиқиб қўйди.

Мамлакатда давом этаётган фуқаролар уруши ва чет эл ҳарбий интервенцияси натижасида, тўла бўлмаган маълумотларга кўра, 4 млн. атрофида болалар нафақат ўз ота-оналарини йўқотдилар, балки улар бошпанасиз, озиқ-овқатсиз, назорат ва тарбиясиз қолдилар. Совет ҳокимияти раҳбарияти олдида назоратдан четда қолган

болаларни ўз қарамоғига олиб тарбиялашдек мураккаб вазифа кўндаланг бўлиб қолди<sup>15</sup>.

Совет ҳокимияти болалар жинояти олдини олиш, улар томонидан ҳуқуқбузарликка қарши кураш борасида, юқорида таъкидланганидек, 1918 йили “Балоғат ёшига етмаган болаларни ҳимоя қилиш комиссияси”ни тузди ва бу комиссия зиммасига болаларни ҳар томондан кўриқлаш, уларни ўқиши, тарбияси ва “инқилоб манфаатлари” йўлига тайёрлаш вазифаси юклатилди. Ушбу комиссия 1918 йили ташкил топганига қарамасдан, унинг амалий фаолияти чет эл ҳарбий интервенцияси, фуқаролар уруши йилларида маълум даражада суст бўлди. Бунга сабаблар қаторида РСФСР адлия халқ комиссарлиги томонидан 1919 йил 12 декабрида балоғат ёшига етмаган болаларни ҳам жиноий жавобгарликка тортиш ва озодликдан маҳрум қилиш бўйича рухсат берилганини келтириш мумкин. Совет ҳокимияти ҳукмронлигининг дастлабки йиллари, айниқса 1920 йили, болалар жиноятини олдини олиш бўйича, хусусан янги социалистик жамият қуришга йўналтиришдаги фаолиятларидан бири натижаси сифатида РСФСР халқ маорифи комиссарлиги қошида ташкил топган “Болаликни ҳимоя қилиш бўлими” бўлди. Ушбу бўлим ўз таркиби ва фаолиятига қуйидагиларни олган эди:

- болалар уйи;
- болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш;
- балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси;
- болалар милицияси (инспекцияси ҳам);
- болаларни қабул қилиш жойи (ҳибсга олиш жойи)<sup>16</sup>.

Совет ҳокимияти томонидан қилинган кейинги қарорлардан бири 1920 йил апрелида болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича “Болалар милицияси”ни ташкил қилиш бўлди. Шунингдек, РСФСР халқ маорифи комиссарлиги қошидаги “Болаликни ҳимоя қилиш бўлими”да

<sup>15</sup> Софинов П. Г. Очерки истории ВЧК (1917 – 1922 гг.). М., Государственное издательство политической литературы, 1960. – С. 214 – 215.

<sup>16</sup> Портнов В. П. ВЧК 1917 – 1922, М., “Юридическая литература”, 1987. С. 173.

алоҳида қабул қилиш пункти ташкил этилиб, унга кичик ва балоғат ёшига етмаганлар, яъни: 1) жамият учун хавф туғдиришда ушланганлар; 2) тиланчилик, фоҳишабозлик, майда чайқовчилик билан шуғулланувчилар; 3) назоратдан четда қолган ва адашиб қолганлар қабул қилинган.

“Болалар милицияси”ни алоҳида ташкил қилишдан мақсад, балоғат ёшига етмаган болаларни катта ёшдаги ҳуқуқбузарларни қабул қилишга мўлжалланган милиция участкаларига юбормасдан алоҳида сақлаш эди. “Болалар милицияси” ходимлари темир йўл станциялари, вокзаллар, бозорлар, чойхона ва ошхоналар, кечки тунаш жойларида мунтазам айланиб юриб, назоратсиз, ҳуқуқбузар, дайди болаларни аниқлаш билан шуғулланганлар. Аммо амалиётда “Болалар милицияси” ўзини оқламади, чунки болаларни тарбиялашга жалб қилинганларнинг ўзи, кўп ҳолларда, тарбиядан йироқ эди... Бошқачароқ айтганда, “Болалар уйи” ва қабул пунктларидаги айрим масъул шахсларнинг ўзлари томонидан тутиб келтирилган болаларни ўмариш ҳоллари ҳам кузатилган. Бундай аҳволдан чиқиб кетиш йўлида кескин чоралар кўрилмаса, болалар тарбияси мутлақо назоратсиз ва издан чиқиб кетиши турган гап эди. Шунинг учун ҳам 1921 йил январиди Бутунроссия марказий ижроия кўмитаси (БМИК) ҳузурида “Болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” тузилди ва унга раис этиб Бутунроссия фавқулодда комиссияси (ВЧК) раҳбари Ф. Э Держинский тайинланди. Эндиликда болалар тарбияси, назорати билан Бутунроссия фавқулодда комиссиянинг Марказ ва жойлардаги вакиллари бевосита шуғулланадиган бўлди. Фавқулодда комиссия аъзолари, яъни чекистлар “Болалар уй”лари, болалар боғчалари, болалар касалхоналари ва санаторийларини, қаровсиз ва назоратдан четда қолган болаларни ҳар томонлама ўрганишга киришдилар<sup>17</sup>.

Совет ҳокимияти томонидан кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан, жойларда қаровсиз-назоратсиз болалар сони борган сари кўпайиб бораверди. Ўз навбатида

<sup>17</sup> Портнов В. П. ВЧК 1917 – 1922 г. М., “Юридическая литература”, 1987. С. 175 – 176.

кўрилатган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ “Болалар уй”лари, интернатларга йилдан-йилга кўпроқ болаларни жалб этганлиги билан кўзга ташланади. Расмий маълумотларга кўра, РСФСРдаги “Болалар уй”ларида 1917 йили 30 минг нафар атрофида болалар тарбияланган бўлса, 1918 йили уларнинг сони 75 минг, 1919 йили 125 минг, 1920 йили 400 минг, 1921 йили эса 540 минг нафарни ташкил қилган<sup>18</sup>.

Юқоридаги статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, қанчалик совет ҳукуматининг “социалистик тажриба” сиёсати болаларни ўз ота-оналаридан алоҳида бўлиб яшашига олиб келган. Аммо фуқаролар уруши даврида совет ҳокимияти томонидан олиб борилган болаларни ҳимоя қилиш тадбирларини охирига етказиш имконияти бўлмаган. Чунки юқорида қайд этилганидек, болаларни тарбиялашга масъул кишилар ва тарбиячиларнинг маълум бир қисми маънавий томондан тарбияга муҳтож эдилар. Боз устига уларнинг ўзлари болаларнинг ҳаққига хиёнат қилишдан ҳам тоймаганлар. Бошқачароқ ифодалаганда “Тарбиялашга жалб қилинганларнинг ўзлари тарбияга муҳтож эдилар”. Аҳвол борган сари оғирлашиб борган. Фуқаролар уруши тугашига келганда мамлакатда бир млн. га яқин болалар ота-оналарини йўқотган, егани нони, кийгани кийими, яшашга бошпанаси йўқ ҳолда кўча-кўйларда сангиб юришга, вокзалларда тунашга, тиламчилик қилишга, кези келган ўгрилик, талончилик, қароқчиликдан ҳам тоймасликка борар эдилар. Шундай қилиб, болалар тарбияси деярли издан чиққан эди.

Ана шундай оч-наҳор болалар тақдири Россиянинг марказий губернияларида, хусусан Петроград ва Москвада ҳам аянчли аҳволда эди. “Инқилобий ўзгаришлар” нафақат чекка губерниялар, балки марказий шаҳарлардаги болалар тақдирига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмаганди. Бундай аҳвол большевикларни қониқтира олмас эди. Ўз ризкин кўчадан ахтараётган, янги “коммунистик жами-

<sup>18</sup> Софичов П. Г. Очерки истории ВЧК (1917 – 1922 гг.). М., Государственное издательство политической литературы, 1960. – С 215.

ят” тўғрисида тушунчага эга бўлмаган оч-наҳор болалар қайси ғоялар остида тарбияланиши мумкин эди? Совет ҳукумати олдида ўз ҳокимиятининг таянчи бўлган болалар тақдирини “социализм манфаат”лари йўлида тарбиялашдек вазифа турар эди. Оч қоринга сингдирилаётган тарбия кутилган натижани бермаслиги аниқ эди. Совет ҳокимияти раҳбарлари олдида тарбияни аввал болаларни тўйгазиш ва кейин уларни янги жамият бунёдкорларига айлантиришдек вазифа турар эди.

Эндиликда очларни тўйгазиш ишида “умумхалқ хашари” ҳам Петроград ва Москва болаларига кўрсатишдан бошланди. Ҳар ҳолда Марказ теварагидаги оч болаларни боқиш ишига ўзи тўйиб овқат емаётган, бола-чақасини зўрма-зўр боқаётган Туркистон халқи ҳам жалб қилинди. Аниқроғи Марказнинг Туркистон бошқарув тизимидаги эмиссарлари саъй-ҳаракати туфайли оч ўлкадан “тўқ бўлмаган” Марказ болаларига ёрдам уюштириши бошланиб кетди. Бу тадбирларни амалда **“Оч ҳолда очларга ёрдам”** дейиш мумкин эди. Аммо бу ёрдам асосан Марказ болаларига қаратилган эди. Марказ болалари манфаати чекка ўлкаларда ҳам тўйиб овқат емаётган болаларга нисбатан юқори кўйилди.

Бошқачароқ айтганда, Марказ ўз манфаати йўлида чекка ўлкаларни ҳам “хизмат”га чорларди. Масалага аниклик киритадиган бўлсак, Туркистон халқининг ўзи 1918 – 1919 йиллари даҳшатли очарчиликни бошидан ўтказган ва бир млн. дан ортиқ катта-кичик аҳолисидан ажралган бўлишига қарамасдан, “Оренбург тўсиғи”<sup>19</sup> нинг барбод қилиниши билан Марказга ёрдам юбориш бошланиб кетган. Бу ёрдамлар тизимли ва узлуксиз бўлишида Марказнинг Туркистондаги эмиссарлари, хусусан Турккомиссия ҳам катта саъй-ҳаракатлар қилган. Шу мақсадда

---

<sup>19</sup> “Оренбург тўсиғи” атаман Дутовичнинг Оренбургни босиб олиши натижасида 1917 йил ноябридан 1918 йил январига қадар, 1918 йил апрелидан 1919 йил сентябригача давом этган. Бу амалда Туркистон ва Россия ўртасидаги темир йўл алоқаларини узиб қўйган. Темир йўл алоқаларининг узилиши амалда иқтисодий алоқаларни издан чиқишига ҳам таъсир кўрсатган.

1920 йил бошларида Андижондан Москвага 20 вагон гуруч жўнатилиб, "... поездлар қатновида узилишлар бўлмаса, Андижондан яна 3500 вагон ғалла жўнатилиши мумкин"лиги қайд этилган<sup>20</sup>.

Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлигининг 1920 йил 23 мартада Турккомиссия аъзоси Рудзутакка юборган ҳисоботида "... биз томондан Москва болаларини ҳимоя қилиш учун 5 вагон турли мевалар, ширинликлар ва озиқ-овқат маҳсулотларини, 2 вагон кам тузланган балиқларни, 1 вагон тузни" юборяпмиз дейилади ва умумий ҳисобдаги озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари "келгусида озиқ-овқат [халқ] комиссарлигининг бундай жўнатиш тадбирлари... имкон қадар кўпроқ бўлиши" қайд этилган<sup>21</sup>.

Марказга ёрдам кўрсатиш тадбирлари қаторида Туркистонда ўтказилган хайрия йиғимларини ҳам олишимиз мумкин. Масалан, Қизил-Арвот хотин-қизлар бўлими ташаббуси 1920 йил 16 майида Петроград ва Москвадаги оч болаларга ёрдам кўрсатиш учун хайрия спектакли намойиш этилган. Ушбу спектаклдан тушган 126092 рубл Петроград ва Москвадаги очарчилик азобини тортаётган болалар ҳисобига юборилган эди<sup>22</sup>. 1920 йил 8 апрелда Наманган уезд ҳарбий комиссарлиги хизматчилари мажлис ўтказиб, Петроград ва Москванинг оч болалари учун икки кунлик овқат ва бир кунлик иш ҳақларини хайрия қилишга қарор қилганлар<sup>23</sup>. Бундай тадбирлар Туркистоннинг бошқа ҳудудларида ҳам амалга оширилган. 1920 йил 27 июнида Туркман вилояти Скобелев посёлкасида ҳам Петроград ва Москвадаги оч болаларга ёрдам уюштириш учун ўқитувчи Рукавцева бошчилигида спектакл қўйилган. Спектакл қўйилган жойнинг кириш томонига "Петроград ва Москванинг очарчиликка учраган болаларига ёрдам спектакли-имкон даражасида хайрия қилинг"

---

<sup>20</sup> Жизнь национальностей, 11 января 1920 г.

<sup>21</sup> Российский государственный архив социально-политической истории (РГАСПИ), ф. 122, оп. 1, д. 103, л. 306

<sup>22</sup> Набат революции (Полторацк), 27 июня 1920 г.

<sup>23</sup> Наманган вилоят давлат архиви (НВДА), 243- фонд, 1- рўйхат, 22- иш, 175- варақ



деб ёзиб қўйилган эди. Ушбу спектаклдан йиғилган 12235 рубл ҳам Марказнинг оч болалари ихтиёрига юборилган эди<sup>24</sup>.

Умуман олганда, Марказдаги болалар аҳволи совет ҳокимияти раҳбариятини ташвишлантирмай иложи йўқ эди. Боз устига 1921 йил бошларидан Волгабўйи, Урал-олди ҳудудларида<sup>25</sup> ҳосил йиғиб олиш муаммоси кўзга ташлана бошлади. Бу ҳам Марказ раҳбариятини ташвишлантирмай қўймади. Амалда фуқаролар урушидан кейинги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол, қаровсиз қолган болалар шароитини тубдан ўзгартира олмади. Бошланиб кетган даҳшатли очарчилик болалар муаммосини янада долзарброқ кун тартибига қўя бошлади.

Маълумки, очарчилик азоб-уқубатлари аҳолининг нафақат катта ёшдагиларини, балки ҳимояга кўпроқ муҳтож бўлган болаларни ҳам ўз домига тортган эди. Очарчилик йилларига тааллуқли газета-журналлар, варақалар, махсус бюллетенлар ва архив манбаларини таҳлил қиларканмиз, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик каттаю кичикни, ҳимояга муҳтож болалару аёлларни ўз домига тортиб, бир бурда нон учун қанчадан-қанча одамлар, айниқса балоғат ёшига етмаган болаларни турли “жиноий кўчалар”га кириб кетганини турли манбаларда ўз аксини топганини кўришимиз мумкин. Мавжуд манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, очарчилик бошланиши билан ота-оналар ўзларига ва ҳатто фарзандларига ҳам ейишга овқат, кийишга кийим топа олмай қолдилар. Очарчилик йиллари Симбирск, Самара, Қозон, Уфа, Оренбург, Саратов, Стерлитамоқ ва бошқа шаҳарларнинг кўчаларида, айниқса темир йўл станциялари ҳамда вокзалларида, бозорларда тиланчилик қилаётган жулдур кийимли, очликдан зўрға оёғини судраб босаётган болаларни кўплаб уч-

<sup>24</sup> Набат революции (Полторацк), 16 июля 1920 г.

<sup>25</sup> Бу ҳозирги Россия Федерацияси таркибидаги Бошқирдистон, Татаристон, Чувашия, Удмуртия, Марий Эл республикалари ҳамда Ульяновск (Симбирск), Самара, Оренбург, Пенза, Саратов, Тамбов, Астрахан, Свердловск (Екатернбург), Перм каби субъектларни ўз ичига олади.



ратиш мумкин эди. Бу бечора ҳол болаларни кўчаларда, вокзал, станция ва бозорларда санқиб юриб ейишга овқат, нон излаб тиланчилик қилиб юришларига ўз боқувчисидан айрилиб қолгани ва ёки ота-онаси бўлса ҳам уларнинг касалмандлиги, ака-ука, опа-сингилларини боқиш илинжида юрганлиги сабаб бўла оларди. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик катта ёшдаги эркак, аёллар каби болаларни ҳам нон топа олмай илдизпоя, қипиқ, юмронқозиқ, дарахт пўслоғи, кунжара ҳамда дарахт барги ва илдизларини ҳам истеъмол қилишга мажбур қилган. Қиш яқинлашган сари бу “ноз-неъматлар” ҳам анқонинг уруғи бўлиб борган. Масалан, 1921 йил июлидаёқ очарчилик натижасида Самарада ўт-ўланлар ҳам еб битириляётганлиги, деҳқонлар нон ўрнига еркаламбир истеъмол қилишга мажбур бўлаётгани ва “дуб дарахтининг меваси-чўчкаёнгоқ лаззатли таом ҳисобланаётганлиги”<sup>26</sup> қайд этилган эди. Очарчилик қамрови кенгайган сари очлардан юқорида қайд этилганидек, нафақат ўт-ўланлар, кунжара ва илдизпоялар, балки ҳар хил ҳайвонлар, хусусан истеъмолбоп ва истеъмолбоп бўлмаганлари ҳам қочиб қутилмади.

## **1. 2. Очарчилик ҳудудларида болалар аҳволи ва уларнинг эвакуацияси**

1921 йил совуқ кузи кириб келиши ва қиш бошланиши билан аҳвол янада аянчли тус олди. Ҳар куни юзлаб, минглаб болалар очликдан, касалликдан ўла бошлади. 1921 йил кузидаги тўла бўлмаган маълумотларга кўра, 3 ёшдан 15 ёшгача бўлган оч болалар сони 5 млн. 798 мингни ташкил қилган бўлиб, улардан 120 минг нафари ҳосилдор деб топилган ҳудудларга, шунингдек Туркистонга ҳам эвакуация қилиниши кўзда тутилган эди<sup>27</sup> (1. 1. жадвал)

<sup>26</sup> Известия (ТуркЦИК), 27 июля 1921 г.

<sup>27</sup> Национальный архив Республики Татарстан (НА РТ), ф. Р – 4470, оп. – 1, д. 6, л. 45 об.

## Очарчилик ҳудудларидаги Эвакуация қилинадиган болалар

1. 1- жадвал

№	Республика, губерния ва вилоятлар	Оч болалар сони
1	Татаристон	785000
2	Қирғизистон (Қозоғистон)	570000
3	Симбирск	520000
4	Чуваш	200000
5	Бошқирдистон	155000
6	Самара ва Немис коммунаси	78600
7	Умуман Волгабўйидаги оч болалар	5798000
8	Кўчирилиши керак бўлганлар	120000

Очарчилик ҳудудларидаги аянчли аҳвол зудлик билан тегишли чора-тадбирлар кўришга ундарди. Болалар ўлимининг борган сари ортиб бориши натижасида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги раҳбарият амалда Марказ ёрдамидан умидини узди. Шу сабабдан ҳам оч болалар ҳаётини сақлаб қолиш, уларни мумкин қадар озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш чораларини Россиянинг очарчилик ҳудудлари томонидан мустақил тарзда излашга киришилди. Шу мақсадда 1921 йил июл ойи бошларида Оренбург ва Самара губернияларидан Тошкентга тегишли равишда Волков ва Краюшкиналар бошчилигида “Болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” вакиллари ташриф буюришди. Улар ўз ташрифида Тошкент Янги шаҳар кенгашининг 1921 йил 18 июлидаги мажлисида қатнашиб, Оренбург, Самара губернияларида ҳукм сураётган очарчилик натижасида, болаларнинг аҳволи тўғрисида маъруза қилдилар ҳамда иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, Волгабўйи аҳолисига ёрдам бериш зарурлигини таъкидладилар. Тошкент Янги шаҳар кенгаши ушбу масала бўйича қабул қилган қароридан “... озиқ-овқат маҳсулотларини Оренбургдаги, [Самарадаги] очларга етказиш учун... Ягодин, Голушко, Власов, Иван Калугин, Новатов, Кикони ажратади. Юқорида қайд этилган ўртоқлар тегишли ташкилотлардан озиқ-овқатларни

олиб, вагонларга жойлаб Оренбург томон жўнатишсин. Вильгельм ва Ягодинлар Тошкент Янги шаҳар кенгашидан озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш бўйича вакил қилиб Оренбургга юборилсин... Йўлда... қароқчилар борлиги сабабли озиқ-овқат маҳсулотларини Оренбурггача қуролли соқчилар кузатиб борсин...” дея қайд этилган<sup>28</sup>.

Аммо шуни таъкидлаш лозимки, Марказ ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бартараф этиш ишларига бефарқлик билан қарамади. Россиянинг марказий губернияларидаги очарчилик балосини бартараф этиш муаммоси большевиклар раҳбариятининг ташвишига яна ташвиш қўшди. Хусусан, БМИҚ раиси М. И. Калинин томонидан Россиянинг ҳосилдор ҳудудларига мурожаати Тошкентда чоң этилаётган “Известия” газетасининг 1921 йил 15 июлида босилиб чиқди. Ушбу мурожаатда Россиянинг ҳамма ҳосилдор ҳудудлари Астрахан, Царицин, Саратов, Самара, Симбирск, Уфа губерниялари ва Татаристон, Бошқирдистон республикаларининг очарчилик азобини тортаётган аҳолисига ёрдам қўлини чўзиш зарурлиги қайд этилган эди. Мурожаатда маҳаллий кенгашлар томонидан очликка мубтало болалар, аёллар ва кексаларга зудлик билан ёрдам бериш масаласини кўриб чиқиш зарурлиги қатъият билан талаб қилинган эди<sup>29</sup>.

Шундан кейин Туркистондаги ҳамма жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари Волгабўйи, Уралолди очларига ёрдам масаласини ўтказилаётган ҳар бир мажлис кун тартибига қўйдилар. Шундай мажлислардан бири юқорида қайд этилганидек, Тошкентнинг Янги шаҳар кенгашида 1921 йил 18 июлида бўлиб ўтган эди. Мажлис Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик қамрови ва даҳшатини муҳокама қилди ва Туркистон МИҚ қошидаги “Болалар ҳаётини яхшилаш марказий комиссияси”га мурожаат қилиб, Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги болалардан бир қисмини Туркистон ўз

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (ЎзР ПДА), 60- фонд, 1- рўйхат, 1452- иш, 15- варақ

<sup>29</sup> Известия (ТуркЦИК), 15 июля 1921 г.

қарамоғига олиши мақсадга мувофиқ деб топган<sup>30</sup>. Айнан ўша куни БМИҚ очларга ёрдам кўрсатиш марказий комиссияси (ОЁ МК) ҳам болаларни Россиянинг очарчилик қамраб олган губерния ва республикаларидан ҳосилдор ҳудудларга эвакуация қилиш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Туркистондаги ҳамма жамоат ташкилотлари, ишлаб чиқариш корхоналари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очларга ёрдам масаласини ўтказилаётган ҳар бир мажлис кун тартибига кўйдилар. Туркистон МИҚ ва ХКК 1921 йил 27 июлида БМИҚ томонидан қабул қилинган эвакуация масаласидаги қарорни муҳокама қилиб, ўлка ўз қарамоғига дастлаб 25 мингта болани қабул қилиш имконияти бор деган хулосага келган. Келадиган болаларни мактаб, интернат, “Болалар уйлари”га ва жой етишмаса аҳолининг оилаларига ҳам жойлаштириш зарурлиги таъкидлаб ўтилган<sup>31</sup>. Аммо таъкидлаш жоизки, амалдаги Россиядан болалар эвакуацияси 1921 йил 10 июнидаёқ бошланган ва дастлабки босқичда 377 нафар бола Туркистонга қабул қилинган эди<sup>32</sup>. Расман эса, болалар эвакуацияси Туркистонга 1921 йил август ойидан бошланган. Масалан, 1921 йил август ойининг биринчи ярмида очарчилик ҳукм сураётган Волгабўйидан келтирилган 265 нафар болалар Тошкентдаги интернатларга жойлаштирилган<sup>33</sup>.

Шундай қилиб, расман Россияда болалар эвакуацияси бошланиши билан очарчилик ҳудудларида болаларни бир жойга тўплаш, уларни рўйхатдан ўтказиш, кейин медицина кўригига тайёрлаш ишлари жуда тез, амалда йўл-йўлакай, пала-партиш равишда бошланиб кетди. Бундай ташкилий ишлар Самара, Симбирск, Қозон, Уфа, Оренбург ва бошқа губернияларда ташкил қилинган “Очларга ёрдам” (ОЁ) комиссиялари фаолияти билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Масалан, Татаристон очларга ёрдам марказий комиссияси

<sup>30</sup> ЎЗР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 1452- иш, 15- варақ

<sup>31</sup> ЎЗР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 1452- иш, 15- варақ; Қаранг: Коммуна (Самара), 4 августа 1921 г.; Известия (ТатЦИК), 10 августа 1921 г.

<sup>32</sup> Коммуна (Самара), 6 августа 1921 г.

<sup>33</sup> Известия (ТатЦИК), 7 августа 1921 г.

(ОЁ МК)нинг 1921 йил август оyi бошларидаги мажлисида очарчилик қамрови ва бу борада кўрилатган чора-тадбирларни таҳлил қилинар экан, очлик азобидан биринчи навбатда болалар, аёллар ва кексалар азият чекаётганини таъкидланади. Мажлисида очарчилик азобидан “Болалар уйлари” ҳар куни тўлиб бораётгани, 200 – 250 нафар болани сақлашга мўлжалланган “Болалар уйлари”да уларнинг сони 700 – 800 нафарга етаётгани қайд этилди. Мажлис қарорида дастлабки 30 минг нафар бола зудлик билан ҳосилдор деб топилган ҳудудларга, хусусан Туркистонга эвакуация қилиниши кераклиги қайд этилди<sup>34</sup>.

Россиянинг айрим республика ва губернияларда болалар эвакуацияси билан боғлиқ муаммолар ҳам туғилган. Масалан, Самара губерниясида болаларни Туркистонга кўчирилишидан аввал уларни тоза кийим ва чойшаб билан таъминлаш зарур бўлиб қолди. Чунки уларни кийимлари юпун ва санитария поездлари (санпоезд) да эса чойшаб етишмас эди. Шунда Самара губернияси халқ маорифи бўлими (ХМБ) Туркистон МИҚ қошидаги очларга ёрдам марказий комиссияси (ОЁ МК) га мурожаат қилиб, эвакуация муносабати билан болаларга чойшаб, ички кийим, кўйлак тикиш учун мануфактурадан ёрдам беришларини сўраган. Ўз навбатида шу мақсадда Туркистон республикаси Самарада Туркистонга эвакуация қилинаётган болалар учун 3000 аршин мануфактурани зудлик билан ажратган<sup>35</sup>. Таъкидлаш жоизки, тезкорлик билан берилган ёрдам учун Самара губернияси халқ маорифи бўлими қошидаги “Болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКга хайрия қилинган 3000 аршин мануфактура учун чуқур миннатдорчилик билдирган<sup>36</sup>.

<sup>34</sup> НА РТ, ф. Р – 128, оп. 1, д. 127, л. л. 18 – 19; Генерал Вильсон ўз пайтида 50 минг нафар очликка гирифтор болаларни совет ҳукуматидан АҚШга юборишларини сўраган. Аммо бу таклифга Сталин шубҳа билан қараб, “мусулмон болалар ғайридинларга айланиш хавфи” бор дейди. Аслида эса совет ҳокимияти болаларни капиталистлар томонидан бокилиши ва тарбияланишига қарши эди. Қаранг: Менгера А. Сталин вэхшэтлэрэннэн бер мисал. //Гасырлар авазы- Эхо веков, № 3/4, 1999. – С. 119 – 121.

<sup>35</sup> Известия (ТуркЦИК), 9 августа 1921 г.

<sup>36</sup> Известия (ТуркЦИК), 12 августа 1921 г.

Мавжуд архив манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, уюшган ҳолда болалар эвакуациясига Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги партия ва совет органлари асосли равишда тайёргарлик кўра олмаганларидек, ўлкага келтирилаётган оч болаларни уй-жой, яъни бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак, стол-стул, кроват билан таъминлаш ишлари Туркистоннинг ўзида ҳам ўлда-жўлда эди. Шуни кайд этиш лозимки, жуда тез ва айна пайтда кўзда тутилганидан анчагина кўп оч болаларни қабул қилиш жараёни Туркистон раҳбариятини ва жойлардаги масъулларни шошириб қўйган. Ҳақиқатан ҳам дастлабки пайтларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келаётган очларни қабул қилиш билан боғлиқ ташкилий масалаларда камчиликлар жуда кўп эди. Хусусан, 1921 йил 30 августдаги маълумотга кўра, оч болаларни қабул қилиш 1- пункти 100 кишига мўлжалланган бўлсада, амалда 150 нафардан ортиқ болалар сақланарди. Боз устига 7 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болалар учун алоҳида қабул пункти йўқ эди. Келтирилган болалар ичида соғлом ва касаллари бирга яшарди. Ўз навбатида бундай ҳолат оч болалар ичида касаллик кўпайишига олиб келарди<sup>37</sup>.

Асосан очларни жойлаштириш ва уларни таъминоти билан боғлиқ муаммолар бўйича норозиликлар Туркистон раҳбариятига қаратилган. Туркистон халқ маорифи комиссарлиги қошидаги “Вояга етмаганларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш” бўлими Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК га 1921 йил 30 августда юборган хатида Тошкент шаҳри халқ таълими бўлими (ХТБ) бир ой ичида 600 нафардан ортиқ оч болаларни қабул қилгани, аммо уларни жойлаштириш жуда катта қийинчиликлар туғдиргани, амалдаги ёрдам яхши фикр-мулоҳаза ҳамда қуруқ қарорлардангина иборат бўлиб қолаётгани қайд этилган. Масалан, дастлабки пайтларда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келаётган болаларни қабул қилиш бўйича 1- пунктда “стол-стуллар, кроватлар мутлақо йўқ эди. Келтирилган болаларга фақат тушлик берилган холос. Ажратилиши лозим

<sup>37</sup> ЎЗР МДА. Р. 25- фонд, 1- рўйхат, 681- иш, 129- варак

бўлганларнинг (озик-овқат, кийим-кечак в. б. – Р. А.) 50 фоизинигина берилган. Бир неча кун нон берилмагани сабабли, болалар ўз эҳтиёжларини бозорда ўғирликлар қилиш орқали қондирганлар. Келтирилган оч болалар баъзан давлатга қарашли буюмларни сотиб, ўзларига озиқ-овқат маҳсулотлари сотиб олмоқдалар”, дея қайд этилгани ҳолатнинг оғирлигидан ва зарур чора-тадбирлар кўриш муҳимлигидан далолат беради<sup>38</sup>.

Очарчилик даҳшати жойларда кундан-кунга аянчли тус оларди. Бу кулфат Бошқирдистондаги болаларни ҳам четлаб ўтмади. 1921 йил 31 августда Уфа губернияси халқ таълими бўлими болалар ташкилотларида уларнинг озиқ-овқат таъминоти масаласини кўриб, “... очлик оқибатида болалар қўлларига нима тушса шуни емоқдалар... натижада болалар ўртасида касаллар кўп ва ўлаётганлар ҳам кўп фоизни ташкил қилади”<sup>39</sup>, - деб маълумот беради.

Очарчилик ўз домига тортган ҳудудлардаги даҳшатли аҳвол натижасида болалар тўйиб овқат ея олмас ва бу ўз навбатида болаларнинг тўқима аъзоларида модда ал-машинувини бузилишига яъни дистрофия касаллигига олиб келар эди. Очарчилик борган сари минглаб болалар ўртасида ҳар хил касалликлар тарқалишига олиб келди. Касал болалар эса даволаниш имкониятидан деярли маҳрум эдилар. Даҳшатли томонларидан яна бири шу эдики, она учун эндигина туғилган чақалоғига сут бера олмаслик, атиги 5 – 10 йил атрофида яшаб-яшамаган болаларни боқа олмаслик ҳолатлари энг оғир мушкулликлардан бири эди. Аслида ўзи тўйиб овқатланмаган она кўкрагида сут бўлишининг ўзи ҳам амри маҳол эди... Кўкрагида сути йўқ, очлик натижасида оламдан ўтган онани эмиб, тамшанган болаларнинг ўзи қанчадан-қанча эди. Боз устига фарзандларининг оч-наҳор ҳолатларини кўра-била туриб ёрдам бера олмаслик ҳолати ота-она учун янада аянчлироқ бўлган. Бундан ташқари ҳимояга муҳтож бо-

<sup>38</sup> Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви (ЎЗР МДА), Р. 25- фонд, 1- рўйхат, 681- иш, 129- варақ

<sup>39</sup> Центральный государственный исторический архив Республики Башкортостан (ЦГИА РБ), ф. Р – 107, оп. 1, д. 101, л. 92



лаларни ўз ота-онаси қарамоғида касалланиши, ўлиши ҳам ота-оналар учун оғир бўлган. Чунки ҳали ҳаётда деярли ҳеч нарсани кўришга улгурмаган фарзандини секин-асталик билан ўлиб бораётганини кузатиб туришдек азоб ота-она учун энг оғир жазолардан бири эди. Шунинг учун бўлса керак, айрим ота-оналар ўз фарзандларига озик-овқат топиб бериш имкониятига эга бўлмаганларидан келиб чиқиб ва ўз болаларининг ўлимини кўрмаслик учун ҳам уларни ўз уйларида ҳайдаб чиқариб, тақдир ҳукмига кўйиб берганликлари тўғрисида маълумотлар бор<sup>40</sup>. Очарчилик йилларидаги даҳшатли воқеалар таҳлилидан келиб чиқиб шуни қайд этиш мумкинки, айнан ана шу ўз фарзандини ўлимини кўрмаслик учун уларни тақдир дарёсига улоқтирганларнинг аксарияти ўз эътиқодига содиқ, инсофли ота-оналар бўлган дейишга маълум даражада асос бор. Нега деганда Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик йилларида ҳамма ота-оналар ҳам ўз фарзандларини тақдир-тақозосига кўйиб, ўз ризқини ўзи топишига йўл кўйиб беравермаганлар.

1921 – 1923 йиллардаги очарчилик натижасида айрим ота-оналар ўз фарзандларини ейишгача борганликлари тўғрисида газета ва журналларда, архив манбаларда маълумотлар сақланиб қолган. Масалан, Самара губернияси Пугачев уездида истиқомат қилувчи Жигановлар оиласи очликдан ўзларининг вафот этган икки қизларини еганлар<sup>41</sup>. Мазкур уезднинг Ломовка қишлоғида яшовчи деҳқон аёл ўз ўглини сўйиб еган<sup>42</sup>. Шунга ўхшаш фожеа Татаристонда ҳам юз берган. Мензелинск уездида истиқомат қилувчи Цойгелдина Хадича очлик азоб-уқубатларига чидай олмай, “... 10 ёшли қизини сўйиб еган”<sup>43</sup>. Бундан кўриниб турибдики, Волгабўйидаги очарчилик мисли кўрилмаган даражада даҳшатли бўлиб, одамлар очлик азобидан ақлдан

<sup>40</sup> Известия (ТуркЦИК), 22 января 1922 г.

<sup>41</sup> Центр документации новейшей истории Самарской области (ЦДНИ СО), ф. 1, оп. 1, д. 1011, л. 156

<sup>42</sup> Коммуна (Самара), 24 февраля 1922 г.

<sup>43</sup> Центр хранения и изучения документов новейшей истории Татаристана (ЦХИДНИТ), ф. 15, оп. 1, д. 483, л. 38

озишга ва ҳатто одамхўрликкача борганлар. Одамхўрлик оммавий тарзда бўлмасада, аммо афсус билан таъкидлаш лозимки, бундай ҳолат истисно тариқасида ҳам бўлмаган. Жумладан, Татаристон вилоят партия кўмитаси ўзининг навбатдаги мажлисида мазкур муаммони кўриб чиқиб, "... республиканинг айрим ҳудудларида одамхўрлик давом этаётганлигини қоралаб, 1922 йил 20 февралга қадар 12 нафар одам ейилгани, булардан 9 тасида ота-оналар ўз боласини егани ва уч мартасида эса эркаклар ўз хотинларини егани" қайд этилади. Ушбу мажлисда бир аёл (исми шарифи келтирилмаган. – Р. А.) фарзандларига емиш учун бирор нарса топиш илинжида уйда 15 ёшли катта ўғлига кичкина 12 ойлик чақалогини ташлаб тиланчиликка чиқиб кетгани ва уйига қайтиб келганида эса катта ўғли "... 12 ойлик чақалоқни сўйиб еб бўлгани ва унинг бир оёғини товада қовураётганини" ҳам қайд этилган<sup>44</sup>. Албатта, ушбу сатрларни ўқиш қанчалик қийин бўлса, бу тўғрида рўйи рост ёзиш ҳам осон эмас... аммо тарих аччиқ ва чучуги билан тарих... тарих сабоққа чорлайдиган фан ва бундан тегишли хулосалар чиқарилади. Чунки инсоният босиб ўтган йўл қандай бўлса ҳам ўрганилиши, таҳлил қилиниши ва тарихий хулосалар чиқарилиши лозим. Зеро тарих кечаги кунни унутмасликка, бугунги кунни қадрига етишга ундайди.

Очарчилик даҳшати шундан далолат берадики, агар Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларида ахвол шундай давом этаверса, унда келажак таянчи бўлмиш болалар қирилиб кетиши муқаррар эди. Совет ҳокимияти раҳбарияти очарчилик ҳудудларидаги одамларни, хусусан биринчи навбатда болаларни ҳосилдор деб топилган ҳудудларга яъни Туркистон, Сибир ва Россиянинг бошқа губернияларига эвакуация қилмасдан илож йўқ деган хулосага келган эди.

Оч болалар эвакуациясида уларнинг ота-онаси борлиги ёки йўқлиги, оилавий шарт-шароити ҳисобга олинган. Шунинг ҳам оч болалар эвакуацияси рўйхатига, дастлабки пайтларда, ота-онаси ёки улардан бири йўқ етимларги-

---

<sup>44</sup> ЦХИДНИТ, ф 15, оп. 1, д. 483, л. 38

на киритилган эди<sup>45</sup>. Масалан, оч болалар эвакуациясида етимларга алоҳида эътибор қаратилиб, уларни Россиядан Туркистонга юбориш мажбурий деб ҳисобланган. Агар оч болалар ота-онаси ёки улардан бири тирик бўлган тақдирда, албатта уларнинг рухсати ва ёки ўша оч болаланинг розилигини олиш керак бўлган. Ҳатто бу борада, ота-онаси йўқ етим оч болаларнинг эвакуацияси амалга ошмай қолса, бунга “Болалар уйи” мудирини жавобгарликка тортиш билан қараш кўзда тутилган<sup>46</sup>. Албатта, совет ҳокимиятини раҳбарияти олдида қаровсиз қолган болаларни ҳосилдор ҳудудларга эвакуация қилиб, очлик, касаллик ва муқаррар ўлимдан сақлаб қолиш энг муҳим вазифа эди.

Кейинги воқеалар ривожини шуни кўрсатадики, Россиядан эвакуация жараёнида нафақат ота-онаси вафот этган етимлар, балки кейинроқ ота-онаси барҳаёт “тирик етимлар” ҳам Туркистонга келтирилган. Демак эвакуация жараёни ҳам, мавжуд шарт-шароитлар туфайли, ўзгариб турган.

Архив манбаларининг шоҳидлик беришича, очлик азобидан қутулиш учун қишлоқлардаги оилалар ва ҳатто бутун бир қишлоқ аҳли нон, озиқ-овқат излаб турли томонларга жўнаб қолганлар. Айрим ота-оналар ўз фарзандларини биргаликда олиб кетиш имкониятини топа олмай ёки болаларини “ортиқча юк сифатида кўриб,... уларни оч-наҳор ўлимини кўрмаслик учун тақдир ҳукмига”<sup>47</sup> қўйиб берганлар. Натижада болалар катталар назорати ва ҳимоясидан четда қолган. Ана шундай ҳимояга муҳтож, тақдир тақозоси билан кўчаларда, бозорларда, темир йўл станцияси ва вокзалларда тиланчилик қилиб, очликдан истеъмол қилишга мумкин ва мумкин бўлмаган

---

<sup>45</sup> Бу ерда фақатгина расман эвакуация қилинадиганлар назарда тутилган. Аслида оч-қочоқ болалар яъни расман эвакуацияга тушмаган, хусусан ота-онаси бўлганлари ҳам ҳосилдор ҳудудлардан паноҳ излаган.

<sup>46</sup> Центр документации новейшей истории Оренбургской области, ф. Р – 450, оп. 1, д. 457, л. 67- 67 об.

<sup>47</sup> НА РТ, ф. Р – 4470, оп. 1, д. 41, л. 3

нарсаларни еб кун кўраётган болаларни ҳам Туркистон, Сибир ва бошқа худудларга эвакуация қилиниши кўзда тутилган эди. Ўрни келганда шуни айтиб ўтиш керакки, эвакуация қилиш имконияти бўлмаган оч болалар ҳам мумкин қадар назоратга олинган. Бунинг учун очарчилик хукм сураётган губернияларда, уездларда “Ўзаро ёрдам кўмита”лари ташкил қилиниб, бу кўмиталар зиммасига аҳоли орасида очлик азобини тортаётган болалар манзилини аниқлаб, уларни рўйхатдан ўтказиш ва жойларда умумий овқатланиш жойлари ҳамда ошхоналар ташкил қилиш вазифаси юклатилган. Ана шундай “Ўзаро ёрдам кўмита”лари фақатгина Самара уездида 42 волост, 346 та кишлоқ миқёсида фаолият кўрсатган<sup>48</sup>.

БМИҚ қошидаги ОЁ МК қарори асосида болалар эвакуацияси очарчилик худудларидаги раҳбариятни зудлик билан ташкилий масалаларни бажаришга ундади. Ўз навбатида Туркистонда ҳам ОЁ МК ва уездлардаги тегишли комиссиялар мактаб ва интернатларни, “Болалар уйлари”ни таъмирлаш ишларига киришдилар. Эвакуация муносабати билан Туркистон МИҚ ва ХКК ҳамда Туркистон КП МК очарчилик худудларидан келадиган болаларни қабул қилиш билан боғлиқ бир неча тадбирларни ишлаб чиқдилар. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК саъй-ҳаракати туфайли Тошкент темир йўли йўналишида махсус болаларни қабул қилиш, овқатлантириш пунктларини жорий этилди. Шунингдек, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳамда вилоят, уездлардаги ОЁ комиссиялари таркибида Волгабўйи ва Уралолди худудларидан келган оч болалар масаласи билан шуғулланувчи, хусусан уларни жойлаштириш, кийим-кечак, озик-овқат билан таъминлаш муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш учун “Болалар секцияси” ташкил қилинди. Ушбу секция халқ маорифи, хотин-қизлар бўлими, уй-жой бошқармаси, ёшлар, эвакуация, медицина ходимларини ўз ичига олган эди<sup>49</sup>. Шунингдек, эвакуация тариқасида Туркистонга келтирилган болаларни керакли нарсалар билан таъминлаш ва улар

<sup>48</sup> Известия (ТатЦИК), 15 октябры 1921 г.

<sup>49</sup> Пролетарий (Самарканд), 31 июля 1921 г.

билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш учун “Болалар ҳаётини яхшилаш комиссияси” ҳам тузилди<sup>50</sup>. Ушбу комиссия ваколатига келтирилган болаларни вилоят, уездлардаги интернат, “Болалар уйлари”га ҳамда аҳоли уй-жойларига тарқатиш ҳам кирар эди.

Ўрни келганда сал олдинроққа кетиб шуни айтиш мумкинки, эвакуация билан боғлиқ ота-оналарнинг розилиги масаласи болаларни дастлабки жўнатиш пайтлари амалга оширилган бўлсада, 1922 йил бошларидан бундай тартибга риоя қилишнинг амалда имконияти бўлмай қолди. Чунки очарчилик ҳудудларида оч болалар сони кундан-кунга кўпайиб борар ва бу ҳолат эвакуация билан боғлиқ ҳар қандай назоратни издан чиқариб юборган эди. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, биргина Бошқирдистонда 1921 йил 15 июлида расман 99604 нафар оч болалар рўйхатга олинган бўлса, уларнинг сони айни шу йил 1 декабрда 265520 нафарга ва яна орадан атиги бир ой ўтиб яъни 1922 йил 1 январда эса 500144 нафарга етган<sup>51</sup>. Агар юқоридаги далилларни бутун Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчилик губерния ва республикалари микёсида оладиган бўлсак, аҳвол янада аянчлироқ бўлгани кўзга ташланади.

Кундан-кунга кўпайиб бораётган оч болаларнинг эвакуацияси шу даражада пала-партишлик, тартибсизликларни вужудга келтирдикки, охир-оқибатда эвакуация қилинаётган болаларни ота-онаси ёки ўзининг розилигисиз, ҳатто қариндошларининг хабарисиз ҳам амалга оширилди. Боз устига эвакуация масъуллари Туркистонга кетаётган болаларни оёқ кийими, кийим-кечак билан таъминлашни кўп ҳолларда “эсдан чиқарганлар”. Аниқорғи эвакуация ишлари билан шуғулланаётган масъуллар ихтиёрида ҳамма вақт ҳам кўча-кўйдан тутиб келтирилган оч болаларни кийинтириб жўнатиш имконияти бўлавермаган. Эвакуация жараёнига масъуллар, мумкин қадар тезроқ, оч болаларни вагонларга жойлаштириб,

<sup>50</sup> ЎзР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 1436- иш, 41- варақ ва орқаси

<sup>51</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 5, л. л. 19, 26; ф. Р – 629, оп. 1, д. 472, л. 17.

(амалда тикиштириб. – Р. А.) муқаррар ўлим кутаётган очарчилик ҳудудларидан “ҳосилдор, иссиқ” деб топилган Туркистонга жўнатиш ишлари билан шуғулланганлар. Эвакуация билан боғлиқ бундай тартибсизликлар нафақат 1921 йили, балки 1922 йили ҳам давом этаверган. Масалан, ўз пайтида эвакуация билан боғлиқ бундай бошбошдоқлик ҳолатини Оренбург мактабгача тарбия ходимлари ўзининг 1922 йил 13 июндаги мажлисида махсус кўриб чиқишга мажбур бўлган эди<sup>52</sup>.

Болаларни эвакуация қилиш масалалари билан асосан маҳаллий халқ маорифи бўлими (ХМБ) ва унинг махсус вакили шуғулланган. Махсус вакил тегишли соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари билан эвакуация қилиниши лозим бўлган, хусусан, эвакуация қилинадиган болаларни медицина кўригидан ўтказиш ва санитария жиҳатдан тайёрлаши керак бўлган. Болаларни медицина кўригидан ўтказилишида уч гуруҳ, яъни соғлом, носоғлом, аммо юқумли касалликка чалинмаганлар ва юқумли касалликка дучор бўлганларга бўлинган. Дастлабки иккита гуруҳга тааллуқлилар эвакуация қилиниши кўзда тутилиб, айни пайтда касал, аммо юқумли касалликка чалинмаган болаларни алоҳида вагонларга жойлаштирилиши шарт эди. Шунингдек, у ёки бу ташкилотлардан эвакуация қилинишида болаларни жўнатишдан аввал икки ҳафталик карантиндан ўтказилган. Эвакуация қилиниши лозим бўлган болаларни ювинтириш, кийим-бошини алмаштириш, сочини олдириш кўзда тутилган эди<sup>53</sup>. Бундай тартиб ҳам узоқ давом этмаган. Кейинчалик Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги оч болаларни амалда касал-соғлигига қарамай оммавий эвакуация қилиш бошланган. Масалан, Бошқирдистондаги болаларни эвакуация қилишдан аввал уларни тегишли “Болалар уйлари”га тўпланган. Аммо кўп ҳолларда “Болалар уйлари” ва қабул пунктлари намлигидан деворларини пўпанак босиб кетган эди. Келти-

<sup>52</sup> Центр документации новейшей истории Оренбургской области (ЦДНИ ОО), ф. Р – 450, оп. 1, д. 138, л. 33 – 33 об.

<sup>53</sup> Государственный архив Оренбургской области (ГАОО), ф. Р – 450, оп. 1, д. 457, л. 81.



рилган болаларнинг аксарияти ўз ота-онасини йўқотган, кир-чир, юпун кийинган ҳолда кўча-кўйдан йиғиштириб келинар эди. Уларнинг кўпчилиги шу аҳволда полда ух-лашарди. Аҳвол ночорлиги туфайли, аксарият ҳолларда болалар учун тоза ички кийим, чойшаб тўғрисида ўйлаб ҳам бўлмасди. Шунингдек, ота-оналари томонидан олиб келиб топширилган болаларнинг аҳволи, хусусан уларнинг кийим-кечаги, озодалиги ҳам кўчадан тутиб келинганлардан қолишмасди. Яна шуниси борки, уларнинг бир қисми терлама, дизентерия, вабо, қичима касалликларига йўлиққан бўлиб, деярли ҳаммаси шилпиқлик<sup>54</sup> юқумли касалига мубтало бўлган эди. Боз устига соғ ва касал болаларнинг бир хонада истиқомат қилишлари кундан-кунга касаллар сонини кўпайишига олиб келар эди. Мавжуд “Болалар уйи” ва қабул пунктлари амалда “қўйхоналарга ўхшар эди”<sup>55</sup>.

Бошқирдистондаги болалар касаллиги ва ўлим даражаси кўпайиши нафақат юқорида қайд этилган сабабларга кўра, балки совет ҳокимияти масъул ходимларининг масъулиятсизлиги туфайли ҳам юзага келган. Масалан, Стерлитомоқ шаҳрининг Тифлиси кўчасида жойлашган “Болалар уйи” раҳбари (исми шарифи келтирилмаган-Р. А.) масъулиятсизлиги туфайли ташқарида 26 – 27° совук бўлгани ҳолда, болалар ётган хонанинг ойнаклари йўқ бўлган. Аммо айнан шу “Болалар уйи”да бошқа бир зал бўлганки, бу расман “Болалар уйининг зали” деб номланган ва қуруқ, ойнаклари бутун бўлса-да, аслида “меҳмон”лар учун мўлжалланган эди. Кўриниб турибдики, “Болалар уйи” раҳбари юқоридан келадиган “меҳмонлар” манфаатини деб болалар тақдирига бефарқлик билан қараган<sup>56</sup>.

Юқорида келтирилган мисоллар Бошқирдистон республи-

<sup>54</sup> Шилпиқлик – кўз жилди ҳамиша кизариб, ёшланиб турадиган юқумли касаллик. Шу касалликка йўлиққанлар кўзидан тўхтовсиз оқадиган йирингли ёш. Қаранг: Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд. Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 571.

<sup>55</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 472, л. 38

<sup>56</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 472, л. 39



касига тааллуқли бўлишига қарамасдан, аслида бошқа очарчилик ҳудудларидаги болалар аҳволи ҳам бундан яхшироқ эмасди. Шундай қилиб, Туркистонга келтири-лаётган болалар аҳволи жуда ачинарли бўлган. Болалар тўйиб овқат емаганидан этлари суягига ёпишиб қолган, кийимлари бор-йўқ ҳолатда яъни жуда юпун ва ҳатто кўпларида оёқ кийими ҳам йўқ эди. Қайд этганимиздек, Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари болаларни эвакуация қилишдан аввал уларни обдон текшириши, касаллиги ёки саломатлиги-ни аниқлаши лозим эди. Аммо ҳамма вақт ҳам Марказ-нинг очарчилик ҳудудларидан болалар эвакуацияси билан боғлиқ 1921 йил 30 октябрдаги кўрсатмаси тўлақонли бажарилавермаган. Чунки Марказ кўрсатмасини тўла бажариладиган бўлса, унда болаларни жуда кўп қисми очликка мубтало ўз юртларида қолдирилишига тўғри ке-ларди. Ҳолбуки жуда кўп болалар касал, кийим-кечаксиз ҳолатда эдилар. Шунинг учун иложи борича оёғида тура оладиган, юпун бўлса ҳам кийими бор болалар соғлиқни сақлаш кўригидан ўтиб-ўтмай, эвакуация вагонларига тиқиштириб жойлаштирилаверган. Оқибатда эвакуация қилинган касалманд болаларнинг бир қисми Туркистонга етиб келишга улгурмай йўлдаёқ вафот этганлар. Боз устига юқумли касалга чалинган, аммо эвакуация қилинган бола-лар Туркистонга келгунча шерикларига ҳам ўз касалла-ридан юқтиришга улгурганлар. Эвакуация қилинаётган болаларга чойшаблар етишмаган тақдирда, санитария поезда (санпоезд) даги чойшаб билан таъминланган. По-езд ҳисобидан берилган чойшаблар ҳамма вақт ҳам ювиб улгурилмагани сабабли, касаллар сони яна орта борган. Очарчилик қамровидан келиб чиқиб, эвакуация қилиш эса Марказнинг ҳар қандай кўрсатмасидан кўра муҳимроқ бўлган. Чунки очарчилик йиллари оч болаларни санита-рия жиҳатдан тўла жавоб берадиган ҳолатга келтириш, очарчилик ҳудудларидаги аҳволдан келиб чиққанда жуда мушкул вазифа эди.

Болалар эвакуациясида очарчилик ҳудудларидаги халқ маорифи бўлими ва ижтимоий тарбия бошқармаси кийим-

сиз ёки кийими юпун болаларга маълум миқдорда кийим-кечакларни Туркистонга етиб келгунча вақтинча, яъни “ижарага” бериб турган ҳоллари ҳам кузатилган. Ўз навбатида санпоезд билан Туркистонга келган болалардан “ижарада”ги кийим-кечаклар ечиб олинган. Чунки бу кийим-бошлар, “қабул қилинган тартибга кўра”, яна Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга эвакуация қилинаётган юпун кийимли болаларга етказилиши керак эди. Масалан, 1921 йил 12 ноябрида Оренбургдан Туркистонга келаётган 203- эвакуация санитария поездининг кузатувчи-тарбияловчиси Муҳаммадхон Сунчалаевга юпун болалар учун 72 та пальто, 36 жуфт оёқ кийим берилган эди. Албатта, М. Сунчалаев бу иссиқ кийимларни муҳтож болаларга Туркистонга боргунча кийгизиб, кейин яна Оренбургга қайтариши шарт бўлган<sup>57</sup>. Демак, Туркистон ўз қарамоғига олган очарчилик болаларини тегишли тарзда кийим-бош билан таъминлаши керак бўлган.

Туркистон ва Бухоро республикалари нафақат келаётган болаларни кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлабгина қолмай, балки ўша Россиянинг очарчилик ҳудудларида очлик азобини тортаётган болаларни ҳам таъминотида фаол қатнашган. Ҳатто шундай ҳоллар бўлганки, Россиянинг очарчилик губерния ва республикаларидан бошқа ҳосилдор деб топилган ҳудудларга юбориладиган оч болалар озиқ-овқат таъминотиغا ҳам Туркистон ва Бухоро республикалари жалб этилган. Масалан, Россия Федерациясининг Бухородаги Муваққат вакили 1922 йил 21 февралда Бухоро очларга ёрдам комиссияси раҳбариятига қилган мурожаатида, Волгабўйи, Уралолди очларига берилаётган ёрдамлар учун чуқур миннатдорчилик билдиради. Мурожаатда Бухорога 1186- сонли санитария поездида очарчилик ҳудудларидан яна болалар келтирилгани тўғрисида маълумот берилади. Россия Федерациясининг Бухородаги Муваққат вакили мазкур маълумотни бериш билан бирга яна очларга ёрдам комиссиясига ўзига хос илтимосни ҳам қўшиб қўяди, яъни 1186- сонли санитария

<sup>57</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 547, л. л. 23, 81.

поезди энди Бухородан Оренбургга қайтишини ва у ердан 800 нафар оч болани Минскка етказиши кераклигини қайд этади. Шунинг учун Бухоро очларга ёрдам комиссиясидан ўша 800 нафар оч болаларни Минскка етиб боришига етадиган озиқ-овқат билан ҳам таъминлашда ёрдам беришларини сўрайди<sup>58</sup>. Очарчилик йилларидаги яшаш учун курашда турли чора-тадбирлар қатори ҳар хил йўналишдаги муаммолар ва уларнинг ечимида турли ёндашувлар бўлиб турган. Кўриниб турибдики, нафақат келаётган, келтирилиши кўзда тутилган, балки бошқа ҳосилдор ҳудудларга жўнатилаётган оч болалар ҳам Туркистон ва Бухоро республикалари ҳисобига таъминланган. Юқорида келтирилган мисоллардан яна кўриниб турибдики, Тошкентга келтирилган болаларнинг оёқ кийимсиз, бош кийимсиз, юпун қолганларини таъминлаш Туркистон МИҚ ва ХКК зиммасига тушган. Далилларга мурожаат қиладиган бўлсак, Туркистон халқ маорифи комиссарлиги қошида жорий этилган устахоналарда 1921 йил ноябрида келтириляётган болалар учун 1000 та оёқ кийими тайёрлашга киришилган<sup>59</sup>. Аммо кундан-кунга сони ортиб бораётган болалар эвакуацияси ва у билан боғлиқ муаммоларни ортиб бориши Туркистон раҳбариятини жуда қийин аҳволга солиб қўйган. Чунки Туркистонга келтирилган оч болаларга дастлабки пайтларда озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб бериш маълум даражада, қийинчиликлар билан бўлса-да, амалга оширилган. Аммо кейинчалик бундай таъминот жиддий муаммо даражасига етган.

Марказ Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга оч болаларни эвакуация қилиш билан уларнинг таъминотини амалда ўлка раҳбарияти зиммасига юклаб қўйган. Марказнинг оч болалар муаммосини ўзидан соқит қилиши 1921 – 1922 йилларда яққол кўзга ташланади. Туркистон раҳбарияти томонидан Марказ эътиборини оч болалар учун уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак ва етарли маблағ йўқлигига бир неча бор қаратилганига қарамасдан, бу муаммо ечимидаги саъй-ҳаракатлар етарли даража-

<sup>58</sup> ЎзР ПДА, 14- фонд, 1- рўйхат, 229- нш, 135- варак

<sup>59</sup> ЎзР МДА, Р. 25- фонд, 1- рўйхат, 718- нш, 904- варак

да ҳал бўлмай қолаверди. Масалан, 1921 йил ноябр ойи охирларида Москвада очарчиликни бартараф этиш бўйича ўтказилган мажлисда Туркистон вакили ўлкага келтирилган оч болалар аҳволи оғирлиги ва ҳатто таъминотдаги аянчли аҳвол тўғрисида кенг камровли аянчли маълумотларни берганига қарамасдан, Марказ томонидан ўлкага “тақсимот бўйича ҳеч қандай материаллар, жумладан маблағ” бериш кўзда тутилмай, “худди Москва учун Туркистон мавжуд эмасдек, Туркистонни [озик-овқат, маблағ тақсимотга] мутлақо қўшмаганлар”<sup>60</sup>. Ҳақиқатан ҳам Марказ амалий фаолиятида очарчилик ҳудудларига бераётган маблағ, кийим-кечак, ғалладан кўмак қилиш бўйича қилган қарорида Туркистон манфаатлари инкор этилган. Марказ томонидан амалга оширилаётган бундай “муаммоларга кўз юмиш тартиби”, охир-оқибатда эвакуация қилинаётган болаларни жойлаштириш, саломатлиги, озик-овқат таъминоти, кийим-кечаги билан боғлиқ муаммолар қаторида оч-қочоқ тариқасида келган болаларни таъминотидаги мураккабликларни янада кучайтирган.

Қайд этилганидек, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан болалар эвакуацияси тез ва айни пайтда пала-партиш тарзда амалга ошира бошланган. Дастлабки пайтларда бундай пала-партиш болалар эвакуациясига Туркистонда маълум бир тушунишлар билан ёндашган бўлсалар, яъни келтириладётган оч болаларни амалда яланг оёқ, юпун кийимда, устки кийим-бошсиз, чойшабсизларининг таъминоти йўлида ҳатти-ҳаракат қилганлар. Куз охирлаб қиш келаётгани сабабли ҳамда болалар эвакуацияси сони кўзда тутилганидан бир неча баравар ортиб кетганлиги Туркистонга келтириладётган болаларни илгаригидек қабул қилишда маълум бир қийинчиликлар туғдира бошлаган. Бу қийинчиликлар келтириладётган болаларга бош-оёқ кийим, устки иссиқ кийим, чойшаблар билан таъминлашда кўзга ташлана бошлаган. Ҳатто мазкур муаммо Туркистон ОЁ МКнинг 1921 йил 2 декабрида махсус кўриб чиқилган. Ушбу мажлисда БМИҚ эвакуация Москва бюросининг болаларни

<sup>60</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 14- иш, 19- варақ

Туркистонга юбориш билан шуғулланиш бўйича вакили Шпылевни очарчилик ҳудудларидан келтирилаётганлар муаммосига оид маърузасида Москвадаги эвакуация бюросида ўлкага юборилаётган болалар учун “оёқ кийими, ички кийим ва чойшаб, устки кийимлардан катта захираси бор”-дейди<sup>61</sup>. Аммо аслида Туркистонга келтирилаётган оч болалар амалда ҳеч қандай кийим-кечак, чойшаблар билан таъминланмай, ўлкага юпун ҳолда келтирилган. Мажлис муҳокамасида “Москва [Туркистонга] юборилаётган [оч] болалар [тақдирига] мутлақо бефарклик билан ёндашмоқда. Туркистонда мавжуд бўлган чойшаб, мануфактура, маблағлар... сарф қилиб бўлинди. Ҳозирги вақтда ҳамма маблағлар тугади ва [Туркистон] халқ маорифи комиссарлиги томонидан интернатлардаги оч болалар учун охириги млн. рубл ажратилди” – дейилади<sup>62</sup>. Ушбу мажлисда болаларни Туркистонга эвакуацияси масаласи ҳар томонлама муҳокама қилингандан кейин қуйидаги мазмунда қарор қабул қилинган: “БМИК қошидаги ОЁ МК ва болалар ҳаётини яхшилаш ҳамда [Россия] халқ маорифи комиссарлиги қошидаги болалар эвак[уация] бюросига мурожат қилиб, унда Туркистонга юборилаётган болаларни оёқ кийим, чойшаб, кийим-кечак, мануфактура [маҳсулотлари] билан тўла таъминлаган ҳолда юборишларини, акс ҳолда Туркистон [келтирилаётган оч] болаларни қабул қилишдан қатъиян бош тортади” – деб таъкидланади<sup>63</sup>.

Келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан Туркистонга келтирилаётган оч болаларни таъминлаш ҳамма вақт ҳам режали ва марказлашган ҳолда амалга оширилмаган. Россиядан Туркистонга болалар эвакуацияси қанчалик даражада издан чиқиб кетган бўлса, уларнинг озиқ-овқат таъминотидаги узлуксизлик ҳам барбод бўлган. 1921 йил 12 декабрида болаларни озиқ-овқат, кийим-кечак таъминотидаги узилишларга тўхталган “Болаларни ҳимоя қилиш комиссияси” раҳбарларидан бири бўлмиш Билик, “ҳозирга қадар

<sup>61</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 8- иш, 23- варақ

<sup>62</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 8- иш, 23- варақ

<sup>63</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 8- иш, 23- варақ

ва ҳозир ҳам [болалар] таъминоти тасодифий хусусиятга эга бўлиб, нимаики бўлса хўжалик ва ташкилотлардан ҳаммасини тортиб олинмоқда”<sup>64</sup>, деган эди. Демак, бундан кўриниб турибдики, марказлашган таъминот амалда йўқ эди. Масалан, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКда Туркистон аҳолини эвакуация қилиш маркази бошлиғи А. Сушко қилган маърузасида ўзи раҳбарлигидаги эвакуация маркази томонидан Россиядан келтирилган очлардан 1921 йил декабрига қадар 32 минг киши ўлкага жойлаштирилганини қайд этиш билан бирга, ўлка озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан 1921 йил 1 декабридан очлар учун гўшт, ёғ, сабзавотлар бериш тўхтатилгани ва фақатгина нон, чой, қанд, гугурт ҳамда керосингина берилётганини таъкидлаган<sup>65</sup>.

Мавжуд маълумотлар шуни кўрсатадики, болаларни очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилишнинг дастлабки ойларида нафақат очарчилик азобини тортаётган марказий губерниялар вакиллари, балки Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК вакилларининг ўзлари ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги болаларни очарчилик балосидан қутқаришда фаол қатнашганлар. Масалан, Фарғона вилояти ОЁ комиссияси вакиллари махсус равишда Россиянинг очарчилик ҳудудларига оч болаларни ўлкага олиб келиш учун борганлар<sup>66</sup>.

Эвакуация муносабати билан РСФСР халқ маорифи комиссарлиги ҳамма очарчилик ҳукм сураётган ҳудудлардаги болаларни жўнатиш билан шуғулланувчи халқ маорифи бўлимларига махсус кўрсатма хати юбориб, унда эвакуация билан боғлиқ қуйидаги вазифаларни талаб қилган:

– очарчилик ҳудудларидан болаларни эвакуация қилиниши муносабати билан тарбиячилар болалар қаерга эвакуация қилинса, ўша ерда тарбия билан шуғулланади ва бутунлай маҳаллий халқ таълими ихтиёрида қолади;

– тарбиячилар ўз вазифаларини виждонан бажармасалар ишдан бўшатилиши мумкин;

<sup>64</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 14- иш, 18- варақ

<sup>65</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 8- иш, 28- варақ ва орқаси

<sup>66</sup> Красная Фергана, 28 октябрия 1921 г.



– эвакуация қилинган болаларнинг тарбияловчилари ҳам, мумкин қадар, айнан ўша миллат вакилларидан бўлишлари керак<sup>67</sup>.

Марказдан эвакуация жараёни билан боғлиқ берилган мазкур кўрсатма очарчилик ҳудудларидаги болалар ва айна пайтда тарбиячи-ўқитувчилар учун муҳим аҳамият касб этган. Биринчидан, болалар нотаниш кишилар назоратига тушмай, балки ўз тарбиячи-ўқитувчилари қўлида бўлганлар, иккинчидан, тарбиячи-ўқитувчиларнинг ўзи ҳам болалар қатори ҳосилдор ҳудудларга эвакуация қилиниб, очарчилик азоб-уқубатларидан қутилиш имкониятига эга бўлганлар. Мавжуд архив маълумотлари шуни кўрсатадики, жойларда оч болаларни Туркистонга эвакуациясида тарбиячи-ўқитувчи бўлиб кетишни хоҳлаганлар кўп бўлган. Масалан, Оренбург халқ таълими бўлимига кўплаб ўқитувчи-тарбиячилар мурожаат қилиб, ўзларини Туркистонга эвакуация қилинаётган болалар билан санитария поездида тарбиячи сифатида юборишларини сўраганлар<sup>68</sup>.

Очарчилик йиллари матбуоти, архив манбаларининг гувоҳлик беришича, оч болалар жойлашган вагонлар эшолон-эшолон бўлиб Тошкентга, пароходларда эса Красноводскка кетма-кет келтирилиб турган. 1921 йил ноябрига қадар Туркистон республикаси ўз қарамоғига очарчилик губернияларидан 66 минг нафар болани қабул қилишга улгурган<sup>69</sup>. Ҳолбуки Туркистон раҳбарияти ўз пайтида, Россиядан эвакуация қилиниши кўзда тутилган 120 минг боладан 25 минг нафаринигина ўз қарамоғига олиши мумкинлигини билдирган эди. Қолган болалар Сибир, Украина, Смоленск, Курск ва бошқа ҳудудларга эвакуация қилиниши керак эди. Аммо мавжуд архив манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, Марказ кўрсатмасига мувофиқ, Туркистон ўз қарамоғига имконият даражасидан анчагина кўпроқ болаларни қабул қилишига тўғри келган. Бунга сабаб очарчилик қамровининг кундан-кунга

<sup>67</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 457, л. 68.

<sup>68</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 562, л. 6

<sup>69</sup> Заря (Симбирск), 13 ноябрь 1921 г.



кўпайиб, аҳолининг кенг қатламини ўз домига тортаётгани ва яна Марказ томонидан очларнинг эвакуациясига адолатсиз ёндашув асосидаги тақсимот ҳам кирган. Масалан, бунга сабаб биринчидан, очарчилик қамрови ҳаддан ташқари кенгайиб кетгани бўлса, иккинчидан, озиқ-овқат захирасини “етарли” деб ўйлаб, Марказ ўлка зиммасига “очларни боқиш юкини” қўяверган. Бундан ташқари очлар эвакуациясининг дастлабки пайтлариданоқ Марказ учун Туркистон “қулайроқ” бўлган. Масалан, 1921 йил 11 сентябрида Украина МИҚ томонидан Самара, Қозон, Уфа, Симбирск, Царицин, Уральск, Астрахан, Чебоксарга телеграмма юборилиб, унда ўз худудига оч болаларни кўчирилиши жуда тартибсиз, пала-партишлик, кийим-кечаксиз амалга оширилаётганидан қатъиян норозилигини билдирган. Бундай норозиликдан хабар топган БМИҚ ОЁ МК бундан кейин Марказнинг рухсатсиз юқорида қайд этилган губерниялардан Украинага<sup>70</sup> оч болаларни юборишни тақиқлайди<sup>71</sup>. Оқибатда Россиянинг очарчилик худудларидан Украинага юборилиши мумкин бўлган болаларнинг бир қисми Туркистон зиммасига тушган. Чунки Туркистон МИҚ эвакуация жараёнининг дастлабки пайтлари бу масалада ўз норозилигини билдирмай, келтирилаётган болаларни кийим-кечаксиз ҳам ўз бағрига қабул қилаверган. Шундоқ ҳам аянчли кунларни бошидан ўтказаётган очарчилик губерния ва республикаларининг раҳбариятига эътироз билдиришни эса мақсадга мувофиқ эмас деб топган. Натижада оч болаларни Туркистонга эвакуацияси сон жиҳатдан кўпайиб кетган ва воқеалар ривожига бундай ўзгариш Туркистон раҳбариятини амалда шошириб қўйган. Бошқачароқ айтганда, аслида бу Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги ОЁ комиссияси вакиллари шошириб қўйган. Чунки

---

<sup>70</sup> 1922 йилдан Туркистон ўз бағрига Украинадан ҳам оч-қочокларни қабул қила бошлаган. Қаранг: Дорошенко Т. И. Из истории украинцев в Узбекистане / Узбекистонда этнодемографик жараёнлар (халқаро конференция материаллари). 1 қисм. Т., 2005. – Б. 168.

<sup>71</sup> НА РТ, ф. Р – 4470, оп. 1 д. 6, л. 45 об; ЦГИА РБ, ф. Р – 107, оп. 1, д. 101, л. 94.

кетма-кет келаётган оч болалар оқими кўпайган сари Туркистонда уларни қабул қилиш, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошпана билан таъминлаш имконияти борган сари қисқариб борган. Масалан, 1921 йил ноябрига очарчилик ҳудудларидан келтирилган болалар Ўш шаҳридаги “Болалар уйи” ва интернатларда нон, гўшт билан маълум чекланган миқдорда таъминланган бўлсалар, гуручли овқат, ўрик ва сут маҳсулотлари билан керагича таъминлаш имконияти бўлган эди. Аммо келаётган болалар сони кўпайган сари, уларнинг таъминотида ҳам айрим узилишлар пайдо бўла бошлаган<sup>72</sup>.

Келаётган болаларни жойлаш муаммоси Тошкент темир йўлининг очарчилик ҳудудларидан келганлар билан тўлиб кетганидан ва оч болалар жойлашган поезд эшолонларини йўлларда тўхтаб туришга мажбур бўлганидан ҳам билса бўлар эди. Масалан, Туркистон станциясида 1921 йил ноябр ойи охирларида *2000 дан ортиқ оч болалар тўпланиб қолган ва улардан ҳар куни ўртача 70 га яқини касалликдан ўларди*<sup>73</sup>. (Биз томондан ажратилган – Р. А.) Кўриниб турибдики, Туркистонга эвакуация қилинаётган болалар аҳволи шунчалар аянчли тарзда эдики, айрим ҳолларда уларнинг маълум бир қисми Тошкентга етиб келмасдан ўлиб қоларди. Бунга оч болаларнинг оғир юкумли касалликларга чалиниб, вагонларда бир-бирига юктиргани, амалда оч-яланғоч бўлиб, ҳолдан тойганини сабаб қилиб кўрсатилган. Масалан, 1921 йил декабри бошларида Бошқирдистоннинг жанубий кантонларидан йиғилган оч бошқирд болаларидан 280 нафари санпоездда Туркистонга жўнатилган бўлса, улардан “80 нафарга яқини йўлда турли касалликлардан вафот этган” эди<sup>74</sup>. Оч болалар эвакуацияси билан боғлиқ шунга ўхшаш ҳолат бошқа ҳудудларда ҳам аянчли ҳолда давом этган. Масалай, 1922 йил 3 сентябрида Бошқирдистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раиси Адигамов Россия соғлиқни сақлаш халқ комис-

<sup>72</sup> Архив Аппарата Президента Киргизстан (ААП Кирг.), ф. 6., оп. 1, д. 74, л. 59

<sup>73</sup> Известия (ТатЦИК), 30 ноября 1921 г.

<sup>74</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 478, л. 8.

сарлигига телеграмма орқали мурожаат қилиб, 81- сонли санпоездда Сибирга эвакуация қилинаётган 455 нафар оч бошқирд болалари Семипалатинскда ушлаб қолинганини қайд этиб, “болалар орасида юқумли касалликларга ча- линганлар кўпайиб бормоқда. [Болаларни] яна ушлаб ту- риш фалокатга олиб келиб, [бу] ҳамма болаларни ўлими билан тугайди”, – деб ўз хавотирини билдиради<sup>75</sup>.

Эвакуация тариқасида келтириляётган оч болаларни жойлаштириш муаммоси борган сари боши берк кўчага кириб бораётганидан Туркистондаги кичик-кичик ҳарбий қисмлар ҳам ўз қарамоғига болаларни боқиш ва тарбия- лаш учун ола бошлаган. Шунингдек, айрим оилалар очар- чилик ҳудудларидан келган болалардан битта-иккитасини фарзандлари қаторига кўшиб, уларга бошпана бериб, кийим- кечак, озиқ-овқат билан таъминлаганлар.

Марказ томонидан оч болалар ҳаётини сақлаб қолиш энг муҳим вазифалардан бири деб қабул қилинганига қарамасдан аҳвол борган сари мушкуллашиб борди. 1921 йил 4 декабрида келтирилган маълумотга кўра, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг очарчилик ҳукм сурган губернияларидаги аҳвол борган сари оғирлашиб бораётганлиги, болалар тўйиб овқат емаётганлиги сабаб- ли турли касалликлар келиб чиқиши оқибатида уларнинг ўлими борган сари ортиб, бу ҳолат жойларда 30 фоиздан 70 фоизгача борганлиги таъкидланган. Марказ томони- дан болаларни сақлаб қолиш учун очарчилик ҳукм сура- ётган ҳудудларга 6 та “Врач-овқатлантириш пунктлари” юборилиб, бу пунктлар суткасига 14 минг нафар бола- ларни текширувдан ўтказган. Шунингдек, болалар озиқ- овқати учун жойларга 20 млрд. рубл берилган. Болаларни овқатлантириш учун Россия халқ маорифи комиссарлиги- га 380 минг паёк берилган. Очарчилик ҳудудларидан 35 минг нафар болалар Туркистон, Сибир каби ҳосилдор деб топилган ҳудудларга эвакуация қилинган. Болалар учун юқорида кўрсатилган даврда 3 млн. аршин мато ажратил- ган<sup>76</sup>. Аммо шунга қарамасдан, очарчилик ҳудудларида

<sup>75</sup> ЦГИА РБ, ф. Р- 629. оп. 1, д. 478, л. 4.

<sup>76</sup> ЎЗР МДА, Р. 25- фонд, 1- рўйхат, 718- иш, 980- варақ.

болалар аҳволи оғирлашиб бораверарди. Масалан, ушбу муаммога оид Самара губерниясидаги аҳволга эътибор қаратилса, губернияда очарчилик ойдан-ойга эмас, балки кундан-кунга кўпроқ аҳолини қамраб оларди. Агар очарчилик йилларидаги статистик маълумотларга мурожаат қилинса, 1921 йил декабрида Самара губерниясида 1 млн. 734000 нафар очлар бўлиб, ундан 1 млн. нафари болаларни ташкил қилган. Орадан бир ой ўтиб, яъни 1922 йил январиди Самара губерниясидаги очларнинг умумий сони 2 млн. 430122 нафарни ташкил қилиб, улардан 1 млн. 143889 нафарини болалар ташкил қилган<sup>77</sup>.

Оч болалар сонининг кундан-кунга кўпайиши Оренбург губерниясида ҳам кўзга ташланади. Бу тўғрида архив манбалари гувоҳлик беради. Масалан, 1922 йил январиди бошларида 4- сонли “Болалар қабул қилиш пункти”даги оч болалар сони атиги бир ҳафта давомида 1700 нафарга кўпайган. Бу амалда ҳар куни камида оч болалар 200 нафарга кўпайиб бораётганидан далолат бериб, аҳвол янада оғирлашиб бораётганини билдирган. Боз устига Оренбургдаги бошқа “Болаларни қабул қилиш пункт”ларида оч болаларни қабул қилиш имкониятлари йўқ эди, чунки “болалар ўртасида юқумли касалликлар кенг тарқалган эди”<sup>78</sup>.

Оч болалар аҳволи Россиянинг бошқа ҳудудларида ҳам оғир эди. Масалан, Татаристонда, 1921 йилги маълумотларга кўра, 1 млн. 304425 нафар оч болалар бўлиб, ундан 8411 нафари Туркистон, Сибир каби ҳосилдор ҳудудларга эвакуация қилинган. Айни шу пайтда 326166 нафар болалар, бу умумий болалар сонининг 25 фоизига тўғри келди, очарчилик ва бошқа сабабларга кўра ўлган эди. Шундай қилиб, 1922 йил 1 январигача Татаристонда 969908 нафар болалар тирик қолган эди. Тирик қолиб очлик азобини тортаётган болалардан 39097 нафари (3 фоиз) четдан ёрдамсиз яшай оларди. Аммо 360536 нафар оч болалар (38 фоиз) жойларда уюштирилган овқатланиш пунктла-

<sup>77</sup> Деятельность Самарской губернской комиссии помощи голодающим. По отчетам (за декабрь 1921 г. – июнь 1922 г.). Самара, 1922 г.

<sup>78</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 152, лл. 2 – 3.

ри ҳисобига яшарди. Америка ёрдам маъмурияти (АЁМ) – American Relief Administration томонидан 198978 нафар бола, очларга ёрдам комиссиялари орқали 113250 нафар, давлат томонидан 20800 нафар, халқаро ишчилар ёрдами томонидан 14300 нафар, озиқ-овқат паёғи билан 687 нафар, озиқ-овқат поездлари орқали 6000 нафар, маҳаллий маблағлар ҳисобига 221 нафар болалар таъминланган. Айни пайтда ҳар қандай ёрдамдан маҳрум болалар сони 570275 нафарни ташкил қиларди (59 фоиз) <sup>79</sup>.

Юқорида қайд этилган тарихий далиллар шундан далолат берадики, Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги болалар аҳволи жуда аянчли ҳолатда эди. Кўриниб турибдики, очарчилик ҳудудларидан эвакуация жараёни узлуксиз давом этаётганига қарамай, жойларда очарчилик камрови кундан-кунга ортиб бораверган. Аҳвол шу даражага борганки, Татаристон, Бошқирдистон ва бошқа ҳудудлардан болалар эвакуацияси дастлаб режали тарзда бошланган бўлсада, кўп ўтмай бундай ҳолат амалда назоратдан чиқиб кетган. Айниқса, бундай ҳол Оренбургда яққол кўзга ташланган. Чунки Россия очарчилик ҳудудларидан эвакуациянинг асосий қисми Оренбург орқали ўтган ва шунинг учун ҳам очлар оқими Оренбургнинг темир йўл станцияларини тўлдириб юборган эди. Натижада режали тарзда болалар эвакуациясини амалга ошириш жуда қийин бўлиб қолган. Масалан, ана шундай режасиз Туркистонга қилинаётган эвакуация жараёни тўғрисида Оренбург губернияси халқ маорифи мактабгача тарбия бўлимининг мудир Зорина-Тарасованинг сафар бўйича берган ҳисоботидан ҳам билса бўлади. Ушбу ҳисоботда Туркистонда мавжуд бўлган болалар боғчалари ҳамда у ердаги шарт-шароитлар билан бир қаторда аслида Оренбургдан болаларни эвакуациясини кутилмагани, аммо унинг сафари давомида 4 та эшолонда болалар Тошкентга етиб келгани қайд этилган ҳамда улардан биттаси Самарқандга жўнатилганлиги ҳам ёзилган эди<sup>80</sup>. Бундай кўзда тутилмай, ҳаётга татбиқ этилган мураккаб

<sup>79</sup> Жизнь национальностей, 25 февраля 1922 г.

<sup>80</sup> ЦДНИ ОО, ф. Р – 166, оп. 1, д. 1375, л. 22

жараёнларни кўпайиши Марказнинг кўрсатмаси орқали амалга оширилган. Бунга бошқарувдаги тизимнинг ишдан чиққанлиги, бошбошдоқлик, адолатсиз тақсимотлар сабаб бўла оларди.

Умуман олганда, Туркистон республикаси режага мувофиқ қабулдан бир неча баробар кўп болаларни ўз қарамоғига олиб, уларни боқиш, кийинтириш ва тарбиялаш вазифасини бажарган. Болалар эвакуацияси расман 1921 йил август ойидан 1922 йил ўрталарига қадар амалда узлуксиз давом этган. Эвакуация қилинаётган болалар ёши 3 ёшдан 16 ёшгача бўлганларни ўз ичига олган. Юқорида қайд этилганидек, Туркистонга келтирилган болаларни ҳаммаси ҳам очарчилик ҳудудларидан уюшган ҳолда юборилмаган. Ота-онасидан маҳрум бўлган, губерния очларга ёрдам комиссияси ёки “Болалар уйи”нинг рўйхатидан ўтишга улгурмаганлар келаётган катталар оқимига қўшилиб, ким вагонлар устида ва яна бошқалари темир йўл орқали ва ҳатто пиёда ҳам Туркистон томон йўл олганлар. Оч-қочоқлар оқимига йўлларда шаҳарма-шаҳар янада кўпроқ болалар, ўрта ёшдагилар қўшилиб борган. Ўз навбатида, уюшмаган ҳолда келаётган оч-қочоқ болаларни қабул қилиш, уларни ҳам рўйхатдан ўтказиш ҳамда интернатларга жойлаштириш Туркистон МИК қошидаги ОЁ МК зиммасига юклатилган эди. Айни пайтда, жойлардаги ОЁ комиссиялари ҳам нафақат уюшган ҳолда эвакуация қилинаётган болаларни, балки оч-қочоқ тариқасида, пиёда, поездларга осилиб, турли йўллар орқали келаётган болаларни ҳам бир жойга тўплаб, медицина кўригидан ўтказиб, интернатларга. “Болалар уйлари”га, аҳоли хонадонларига жойлаштириш, уларнинг саломатлиги, озиқ-овқат таъминоти, чойшаби, уст-бош кийими тўғрисида ҳам ғамхўрлик қилардилар. Аввалдан жойларда уюшган ҳолда ва оч-қочоқ тариқасида келадиган болалар учун алоҳида турар-жойлар ажратилган. Масалан, 1921 йил 13 сентябрида Черняев уезд ОЁ комиссияси ўз қарамоғига 1000 нафар оч болаларни қабул қилишга қарор қилиб, улардан 500 нафари уюшган ҳолда келтириладиганлар ва яна 500 нафари оч-қочоқлар учун ажратиш кўзда тутил-



ган<sup>81</sup>. Демак, амалга оширилаётган эвакуация жараёнида уюшган ҳолда келтириляётган болалар қатори, оч-қочоқ тариқасида келаятган болалар учун ҳам бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат ажратиш катта эътиборда бўлган. Чунки борган сари оч-қочоқ болалар сони кўпайиб борган. Масалан, 1922 йил январига қадар биргина Фарғона вилоятига 4000 нафар оч-қочоқ келган бўлса, уларнинг 1000 нафари болалар эди<sup>82</sup>.

Оч-қочоқ болалар ва уларни Туркистон бўйлаб тарқалиши бошқа вилоят, уездларда ҳам кузатилади. Масалан, 1922 йил март ойи маълумотларига қараганда, Черняев уездидаги интернатда 600 нафар, Высоко қишлоғида эса 120 нафар оч болалар истиқомат қилган. Очарчилик ҳудудларидан келтирилган бошқа болалар, хусусан 15 ёшдан юқори болалар ҳарбий қисмлар қарамоғига берилган бўлиб, улар қизилармиячилар қатори озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланарди. 15 ёшдан кичик келтирилган ёш болалар эса интернатларда сақланиб, улар ҳам асосан ҳарбий қисм озиқ-овқати таъминотида бириктирилган эди. Аммо Высоко қишлоғидаги аҳвол бир мунча оғирроқ бўлиб, бу ердаги болалар учун кийим-кечак, чойшаб, оёқ кийим таъминотида муаммолар бор эди. Чимкентда оч болалар учун 3 та интернат бўлиб, яна “100 нафар оч болаларни қабул қилишга мўлжалланган [интернат] очиш кўзда тутилган, чунки кейинги пайтларда [оч] болаларнинг катта оқими ўз йўли билан (оч-қочоқларни назарда тутилган – Р. А.) келаятганлиги кузатилмоқда” эди<sup>83</sup>. Айни пайтда Чимкент уезди томонидан яна 700 – 800 нафар оч болаларни қабул қила олиши мумкин эди. Аммо эндиликда келтириладиган болалар учун кийим-кечак бериш имконияти мутлақо йўқ эди<sup>84</sup>. Расман, яъни уюшган ҳолда ва оч-қочоқ тариқасида Самарқандга келган оч болалар учун фақатгина Самарқанд шаҳрида 23 та интернат очилган бўлиб, унда 2800 нафар очарчилик бо-

<sup>81</sup> ЎЗР МДА, 22- фонд, 1- рўйхат, 21- иш, 24- варақ

<sup>82</sup> Пролетарий (Самарқанд), 17 январ 1922 г.

<sup>83</sup> ЎЗР МДА, 22- фонд, 1- рўйхат, 71- иш, 1- варақ

<sup>84</sup> ЎЗР МДА, 22- фонд, 1- рўйхат, 71- иш, 2- варақ



лалари сақланарди. Айни пайтда Самарқанд уездида 2 та интернат очилиб, унда 200 нафар болалар бор эди<sup>85</sup>. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, жойларга келган оч-қочоқ болаларни жойлаштириш, расман эвакуация қилинганларга нисбатан маълум бир қийинчиликларни ўз ичига оларди. Чунки оч-қочоқ болалар учун одатда кўзда тутилмаган тарзда, хусусан режадан ташқари уй-жой, озиқ-овқат ажратиларди. Аммо шуниси борки, ҳар қандай ҳолатда келган оч-қочоқ болалар ҳам уюшган ҳолда келтирилганлар қатори таъминотда туришлари керак бўлган. Ўз пайтида оч-қочоқ болалар учун ҳатто Туркистон халқ маорифи комиссарлиги томонидан собиқ “Бадиий ўқув юрти” биносини махсус ажратиб қўйилган эди. 1922 йил августида якка ҳолда келган оч-қочоқ болалардан 430 нафари мазкур ўқув юрти биносига жойлаштирилиб, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва чойшаб билан таъминланган<sup>86</sup>.

1921 йил охири ва 1922 йил бошларига келганда Туркистонга эвакуация тариқасида келтирилган болалар сони кўпайиб кетди. Эндиликда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг вилоят, уезд-шаҳарлардаги ОЁ комиссиялари тегишли тарзда Марказдан оч болалар эвакуацияни тўхтатишни сўраб бир неча бор мурожаат қилган. Аммо БМИҚ қошидаги ОЁ МК бундай сўровларни эътиборга олмаган. Айни пайтда 1922 йил 27 февралда РКП(б) МҚ ўзининг кўрсатмасида болаларга ёрдам бериш биринчи навбатда бўлишини уқтириш билан бирга, яна очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни тегишли ташкилотларга бириктириб қўйиш зарурлигини ҳам қайд этган эди<sup>87</sup>. Эвакуация давом этарди... ҳатто Фарғонанинг ўзида очарчилик бўлаётганига қарамай, бу ерга Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан уюшган ҳолда келтирилаётган очлар оқими тўхтамади. Масалан, 1922 йил май ойида Туркистонга келтирилган 500 та боланинг 50 нафари Андижонга, 100 нафари Наманганга, 100 нафари Қўқондаги хусусий

<sup>85</sup> Пролетарий (Самарқанд), 12 мая 1922 г.

<sup>86</sup> Известия(ТуркЦИК), 5 сентября 1921 г.

<sup>87</sup> ЎзР ПДА, 60- фонд, 1 -рўйхат, 2148- иш, 4- варақ

хонадонларга, Жалолободга 200 киши, қолганлари эса Скобелев ва Хўжандга жойлаштирилган эди<sup>88</sup>.

Эвакуация жараёнини таҳлил қиларканмиз, инсоният канчалик даражада кулфатга қолганини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин. Туркистон халқи ўз бағрига Россиядаги очарчилик йиллари нафақат болалар, катта ёшдагиларни, оч-қочоқларни, балки давлат томонидан алоҳида эътиборга молик бўлган, очарчилик азоб-уқубатларини тортаётган минглаб балоғат ёшига етган, аниқроғи 16 – 19 ёшлик навқирон ёшларни ҳам қабул қилган эди. Чунки айнан ана шу ёшлар совет ҳокимиятининг халқ хўжалигини тиклаш, енгил ва оғир саноатни ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигида унумдорликни оширишда камарбаста бўлишлари лозим эди. Очарчилик бошланган 1921 йил июнь-июль ойларидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ана шундай чақирув ёшига етганлардан маълум қисмини қизил армия ҳарбий командирлик курсларига ўқиш учун сафарбар қилинди. Бу биринчидан, ёшларни муқаррар очлик ўлиmidан қутқарган бўлса, иккинчидан, улар қизил армия сафида “социализм ҳимояси”га жалб қилинган эдилар. Очларга нон берилгандан кейин улар ана шу нон эвазига жойларда “социализм ғалабаларини” мустаҳкамлашлари керак эди. Аммо кўрилган бу тадбир борган сари ёпирилиб келаётган очлик офати олдида камлик қила бошлади. Шундан кейин совет ҳукумати 1921 йил август ойи бошларида чақирув ёшига етган 16 – 19 ёшли (1902 – 1904 йилларда туғилган) ларни Татаристон, Бошқирдистон, Самара, Чувашия, Симбирск ва бошқа очарчилик ҳудудларидан оммавий равишда, шошилишч эвакуация қилиш тадбирини ишлаб чиқди. 1921 йил 13 августда Москвадан РКП(б) МҚ Туркбюроси ва Туркистон МИКга берилган кўрсатмада “БМИК қошидаги ОЕ МК қарорига мувофиқ 100 минг атрофидаги<sup>89</sup> чақирув

<sup>88</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат. 927- иш, 36- варақ

<sup>89</sup> Дастлабки рўйхатга кўра Волгабўйидан 105476 нафар чақирув ёшидаги ёшларни Туркистонга юбориш кўзда тутилган. Қаранг: ЎзР МДА, Р – 25 фонд, 1- рўйхат. 48- иш, 509 – 511 варақлар. Аммо 1921 йил 1 сентябрида Туркистонга юбориладиган чақирув ёшидагилар

ёшидаги ёшлар Туркистонга юборилади... Бундан мақсад шуки, оч ёшларни сизнинг республикангизга стихияли-тартибсиз қочишдан сақлаш.... Очарчиликдан [мамлакат-нинг] асосий кадрларини саноат, қишлоқ хўжалиги, Қизил Армия учун асраш...”<sup>90</sup>, – дейилган эди.

Шундай қилиб, Марказ топшириги бўйича 100 минг нафар балоғат ёшидагиларни Туркистон ўз бағрига олиши керак эди. Шу масала юзасидан Туркистон МИҚ раҳбарияти 1921 йил 13 сентябридаги мажлисида чақирув ёшидагиларни қабул қилишга тайёрлигини билдириб<sup>91</sup>, дастлабки 10 минг нафар чақирув ёшидагиларни жойлаш ва иш билан таъминлаш муҳим вазифа деб белгилайди<sup>92</sup>.

1921 йил 15 августида Татаристон ҳарбий комиссарлигига Москвадан берилган телеграммада, чақирув ёшидагиларнинг кўчирилиши билан ҳарбий комиссарлик шуғулланишини уқтирилиши билан бирга, улар “... бир йиллик муддат билан қишлоқ хўжалигида ишлаш учун Туркистонга жўнатилади. Чақирув ёшидагилар йўл бўйи ва етиб борган жойларида озик-овқат билан таъминланадилар. Очарчилик таназзули тугаши билан ватанларига қайтарилади”<sup>93</sup>, – деб уқтирилган эди. Чақирув ёшидаги йигит-қизларни Туркистонга юбориш дастлабки пайтларда, асосан, уларнинг хоҳиш-истаги билан амалга оширилган бўлса-да, аммо очарчилик қамрови кенгайиб борган сари Туркистонга боришни тарғиб қилишнинг ҳам ҳожати қолмади. 1921 йил сентябрь оyi бошларида биргина Мензелинск уездидан чақирув ёшидагилардан 561 нафар йигит ва 273 нафар қиз Туркистонга бориш хоҳишини билдирган бўлсалар, сентябрь оyi ўрталарига

---

сонини Марказдан 264 минг нафар дея белгиланган. Бунга Туркистон ХКК раиси Қ. Отабоев эътироз билдириб, “Туркистонда озик-овқат заҳиралари кўплиги нотўғри” деб, ўлкада кўзда тутилганидан ташқари йигит-қизларни қабул қилиш имконияти йўқлигини билдиради. Қаранг: ЎзР МДА, Р – 25 фонд, 1- рўйхат, 483- иш, 507- варақ.

<sup>90</sup> РГАСПИ, ф. 122, оп. 1, д. 198, л. 3.

<sup>91</sup> ЎзР МДА, Р – 17 фонд, 1- рўйхат, 926- иш, 6- варақ орқаси.

<sup>92</sup> ЎзР МДА, Р – 17 фонд, 1- рўйхат, 926- иш, 55- варақ.

<sup>93</sup> НА РТ, ф. 592, оп. 1, д. 839, л. 2.

келганда уларнинг сони 4568 кишини ташкил қилган<sup>94</sup>. Чақирув ёшидагилардан хоҳиш билдирганларни Туркистонга 250 кишилиқ роталарга ажратиб, уларга командир ва сиёсий комиссарлар раҳбар этиб тайинланган эди. Шундай қилиб, зудлик билан бошланган эвакуация натижасида, темир йўл орқали Тошкентга ва сув йўли орқали Красноводскка фақатгина 1921 йил 29 сентябрига қадар юборилган чақирув ёшидагилар қуйидаги тарзда бўлган: (1. 2. жадвал)

**Чақирув ёшидагиларнинг Туркистонга эвакуацияси  
тўғрисида маълумот<sup>95</sup>**

*1. 2- жадвал*

№	Республика, вилоят ва губерниялар	Юборилганлар сони
1	Татаристон	8400
2	Царицин (Волгоград)	6400
3	Астрахань	3900
4	Чуваш Волгабўйи	3600
5	Симбирск	2400
6	Самара	1800
7	Немис коммунаси	1800
8	Мари	300
	жами:	38360

Очарчилик худудларидан келган йигит-қизлар нафақат қишлоқ хўжалигига, балки бошқа соҳаларга ҳам жалб этилган эди<sup>96</sup>. Ҳатто келганларнинг айримлари кейинроқ бутунлай Туркистонда истиқомат қилиш истагини ҳам билдирганлар. Ана шундайлардан бири П. Зорин 1921 йил октябрида Татаристондан Жиззахга кўчирилган эди. П. Зорин 1922 йил 24 апрелида вилоят партия кўмитасига

<sup>94</sup> НА РТ, ф. 592, оп. 1, д. 839, л. л. 12 – 13, 16, 25 – 26, 29 – 30, 52 – 58, 60 – 67 (муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилган.)

<sup>95</sup> НА РТ, ф. 592, оп. 1, д. 839, л. 163 об; Қаранг: ЎзР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 1436- иш, 63- варақ; ЎзР МДА, Р – 17 фонд, 1- рўйхат, 295- иш, 90- варақ

<sup>96</sup> Қаранг: НА РТ, ф. 4034, оп. 2, д. 4. л. 11; д. 14, л. 271; д. 41. л. 71, 78; оп. 3, д. 10, л. л. 3, 28; ф. 15, оп. 1, д. 889, л. 157, 211.

ёзган аризасида Туркистонда яшаб, ўқиш хоҳиши борлигини билдирган<sup>97</sup>. Туркистонга келтирилган йигит-қизларни жойлаштириш, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлашда маҳаллий аҳоли фаол қатнашган<sup>98</sup>.

Россиянинг очарчилик худудларидан келтирилаётган болаларни темир йўл вокзалларида кутиб олиш ва кейин уларни жойлаштириш билан боғлиқ ташкилий масалалар шуни кўрсатдики, келтирилаётган болаларнинг аксарияти йиртиқ ва кирлигидан яғири чиқиб кетган кийимларда, оёқ ва бош кийимлар ҳам бор-йўқ ҳисобида эди. Чунки юқорида қайд этилганидек, Волгабўйи, Уралолди худудларидан бошланган эвакуацияга биринчи навбатда кўчаларда санғиб, тиланчилик қилиб юрган, очарчилик туфайли ота-онасини йўқотган, бошпанаси йўқлиги сабабли темир йўл станциялари, вокзалларда тунаб юрганларни хоҳиший ва мажбурий тарзда жалб қилинган. Очарчилик худудларидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳам тегишли ОЁ комиссиялари, халқ маорифи бўлимидагиларни мумкин қадар тезроқ ва кўпроқ оч болалардан қутулишга ундарди. Натижада оч, сарсон-саргардон юрган болалар вагонларга тиқиштирилиб Туркистонга келтирилди.

Туркистон республикаси раҳбарияти Россиядан келаётган оч болаларни жойлаш, озиқ-овқат билан таъминлашгина етарли эмас деб топди. Оч болаларни ювинтириш, мумкин қадар тоза ички ва ташқи кийим бериш, бош-оёқ кийимлари билан таъминлаш ҳам мақсадга мувофиқ деб топилди. Ушбу сабабдан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК топшириғига мувофиқ вилоят, уездлардаги ОЁ комиссиялари зудлик билан келтирилаётган болалар учун жойларда чойшаб тикишга киришилди. Масалан, фақатгина Тошкентда 1921 йил август оyi бошларидаёқ дастлабки келаётган болалар учун 500 та чойшаб ва ёстиқ жилди

<sup>97</sup> Ўзбекистон Республикаси Президент Девони қошидаги Самарқанд вилоят архиви (ЎЗР ПДА қошидаги СВА), 31- фонд, 1<sup>А</sup>-руйхат, 576-иш, 38- варақ ва орқаси; Қаранг: ЦГА ИПДРТ, ф. 15, оп. 1, д. 889, л157; д. 891, л. 211.

<sup>98</sup> Наманган вилоят давлат архиви (НВДА), 243- фонд, 1- руйхат, 8-иш, 1- варақ ва орқаси, 26- варақ.

тикиш бошлаб юборилган. Бир вақтнинг ўзида Туркистоннинг вилоят ва уездларига келаётган болалар учун оёқ кийим тикишга ҳам киришдилар. Қўқондаги устахоналардан бирида дастлабки 200 та оёқ кийимни очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларга тайёрлаб қўйишга киришилган<sup>99</sup>. Эвакуация жараёнида боланинг ота-онаси ёки улардан бири бор бўлса, унда уларнинг розилиги орқалигина эвакуация қилиш мумкин эди. Шунингдек, болада ота-она ёки улардан бири бор бўлса-ю, аммо улар фарзандларини эвакуация қилинишига норози бўлса, унда ҳал қилувчи овозни боланинг ўзига ҳавола этилган. Аммо ота-онаси йўқ, мутлақо қаровсиз қолган болалар эвакуация қилиниши шарт эди. Агар етим болалар Туркистонга эвакуациядан қолдирилса, унда ҳамма масъулият “Болалар уйи” мудирини зиммасига юклатилиб, уни жавобгарликка тортиш кўзда тутилган эди. Бундан мақсад шу эдики, ота-онасини йўқотган болалар мутлақо назоратдан четда ва ҳеч қандай таъминотсиз қолмаслиги керак эди<sup>100</sup>. Мавжуд расмий маълумотларга кўра, 1921 йил 12 августида Татаристон ОЁ МК Белкин раислигидаги мажлисда 30 минг нафар оч болаларни ҳосили яхши бўлган ҳудудларга эвакуация қилишга қарор қилган<sup>101</sup>. 1921 йил сентябр ойи маълумотларига кўра, Самара губернияси ва Татаристон республикасида 500 нафар мусулмон (татар, бошқирд в. б.) болалар Тошкентга эвакуация қилишга тайёрланган<sup>102</sup>. Умуман олганда, 1921 йил октябрига қадар 12 минг 275 нафар болалар<sup>103</sup>, 1921 йил охирига қадар эса 55 минг 355 нафар болалар уюшган ҳолда ҳосилдор ҳудудларга, хусусан Туркистонга ҳам эвакуация қилинган эди<sup>104</sup>.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида бола-

<sup>99</sup> Известия(ТуркЦИК), 14 августа 1921 г.;Красная Фергана, 12 августа 1921 г.; Известия(ТатЦИК), 12 августа 1921 г.

<sup>100</sup> ГАОО, Ф. Р – 450, оп. 1, д. 457, л. л. 67- 67 об.

<sup>101</sup> ЎзР МДА, Р. 25- фонд, 1- рўйхат, 718- иш, 980- варақ

<sup>102</sup> Коммуна ( Самара), 22 сентябре 1921 г.

<sup>103</sup> Известия(ТуркЦИК), 31 января 1921 г.

<sup>104</sup> НАРТ, ф. Р – 128, оп. 1д. 27, лл. 18 – 19.

лар қисматига айланган очарчиликка сабаблар қаторида куйидагиларни таъкидлаш мумкин:

– Россия империясининг узоқ йиллар давомида олиб борган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий сиёсати;

– биринчи жаҳон уруши (1914 – 1918) оқибатлари, хусусан қишлоқ хўжалиги, саноатдаги талон-тароажлик;

– “инқилобий жараён”лар оқибатида бошқарувдаги бошбошдоқлик;

– қурғоқчилик, табиий шарт-шароитлар;

– ўзаро иқтисодий муносабатларнинг издан чиқиши.

Марказ кўрсатмасига мувофиқ, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ҳосилдор деб топилган ҳудудларга, хусусан Туркистонга очлар эвакуацияси ўлка раҳбарияти билан келишилмаган ҳолда, амалда “хоҳиший – мажбурий” тарзда амалга оширилган. Туркистон халқи ўзи тўқ яшамаётганига қарамасдан Россиянинг очарчилик ҳудудларидан юборилаётган очларни қабул қилишга жалб этилган. Бу амалда “Оч ҳолда очларни боқиш чора-тадбирлари” эди. Аммо шунга қарамасдан, Туркистон аҳли келтирилаётган очарчилик ҳудудлари болаларига халқимизга хос меҳр-мурувват, багрикенглик намуналарини кўрсата олган.



## **II БОБ. РОССИЯ БОЛАЛАРИ ОЧАРЧИЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШДА ТУРКИСТОН ИШТИРОКИ**

### **2. 1. Очарчилик болаларига Туркистонда берилган ёрдамлар**

БМИҚ қошидаги ОЁ МК қарори асосида болалар эвакуацияси очарчилик ҳудудларидаги раҳбариятни зудлик билан ташкилий масалаларни бажаришга ундади. Ўз навбатида Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва вилоят ҳамда уездлардаги тегишли комиссиялар ҳам зудлик билан мактаб ва интернатларни, “Болалар уйлари”ни таъмирлаш ишларига киришиб кетдилар. Айни пайтда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўз фаолияти давомида очарчилик ҳудудларидан уюшган ҳолда ва оч-қочок тариқасида келаётганларни қабул қилиш ва жойлаштириш, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак таъминоти билан боғлиқ муаммолар ечими билан шуғулланувчи алоҳида “Марказий болалар кичик комиссияси” ва унинг вилоят, уезд-шаҳар, районлардаги бўлимларини ташкил этишни мақсадга мувофиқ деб топди. “Марказий болалар кичик комиссияси”га Билик бошчилик қилиши қайд этилди<sup>105</sup>. Ўз фаолиятини бошлаган Туркистон ОЁ МК ҳузуридаги “Марказий болалар кичик комиссияси” вакилларига берилган йўриқномада қуйидагилар ўз аксини топган эди:

1. “Марказий болалар кичик комиссияси” вилоят, уезд-шаҳарларда ҳам ўзининг тегишли комиссияларни ОЁ комиссиялари қошида ташкил этади. Хусусан уезд комиссия таркибига:

а) уезд коммунистик партияси – хотин-қизлар бўлимидан;

б) уезд халқ таълими бўлимидан;

в) уезд ёшлар коммунистик ташкилотидан аъзолар киритилади.

<sup>105</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 8- иш, 49- варақ ва орқаси

2. Дастлабки вазифа – бу шаҳарда “Болаларни қабул қилиш ва тарқатиш бўлими”ни ташкил қилиш ҳисобланади. Ушбу бўлимнинг вазифаси: болаларни жойлаштириш, ювинтириш, керакли кўринишга келтириш, озик-овқат, тоза кийимлар билан таъминлаш ва яшаш шароитини яхшилаш киради.

3. “Болаларни қабул қилиш ва тарқатиш бўлими”дан “Болалар уй”ларига юборилади. Мумкин қадар болаларни ғаллакор посёлка ва совхозларга жойлаштириш керак.

4. Жойларда “Болалар комиссияси”га ёрдам бериш учун фаол кишиларни тарғибот-ташвиқот ишларига жалб қилинади.

5. Посёлкада мажлислар ўтказиб, Волгабўйидаги очарчилик аҳволи ва айниқса оч болаларга ёрдам зарурияти бўйича “Болалар уйи” ташкил этиш ва уларга жойларда ғамхўрлик намуналарини кўрсатишга тарғиб қилинади.

6. Посёлка ва қишлоқларда умумий мажлис ўтказиб, 3-5 кишилик гуруҳлар ташкил қилиш ва жойларда “Болалар ташкилотлари”ни уюштириш керак.

7. Ҳамма иш фуқароларнинг ўзига қўйиб берилиши керак, аммо ҳар ойга маълум бир миқдорда озик-овқатларни болаларга ажратиб туриш зарур.

8. Олиб борилаётган ишлар жанговор ҳолатда бўлиши ва уезддаги ОЁ комиссияси, уезд ижроия қўмитаси, уезд коммунистик партияси билан биргаликда олиб борилиши керак<sup>106</sup>.

Шундай қилиб, 1921 йил август ойи биринчи ярмидан Қозон, Симбирск, Самара, Саратов, Уфа, Стерлитамоқ, Оренбург, Саратов ва бошқа ҳудудлардан темир йўл вагонларида ва сув йўли орқали параходларда очлар келтирила бошланди. Тез орада очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларнинг юпун кийимда, ҳолдан тойган аҳволи, касалмандлиги тўғрисидаги хабар бутун Туркистон бўйлаб тарқалиб кетди. Дастлаб Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинган болаларни Туркистоннинг Фаргона ва Ёттисув вилоятларидан ташқари қолган

---

<sup>106</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 5- иш, 11- варақ

ҳаммасига жойлаштириш кўзда тутилган эди. Аммо кетма-кет эшолонларда келаётган очлар оқимининг кўплиги Туркистон раҳбариятининг фикрини ўзгартиришга, яъни уларни Фаргона ва Еттисув вилоятларига ҳам жойлаштириш зарур деган хулосага олиб келди. Келаётган болаларни Туркистоннинг вилоят, уезд-шаҳарларга жойлашуви ва бу жараёнда уларнинг ачинарли аҳволини ўз кўзи билан кўрган диёнатли халқимиз уларга меҳр-мурувват, том маънода багрикенглик намуналарини кўрсатди. Табиатан болажон ўзбек халқи болалар жойлаштирилган интернат ва “Болалар уйлари”га имкон даражасида кийим-кечак, озиқ-овқат билан ёрдам бериб, бор-будини оч болалар билан баҳам кўрди. Масалан, Наманган уездида очларга хайрия йиғиш 1921 йил 5 августида бошланиб, икки кун ичида озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари 1,5 млн. рублдан ортиқ пул йиғилган бўлса, 11 августга келиб хайрия суммаси 3 млн. рублга етган эди. Шунингдек, Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги қошидаги кооперация бирлашмаси ҳам 1 млн. рублни хайрия қилган<sup>107</sup>.

1921 йил 26 августда Ўш шаҳрида ҳам очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни қабул қилиш ва уларни жойлаштириш масалалари бўйича фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Ушбу йиғилиш қарорида Ўш уездидаги интернатлар, болалар боғчаси оч болалар ихтиёрига топширилиши ва уларга ҳар қандай ёрдам беришга тайёр эканликлари билдирилган<sup>108</sup>. Аммо воқеалар ривожини шуни кўрсатадики, келаётган болалар оқими кўплигидан уларни мавжуд интернатларга, “Болалар уйи”га жойлаштириш имконияти борган сари қисқариб борган. Ўзи оч, юпун кийинган, касалманд болаларни яна вокзалларда бир неча кунлаб, жой тайёрлангунга қадар қолдириш эса мумкин эмас эди. Аммо айти пайтда Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётган болалар оқимининг охири кўринмасди... Эндиликда жойлардаги интернат ва “Болалар уйлари” оч болаларга тўлиб кетди. Мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, келтирилган оч болаларни айрим ташкилот-

<sup>107</sup> Известия (ТуркЦИК). 11.14. 17 августа 1921 г.

<sup>108</sup> ААП Кирг., ф. 6, оп. 1, д. 72 л. л. 52, 54; д. 74, л. 59

лар ихтиёрий равишда боқиш ва кийим-кечак билан таъминлаш мажбурияти билан ўз қарамоғига ола бошладилар. Айрим ҳолларда оч ҳолда очларга хайрия қила бошладилар. Масалан, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликдан Туркистонга оч-қочоқ тариқасида келаётган болалар учун Сирдарё вилоятидаги кўплаб интернатларда яшаётган болалар ўзларига тегишли “нонуштани ҳам оч-қочоқлар учун хайрия қилганлар”<sup>109</sup>. Шунингдек, Тошкент “Металлистлар иттифоқи” ўз аъзоларига ким оилали бўлмаса ёки оиласида фарзандларнинг сони кам бўлса, келаётган оч болалардан биттасини ўз қарамоғларига олиш ва яна уларга устахоналарда ҳунар ўргатиш мажбуриятини юклади<sup>110</sup>. 1921 йил 13 декабридаги Туркистон ОЁ МК мажлисидаги маълумотга кўра, фақатгина Тошкент ҳарбий гарнизонида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган 200 нафар бола учун алоҳида жой ажратилиб, улар озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминланиб, ҳарбийлар қарамоғига ўтказилган<sup>111</sup>.

Албатта, очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни жойлаштириш ишлари “Марказий болалар кичик комиссияси” орқали амалга оширилган. Болаларни жойлаштириш, хусусан уларни “Болалар уйлари”га, турли ташкилотлар қарамоғига, хонадонларга бериш ҳам маълум бир тартибларга риоя қилишни талаб қиларди. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК таркибидаги “Марказий болалар кичик комиссияси” Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилаётган болаларни турли ташкилот ва шахсий хонадонлар қарамоғига бериш мумкин деб топиш борасида қуйидаги тартиботларга риоя қилишни талаб қилган:

– болалар ҳар гал, кимга ёки қайси ташкилотга берилишидан қатъий назар, бу масалага алоҳида эътибор қаратиш зарур;

– болаларни бериш бўйича Туркистон халқ маорифи комиссарлиги ва жойлардаги халқ маорифи бўлими

<sup>109</sup> Пролетарий, (Самарканд) 27 июля 1921 г.

<sup>110</sup> Известия (Турк ЦИК), 30 августа 1921 г.

<sup>111</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 8- иш, 28- варақ ва орқаси

ҳузуридаги “Болаларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш” бўлимлари билан келишиш шарт;

– болаларни ўз қарамогига олган ташкилот ва шахсий хонадонлар тегишли низом ҳамда декретларга риоя қилиши керак;

– ташкилот ва шахсий хонадонлар ихтиёрига берилган пайтдан бошлаб болаларни давлат ташкилотининг тегишли маъсуллари, хусусан инспекторлар томонидан болалар учун оғир ишларга жалб қилмаслик устидан назорат қилиб турадилар<sup>112</sup>.

Қатъий талаб бўлишига қарамасдан, оч болаларни Туркистонда нафақат интернатларга, “Болалар уйлари”га, балки шахсий хонадонларга ҳам ола бошлаганлар. Масалан, Полторацкка келтирилган оч болаларни маҳаллий аҳоли, кўпгина ташкилотлар томонидан талашиб-тортишиб, жон-диллари билан ўз қарамогига олинган<sup>113</sup>. Аслида бундай Туркистон халқига хос бағрикенглик очарчилик йилларида жуда кўп маротаба учраган. Чунки Волгабўйи, Уралолди ҳудудидан келтириляётган оч болаларнинг аҳволини кўрган халқимиз вакиллари уларнинг тақдирига бефарқ қараб тура олмаган. Ўзбек, туркман, қирғиз, тожик ва бошқа халқлар ўзлари азоб-уқубатли, қийин кунларни бошидан кечиляётган, тўйиб овқат емаётган ёки фарзандларини аранг боқаяётган ҳолларда ҳам ўз ризқиларини келган оч болалар билан баҳам кўришни афзал кўрганлар. Бу билан очарчилик ҳудудларидан келтирилган болалар аҳволини бир мунча енгиллаштиришга баҳоли қудрат ҳисса қўшганлар. Ўзбек халқининг ҳақиқий болажонлик намунасини самарқандлик темирчи уста Оғафоров деган кишининг тимсолида ҳам кўриш мумкин. У эвакуация муносабати билан Волгабўйидан Самарқандга келтирилган болалардаги чарчаган, ночор, ҳаятга тўймай, чакнаш ўрнига сўниб бораётган кўзларга қараб, улардан **30 нафарини ўз оиласи қарамогига олиб**, уларни кийим-кечак, озиқ-овқат, бошпана билан таъминлаган<sup>114</sup>.

<sup>112</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 14- иш, 15- варақ

<sup>113</sup> Пролетарий (Самарқанд), 5 января 1922 г.

<sup>114</sup> Коммуна (Самара), 24 марта 1922 г.; Известия (ТатЦИК), 25 марта 1922 г.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК таркибидаги “Марказий болалар кичик комиссияси” фаолияти қанчалик фаол бўлганига қарамасдан, амалда мазкур комиссия ўз фаолиятини тўлақонли ўтказишда маълум бир молиявий муаммолар билан тўқнишиб турган. Бошқачароқ ифодалаганда, комиссия ихтиёридаги молиявий имкониятлар анча-мунча чекланганлиги фаолият қамровини маълум даражада чеклаб турган. Хусусан, маблағ етарли бўлмаганидан “Марказий болалар кичик комиссияси” томонидан кўчалардан қаровсиз болаларни ўз вақтида йиғиштириб, уларни интернатларга жойлаштириш имконияти бўлмаган. Аммо айтиш пайтда “Марказий болалар кичик комиссияси” оч болалар жойлаштирилган “Болалар уйлари” ва интернатларда қаровсиз болаларнинг аянчли аҳволи тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаган эди:

– болаларда маънавий ва ақлий заифликнинг ортиб бораётгани;

– жинойтнинг камаймаётгани;

– оммавий касаллик ва ҳолдан тойиш (мажолсизлик);

– оммавий қаровсизлик ва қашшоқлик<sup>115</sup>.

Юқоридаги ҳолатдан келиб чиқиб, “Марказий болалар кичик комиссияси” Туркистон раҳбариятидан қуйидагиларни ҳам амалга оширишни сўраган:

– мавжуд болалар касалхоналари сонини 100 фоизга кўпайтириш;

– давлат ҳисобидан қийин тарбияланувчи (фоҳишалик билан шугулланаётган) 100 нафар қизлар учун алоҳида уй очиш;

– яқин уч ой мобайнида давлат таъминоти ва маҳаллий маблағ ҳисобидаги болалар ташкилотларини (“Болалар уйлари” ва интернатларни назарда тутилган – Р. А.) қисқартиришни қатъиян маън этиш;

– очарчилик ҳудудларидан келтирилган болаларни оналари таклифига биноан ўз юртларига қайтариш учун

<sup>115</sup> Набиев Ф.Х. К характеристике продовольственного положения в Туркестане 1921 – 1924 годов. // Общественные науки в Узбекистане, 1994. № 8. – С. 34

“Марказий болалар кичик комиссияси ихтиёрига маблағ ажратиш;

– Туркистон халқ маорифи ва озиқ-овқат халқ комиссарликларига мавжуд интернатларга қаровсиз болаларни қабул қилишни ҳамда уларни боқишни кўпайтириш, иккй ойга мўлжалланган – вақтинчалик интернатларни очиш;

– Туркистон халқ маорифи ва озиқ-овқат халқ комиссарликлари зиммаси гажойлардаги болалар ташкилотларидаги ишларни кучайтириш ва яхши йўлга қўйиш;

– “Ларек” ўртоқлик акционерлик жамиятининг савдо фаолиятини фойдали эканлигини ҳисобга олиб, 6 кунлик муддатда 50 минг рубл олтин ҳисобидаги акцияларни халқ комиссарликлари ва марказий ташкилотларига 50 фоизини бўлиб бериш, олинган даромаддан қаровсиз ва оч болаларга ёрдам беришда фойдаланиш<sup>116</sup>.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликни бар-тараф этиш бўйича Россия Федерацияси губерниялари, республикалар иштироки, аниқроғи минтақалар зиммасига юклатилган вазифалар ҳам турлича эди. Аслида бу табиий, чунки ёрдам кўлами имкон даражасидан келиб чиқиб амалга оширилиши керак эди. Аммо Марказ ҳамма вақт ҳам очарчилик ҳудудларига кўрсатиладиган ёрдамни минтақалар имкониятини тўла ҳисобга олган ҳолда амалга оширмаган. Хусусан, Марказ учун очлар муаммоси мумкин қадар узоқроқда ўз ечимини топиши қулайроқ бўлган. Боз устига қайси “ҳосилдор” ҳудуд ўз зиммасига кўп юкни олса унга яна бу масалада “имконият” яратилган. Мавжуд архив манбалари таҳлилига кўра, Туркистон зиммасига “юклатилган бурч” яъни ёрдам бериш миқёси ва ўлкага очлар эвакуацияси ортиб борган сари, Марказдан маблағ, кийим-кечак, дори-дармонлар таъминоти камайиб борган. Масалан, “Марказий болалар кичик комиссияси” масъулларидан Радушкевич Москвада чақирилган Бутунроссия очларга ёрдам мажлисида Туркистонга келтирилган оч болалар аҳволи ва бу борадаги муаммолар ҳамда улар-

<sup>116</sup> Набиев Ф.Х. К характеристике продовольственного положения в Туркестане 1921 – 1924 годов. // Общественные науки в Узбекистане, 1994, № 8. – С. 34



нинг ечими борасида маъруза қилиб, тегишли таклифлар киритган. Аммо унинг таклифларига эътибор қутилган даражада бўлмади. Туркистонга қайтган Радушкевич ушбу мажлис натижалари бўйича 1921 йил 12 декабрида Тошкентда берган ҳисоботида, БМИҚ қошидаги ОЁ МК ўлкадаги оч болалар аҳволини яхшилаш борасидаги таклифларга яхши эътибор бермаётгани, боз устига Москвадаги комиссия ёрдам кўрсатиш бўйича ҳеч қандай маблағга эга эмаслиги, Марказдаги эвакуация бюроси ҳам очарчилик ҳудудларидан болалар таъминотига тааллуқли маблағи йўқлиги, лекин айтилган пайтда “[оч] болаларни таъминламаган ҳолатда, [уларни] эвакуация қилавериши” тўғрисида қайд этади<sup>117</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Туркистондан Волгабўйи, Уралолди очларига ёрдам нафақат болаларни қабул қилишга, балки ҳали Россиядаги очарчилик ҳудудларида эвакуация қилинмаган болаларга ёрдамдан ҳам иборат бўлган. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК келтириляётган болаларни жойлаштириш ва уларни озик-овқат билан таъминлаш билан бирга Россиянинг очарчилик ҳудудларига “Болаларга ёрдам хайрия ҳафталик”лари ўтказишдан ҳам иборат бўлган. Ўтказилган хайрия тadbирларидан тушган озик-овқат маҳсулотларини Оренбург, Қозон, Самара, Уфа ва бошқа очарчилик ҳудудларига юборилар эди. Масалан, очарчилик болаларига ёрдам беришда “Марказий болалар кичик комиссияси” фаолияти муҳим аҳамият касб этган. Ушбу комиссия саъй-ҳаракати туфайли 1922 йил ноябрь ойи бошларида “Болаларга ёрдам ҳафталиги” тadbирлари бўлди. Мазкур “ҳафталик” натижасида Туркистон бўйича 450 минг рубл йиғилган ва бу маблағнинг ҳаммаси Россиядан келган оч-қочоқлар истиқомат қилаётган интернатлар ихтиёрига берилган<sup>118</sup>. Бундай хайрия тadbирларидан ташқари Туркистон МИҚ ва ХКК ўз фондларидан ҳам махсус ёрдамлар уюштирган.

<sup>117</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 14- иш, 19- варақ.

<sup>118</sup> Набиев Ф.Х. К характеристике продовольственного положения в Туркестане 1921 – 1924 годов // Общественные науки в Узбекистане, 1994, № 8. – С. 34

Хайриялар тури ва қамровини ўсиб боришида нафақат Марказ кўрсатмаси, балки очарчилик ҳудудларидан махсус юборилган вакилларнинг жойларда берган ахбороти ва унинг натижаси ҳам катта рол ўйнаган. Очарчилик ҳудудларидан Туркистонга махсус ваколат ва мурожаат билан юборилган вакиллар ўз ҳудудларидаги очарчилик қамрови борган сари кенгайиб бораётгани ва натижада одамлар ейишга озиқ-овқат топа олмаётгани тўғрисида республика раҳбариятига ахборот берар эдилар. Албатта, ана шундай ахборотлар Туркистон раҳбариятини бефарқ қолдира олмас эди. Масалан, 1921 йил 8 октябрда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўзининг навбатдаги мажлисида Уфа губерниясининг махсус вакили Алиевнинг Бошқирдистондаги ижтимоий-иқтисодий аҳвол, очарчилик қамрови ва оқибатлари тўғрисидаги ахборотини тинглади. Алиев ўзи берган маълумотда очлик азоб-уқубати натижасида болалар қурбон бўлаётганлиги тўғрисида ҳам атрофлича тўхталиб ўтди. Шундан сўнг Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўз фондидан Уфадаги болаларга озиқ-овқат маҳсулотлари харид қилиш учун 10 млн. рубл нақд пул<sup>119</sup> ажратишга ва 2000 пуд нон ва нон маҳсулотларини Самарқанддан харид қилишга ҳамда хайрия тарзида йиғиб беришга қарор қилган<sup>120</sup>.

Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан эвакуация қилинаётган болаларни қабул қилиш ва уларни жойлаштириш, кийим-кечак ҳамда озиқ-овқат билан таъминлашда Туркман (Каспийорти) вилоятининг ҳам катта ҳиссаси бор. Туркман вилоятида Россиянинг оч болаларини жойлаштириш билан боғлиқ фавкулудда комиссия ўзининг дастлабки мажлисини 1921 йил 3 август куни ўтказган. Ушбу мажлисда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг оч болаларни қабул қилиш бўйича кўрсатмаси муҳокама қилиниб, вилоятга дастлаб 5000 нафар болани қабул қилиш мумкинлиги қайд этилган. Дастлаб келаётган бо-

<sup>119</sup> Бундай тартибда ажратилган ёки турли хайрия тadbирларидан тушган пул маблағларига Туркистонда озиқ-овқат харид қилиниб, Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларига юборилган. – Муаллиф

<sup>120</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 733- иш, 29- варак.

лаларнинг 1000 нафари Полторацк (ҳозирги Ашхабод) га, 500 нафари Марвга, 500 нафари Байрамалига, 500 нафари Кушкага, 200 нафари Иолатонга, 200 нафари Теджен-Гинсбург уездига, 50 нафари Душакка жойлаштирилиши кўрсатилиб, Марвда бир нечта мактаб-интернатлар оч болалар учун тайёрланиши зарурлиги таъкидланган<sup>121</sup>. Ушбу мажлисда Туркман вилояти ОЁ комиссияси келаётган болаларни жойлаштириш билан боғлиқ муаммо тугилса, вилоятда яшаётган чет элликларни ҳам қисқартириш зарурлиги тўғрисидаги масалага ҳам тўхталган эди<sup>122</sup>. Шунингдек, Туркман вилояти ОЁ комиссияси томонидан Россиядан келаётган болаларни интернатларга жойлаштириш ва болаларга дастлабки озиқ-овқат ҳамда кийим-кечаклар учун 5 млн. рубл ажратилган эди. Болаларни жойлаштириш муаммолари билан махсус “Болалар комиссия”си шугулланган. Ушбу комиссияга Смирнова-Николаева раҳбарлик қилган<sup>123</sup>.

Туркман вилоят ОЁ комиссиясининг навбатдаги мажлиси 1921 йил 8 августда бўлиб ўтиб, унда вилоятдаги масъул ходимларнинг Волгабўйидан келаётган оч болаларга ёрдам кўлами масаласи кўриб чиқилди. Ушбу мажлисда келтириляётган оч болалар учун 10 минг пуд гурuch тайёрлаб қўйиш ҳамда гўшт, сабзавотлар ҳам эсдан чиқмаслиги кераклиги уқтирилган эди. Шунингдек, мажлисда болаларни жойлаштириш ҳамда Марв, Полторацкда “Овқатланиш пунктлари” ташкил этиш тадбирларини ишлаб чиқиш ҳам зарурлиги қайд этилган<sup>124</sup>.

Шундай қилиб, Россиянинг очарчилик худудларидан Полторацкка келаётган болаларни аввалдан тайёрланган махсус интернатларга жойлаштириш жараёни 1921 йил август-сентябр ойларида, деярли маълум режа асосида, амалга оширила борди. Аммо 1921 йил сентябр охири - октябр ойларида Туркман вилоятига келтириляётган болалар оқими жуда кўпайиб кетди. Энди уларни жой-

<sup>121</sup> ААП Туркм. ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. л. 2,7

<sup>122</sup> ААП Туркм. ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 2

<sup>123</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 17

<sup>124</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 101, л. 319

лаштириш, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаш муаммолари туғила бошлади. Россиянинг оч болаларини жойлаштириш муаммосини 1921 йил 21 сентябрида Туркман вилоят ОЕ комиссияси ўзининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилиб, "... яна 1000 нафар болани интернатларга жойлаштириш кераклиги... [аммо] жой етишмаётганлиги"ни қайд этган эди<sup>125</sup>. Ҳатто болаларни жойлаштириш муаммосини ечиш учун мактаб, болалар боғчаларини ҳам очларни қабул қилишга мослаш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Масалан, бунинг учун Гинсбургдаги ҳарбий лазаретни 200 нафар оч болалар учун бўшатишга тўғри келган эди<sup>126</sup>. Борган сари совуқ тушиши оч болалар яшайдиган турар жойларни иситиш, уларни иссиқ кийим-кечак билан таъминлашни тақозо этарди. Бу муаммолар ечимига жойлардаги аҳолини жалб қилинди. Хусусан, айрим интернатларни иситиш учун ўтинлар ва ҳатто озиқ-овқат билан тўла таъминлаш ҳам маҳаллий аҳоли зиммасига юклатилди<sup>127</sup>. Бундан кўриниб турибдики, келтирилган оч болаларни ҳар томонлама таъминлаш учун ажратилган маблағ ҳамма вақт ҳам тегишли харажатларга етарли бўлмаган. Бу эса Туркман вилоят ОЕ комиссиясини болалар озиқ-овқати, кийим-кечаги ва чойшаби учун қўшимча маблағларни исташга мажбур қилган. Масалан, Туркман вилоят ОЕ комиссияси томонидан жойларда келтирилган болаларнинг аҳволи ёмонлиги ва шунинг учун маълум миқдорда хайрия зарурлиги тўғрисидаги олиб борган тағибот-ташвиқот ишларидан сўнг вилоят ер бўлими масъул ходимлари ҳар ойлик иш ҳақларининг 10 фоизини оч болаларга ўтказишга қарор қилишган. Бундай ташаббус бошқа ташкилотларда ҳам авж олганлиги сабабли Туркман вилоятида масъул лавозимдаги ходимларнинг иш ҳақидан ўтказиш ҳисобига таъминланадиган махсус интернат ажратишга қарор қилинган эди<sup>128</sup>. Очарчилик йилларида Туркман вилоятидаги маҳаллий мактаб

<sup>125</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 16

<sup>126</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 16

<sup>127</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 16

<sup>128</sup> Пролетарий (Самарканд), 16 марта 1922 г.

ўқувчилари ҳам ўз тенгдошлари ҳаётидаги аянчли аҳволга бефарқ қараб тура олмаганлар. Хусусан, Қизил-Арвот тумани мактаби ўқувчилари ташаббуси билан ўз оилаларидан йиғилган 27 пуд 20 фунт ун ҳамда 15 пудга яқин кишмишни Волгабўйидан келтирилган оч болаларга ҳада қилганлар<sup>129</sup>.

Туркман вилоятида Волгабўйидан келтирилган очларга ёрдам тадбирлари қаторидан вилоят ОЁ комиссияси томонидан ўтказилган турли хайрия ҳамда сайиллар ҳам муҳим ўрин тутган. 1921 йил 14 сентябрида Туркман вилояти ОЁ комиссияси келтирилаётган болаларга ёрдам уюштириш учун катта миқдорда лоторея ўйинлари ўтказишга қарор қилган. Ушбу қарорга кўра, ҳар бири “5000 рублдан 30000 дона лоторея чиқариш ва сотувдан тушган пулнинг 10 млн. рублини ютуққа ва қолганини оч болалар озиқ-овқати, кийим-кечагига сарф қилиш”<sup>130</sup> кўзда тутилган эди. Шунингдек, очларга ёрдам тадбирлари қаторидан “От пойгаси” ҳам ўрин олган эди. Туркман вилоят ОЁ комиссиясининг 1921 йил сентябрдаги қарорига мувофиқ, очларга ёрдам тариқасида Полторацкда кириши пуллик “Туркман отлари пойгаси”ни ҳам уюштириш назарда тутилган эди. Ушбу тадбирдан 600 – 800 минг рубллик мукофот пулини жорий этиб, “От пойгаси”дан келган фойданинг қолган ҳамма қисми Волгабўйи, Уралолдидан келган оч болаларни боқиш, кийинтиришга сарф қилиниши кўзда тутилган эди. Тушган фойда пулидан ҳар пуди 15000 рублдан бўлган ғаллани болаларга Сарахсдан харид қилиш имкониятлари ҳам ўрганиб чиқилган эди<sup>131</sup>.

Очарчилик ҳудудларидан келган болаларга ёрдам уюштиришда Туркман вилоятидаги “Овчилар иттифоқи” ҳам катта рол ўйнаган. Хусусан, улар 1921 йил сентябридан ўз аъзоларини махсус овга чиқариб, овдан тушган ҳамма ўлжани вилоят интернатларида жойлаштирилган Волгабўйи, Уралолдидан келтирилган болаларга хай-

<sup>129</sup> Пролетарий (Самарканд), 16 марта 1922 г.

<sup>130</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 16

<sup>131</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 17

рия қилишган<sup>132</sup>. Қайд этилганидек, келаётган болалар нафақат мактаб, интернат, болалар боғчаларига жойлаштирилган. Уларни маҳаллий аҳоли боқиш учун ўз оилалари қарамоғига ҳам олишган. Айниқса, бундай ҳолат Полторацкда кўп учраган<sup>133</sup>.

Очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни қабул қилиб, уларга бошпана бериш ҳамда иссиқ кийим-бош, озиқ-овқат билан таъминлашда Самарқанд вилояти аҳли ҳам катта рол ўйнаган. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг кўрсатмасига мувофиқ, Самарқандда ва уездларда тегишли тарзда ОЁ комиссиялари ташкил топган. 1921 йил 8 октябрдаги 11- баённомаси қарорига кўра, ушбу комиссия ўз таркибида болалар, даволаш-овқатлантириш ҳамда эвакуация қилинмаган болаларни жойлаштириш бўлимларини ташкил қилган эди<sup>134</sup>. Вилоят ОЁ комиссиясининг қарорига мувофиқ, Самарқанд шаҳрининг ўзида 23 та интернат Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган оч болалар учун тайёрланган бўлиб, унда турли миллат вакиллари истиқомат қиларди. Бундан ташқари Каттақўрғон, Жиззах, Самарқанд уездларида ҳам оч болалар учун махсус интернатлар ташкил қилинган эди. Очарчилик ҳудудлари бўлмиш Оренбург, Самара, Қозон, Уфа ва бошқа ҳудудлардан 142, 163, 203, 300, 2003, 3001 – сонли санитария поездлари бири қўйиб-бири 1921 йил октябр охи иккинчи ярмидан ҳар гал ўрта ҳисобда 600 – 700 нафардан болаларни Самарқанд йўналиши бўйича келтириб турган.

Шуни эътироф этиш жоизки, Туркистонга болалар эвакуация сони бўйича ҳар хил статистик маълумотлар мавжуд. Масалан, П. Т. Казанчанц китобида Самарқандга Волгабўйидан келтирилган болалар сони 1921 йил охиригача 825 нафарни ташкил қилганлигини қайд этилган бўлса<sup>135</sup>, бошқа бир манбада келтирилган оч болалар сони

<sup>132</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 112, л. 16

<sup>133</sup> Пролетарий (Самарқанд), 5 января 1922 г.

<sup>134</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 733- иш, 29- варақ

<sup>135</sup> Казанчанц П. Т. Становление и развитие народного образования в советском Туркестане. Т., Ўқитувчи, 1982 – С. 29



11379 нафар бўлганлиги ёзилган<sup>136</sup>. Аммо бизнинг Москва, Татаристон, Бошқирдистон, Оренбург, Самара, Ульяновск, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон, Наманган архивлари ҳамда оммавий ахборот материалларидан олинган таҳлилимизга кўра, фақатгина Самарқанд вилоятининг ўзи уюшган ва уюшмаган ҳолда келтирилган болалардан 60 минг нафардан ортиғини ўз бағрига олган. Эвакуация қилинаётган болалар билан биргаликда Волгабўйидан Туркистонга мактаб ўқитувчиларининг ўзлари тарбиячи ҳамда раҳбар сифатида ҳам сафарбар қилинган эди. Ана шундай ўқитувчилардан Бошқирдистондан Абдурахмон Қодиров, Муллағали Қувватов, Усмон Абдуллаевлар ҳам болалар эвакуацияси билан Самарқандга келтирилган эди<sup>137</sup>.

Мавжуд архив манбалари таҳлили шуни кўрсатадики, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга болалар эвакуацияси маълум бир муаммоларни келтириб чиқарган. Хусусан, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтириляётган болаларни қабул қилишга ҳамма вилоят, уезд-шаҳарларда ҳам тўлақонли тайёргарлик кўришга улгурилмаган эди. Боз устига Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан очлар эвакуацияси, хусусан оч болалар эвакуацияси шунчалик кўпайиб кетдики, оқибатда жойларда уларни кутиб олиш, бошпана ажратиш, озиқ-овқат, кийим-кечак таъминотида муаммолар вужудга келди. Масалан, 1921 йил 28 сентябрида Перовск халқ таълими бўлими мудирини томонидан Етгисув вилоят халқ таълими бўлимига қилинган мурожаатда “ҳар куни очарчилик ҳудудларидан болалар келаяпти. [Уларни] жойлаштириш ва боқишга маблағ йўқ... Шаҳар ва уезддаги интернатлардаги аҳвол ачинарли ҳолатда: кроватлар йўқ, чойшаблар йўқ, оёқ кийимлари йўқ, кийим-кечак йўқ... 300 нафар болаларга 20 та идиш ва 15 қошиқ [бор]. Харид қилиш учун

<sup>136</sup> Жизнь национальностей, 14 марта 1922 г.

<sup>137</sup> НА РТ, ф р-4470, оп 1, д 6, л 274; ЦДНИ ОО, ф р-450, оп 1, д 574, л. л. 16, 20 – 21, 23, 27, 28, 29, 29 об, 31, 33, 39, 41, 49, 52, 54; ЦГИА РБ, ф р-99, оп-1, д, 1. л. л. 12 – 13; Пролетарий, (Самарқанд) 12 мая 1922 г.; Известия (ТатЦИК), 2 декабря 1921 г.



маблағ йўқ... Зудлик билан интернатлардаги аҳволни яхшилаш чораларини кўринг”- дейилади<sup>138</sup>.

Очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларга ёрдам кўрсатишда Бухоро республикасининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бухорода ҳам 1921 йил июл ойи бошларидаёқ Волгабўйи очларига ёрдам кўрсатиш комиссияси ташкил қилиниб, ушбу комиссия ўз олдига нафақат катта ёшдаги очларга, балки биринчи навбатда оч болаларга ҳам ёрдам қўлини чўзишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди<sup>139</sup>. Бухоро республикаси Нозирлар Кенгаши дастлаб очарчилик ҳудудларидан 1000 нафар болани ўз қармоғига олишга қарор қилганига қарамасдан<sup>140</sup>, амалда қабул қилинган болалар сони бир неча марта ошиб кетган. Бухоро республикаси раҳбарияти билан келишувга мувофиқ ва умуман маҳаллий аҳоли руҳиятидан келиб чиқиб, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан асосан мусулмон<sup>141</sup>, хусусан татар, бошқирд болаларини эвакуация қилинган. Эвакуация жараёнида 52, 57- санитария поездлари Россиянинг очарчилик ҳудудларидан ўрта ҳисобда 600 – 700 нафар болаларни жойлаб Бухорога келтирганлар<sup>142</sup>. Бухоро республикаси ўз қармоғига болаларни қабул қилиб, уларга бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат бериш билангина чекланиб қолмаган. Масалан, Бухоро республикаси Нозирлар Кенгаши 500 млн. рубл ажратиб, бу пулга

<sup>138</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 4- иш, 26- варақ ва орқаси

<sup>139</sup> Известия (Бухара) 21 июля 1921 г.

<sup>140</sup> Известия (ТатЦИК), 25 сентября 1921 г.

<sup>141</sup> Мавжуд архив материалларининг Ўрта Осиё республикалари ва Россия Федерацияси субъектларидаги қиёсий таҳлили шуни кўрсатадики, Марказ томонидан Туркистонга очлар, айниқса оч болалар эвакуациясида мумкин қадар кўпроқ бошқирд, татар, козок в. б. миллатига оид мусулмон болаларини юборишни мақсадга мувофиқ деб топилган. Бундан мақсад, Туркистоннинг аксарият аҳолиси мусулмон деб, келтириляётган оч болаларга хайрихоҳ бўлиши кутилган. Манбаларда келтирилишича, очарчилик эвакуациясининг дастлабки пайтларида мусулмон оч болаларнинг аксарияти Туркистон ва Бухорога юборилган ҳолда, рус ва русийзабонлар Сибир, Смоленск, Тула, Орёл, Украина каби ҳудудларга жўнатилаган. Қаранг: ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 547, лл. 18, 27 – 28, 29 – 29 об., 39, 52

<sup>142</sup> ЦДНИ ОО,Р – 450, оп. 1, д. 457, лл. 59- 63.

Бошқирдистон республикасининг оч болалари учун озик-овқат маҳсулотлари харид қилиб Уфага жўнатиши кўзда тутилган эди<sup>143</sup>.

Россиянинг очарчилик ҳудудларидан болалар эвакуация таҳлили шуни кўрсатадики, совет ҳокимияти очарчилик йилларида ҳар қандай йўл билан бўлсада очарчилик саросимасидан чиқиш ҳаракатида бўлганлар. Очарчилик йилларидаги воқеалар ривожини таҳлили ҳамда архив, оммавий ахборот воситалари, тегишли манба-маълумотлари шуни кўрсатадики, 1921 йил май-август ойларида очарчилик қамрови маълум даражада назорат остида бўлган, ammo сентябр ойи ўрталаридан очарчилик кенг миқёсда тарқалиб, бутун ҳокимият тизимини шошилтириб қўйган.

Масалан, бундай аянчли аҳвол Самара губерниясида ҳам яққол кўзга ташланарди. 1921 йил октябрига қадар Самара губерниясида 1 млн. 160 мингга 16 ёшгача бўлган болалар очарчилик гирдобига тортилган эди. Улардан атиги 6 мингтасигина “Болалар уйлари”да истиқомат қиларди. Шу пайтга қадар 100 минг нафар болалар турли ҳудудларга эвакуация қилинган бўлиб<sup>144</sup>, яна 1 млн. атрофида болалар ёрдамга муҳтож эди<sup>145</sup>. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, очарчилик ўз домига борган сари кўпроқ болаларни торта бошлаган. Ўз навбатида бундай ҳолат яъни оч болалар миқёсини кундан-кунга ортиб бориши, нафақат эвакуация қилинаётган Россиянинг марказий губернияларига, балки очларни қабул қилаётган ҳудуд раҳбариятига ҳам маълум даражада муаммолар туғдирар эди. Масалан, Туркистонга эвакуация қилинаётган болалар миқдори кўпайиб кетганлигидан, уларни жойлаштириш ҳамда озик-овқат, кийим-кечак, чойшаблар билан таъминлашларда тегишли тарзда муаммолар кўпая борди. Шунинг учун бўлса керак, кун тартибига Россия очарчилик ҳудудларидан оч болалар эвакуациясини тўхтатиш масаласи қўйила бошланди. Ҳатто бу

<sup>143</sup> Пролетарий (Самарканд), 8 февраля 1922 г.

<sup>144</sup> Эвакуация қилинган болалар миқдори ҳар хил манбаларда турлича келтирилади - муаллиф

<sup>145</sup> Известия (Турк ЦИК), 16 октября 1921 г.

борада Туркистон МИҚ ва ХКК 1921 йил 21 ноябридан, қаттиқ совуқ тушиши ва иссиқ кийим, оёқ кийимлар етарли эмаслиги, айрим жойларда деярли йўқлиги учун болаларни эвакуация қилишни вақтинча тўхтатишга қарор қилди<sup>146</sup>. Аммо бу қарорни амалда ҳаётга татбиқ этишининг иложи бўлмади. Билъакс, Қозон, Уфа, Оренбург, Самара, Симбирск ва бошқа архивлардаги тарихий манбалар таҳлили шундан далолат берадики, очарчилик губерниялари ва республикалари Туркистонга болалар эвакуациясида ўзига хос “мусобақа” уюштиришган. Очарчилик ҳудудларидан Туркистонга махсус ташриф буюрганлар ўз губерния ёки республикалари раҳбариятидан имкон даражасида тез ва кўпроқ болалар юборишга улгуришларини сўрашган. Бундай ҳолатга сабаблар кўп эди. Биринчидан, Туркистондаги Россия очарчилик ҳудудлари вакиллари имкон даражасида “ўз болалари”ни амалда муқаррар ўлимдан қутқаришлари керак эди. Иккинчидан, оч болаларнинг Туркистонда паноҳ топиши, тегишли очарчилик ҳудудларидаги фожеани, “ортиқча оғиз”ни камайтириши мумкин эди. Учинчидан, очарчилик ҳудудидаги болаларни боқиш муаммоси узоқлашиб, бошқа муаммолар ечими учун ҳаракат қилиш имконияти кенгаярди. Тўртинчидан, ҳар ҳолда Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонда болаларни қабул қилиш имконияти ҳам чекланган эди... Бу ҳолатни ҳам ҳисобга олиш керак эди.

Ушбу “эвакуация мусобақаси”да Бошқирдистон республикаси ҳам олдинги ўринлардан бирини эгалларди. Бунга биринчидан, Туркистон республикаси аҳолисининг Бошқирдистон республикаси аҳолиси билан тили, дини, урф-одатлари бир-бирига муштараклиги, иккинчидан, Туркистонда Бошқирдистон МИҚ ваколатхонаси фаолият олиб бораётганлиги муҳим аҳамият касб этган. Учинчидан, Бошқирдистон МИҚнинг Москвадаги марказий ваколатхонаси ҳам мумкин қадар кўпроқ бошқирд очларини, айниқса оч болаларни Туркистонга эвакуация қилишга эътибор қаратган. Бошқирдистон МИҚнинг Москвадаги

<sup>146</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 478, л. 8

марказий ваколатхонаси Бошқирдистондаги очларга озиқ-овқат ёрдамлари уюштириш, очлар эвакуацияси, уларни кийим-кечак билан таъминлаш каби ёрдам ишларини мувофиқлаштирар эди. Туркистонга Бошқирдистондан оч болаларни эвакуация қилиш бўйича вакил Галиева зиммасида озиқ-овқат, кийим-кечак таъминоти ва шунингдек, уларни жойлаштириш вазифалари бор эди. Айнан Галиева бошқирд болаларини Туркистонга кўпроқ жойлаштириш ишларига жонкуярлик қилиб, Туркистон ва Москвадаги ваколатхона раҳбарларидан “Туркистон ҳозир 5000 нафарга яқин болаларни қабул қила олиши мумкин, шунинг учун ҳам оч [бошқирд] болаларимизни эвакуациясини тезлаштиришимиз зарур” дерди<sup>147</sup>.

Аммо бундай ҳолат ўз навбатида Туркистон учун келган болаларга бошпана, ички ва ташқи кийим, оёқ кийим, чойшаб ва озиқ-овқат билан таъминлашда муаммолар ярата бошлаган. Масалан, Туркистонга келтирилган оч болаларни кийинтиришдаги муаммолар вужудга кела бошлаган. Ҳолат шу даражага борганки, келаётган болаларни ҳаммомда ювинтириб, ички кийимлар йўқлиги учун йўл халатларига ҳам кийинтирилган<sup>148</sup>.

Баъзан келтириляётган болаларнинг сони кутилганидан бир неча баравар кўп бўлиб кетар эди. Устига-устак уюшган ҳолда эвакуация қилинаётганлардан ташқари ўзлари уюшмаган ҳолда келган оч-қочоқ болалар ҳам Туркистон МИҚ ҳузуридаги ОЁ МК қарамоғига ўтарди. Оч-қочоқ болаларни кўчаларда, темир йўл станцияси ва вокзалларда махсус ходимлар рўйхатдан ўтказиб, “Болалар уйи” ва интернатларга жойларди. Натижада келган болаларни жойлаштириш учун бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак муаммолари туғиларди. Масалан, келтириляётган болаларнинг аҳволи аянчли эканлиги ҳақида Самарқанд вилоят халқ маорифи бўлими масъул ходимларининг 1921 йил 4 декабрида вилоят ижроия кўмитасига қилган куйидаги мазмундаги мурожаат хатидан ҳам билсак бўлади: “... Очарчилик худудларидан келтириляётган оч, кийимсиз

<sup>147</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 478, л. 8

<sup>148</sup> ААП Кирг, ф. 6, оп. 1, д. 74, л. 59

болалар (иссиқ кийими йўқлиги назарда тутилган-Р. А.), хеч нарса билан таъминланмаган... оч болаларнинг таъминоти учун вилоят халқ маорифи бўлими ихтиёрига пул, мануфактура, оёқ кийим, арқон, болта, ўтин, игна, лампа в. б. керак.”<sup>149</sup>

Оч болаларни жойлаштириш муаммоси борган сари боши берк кўчага кириб бораётгани туфайли Туркистондаги ҳарбий қисмлар ҳам ўз қарамоғига болаларни олишга мажбур бўладилар. Бундан ташқари айрим оилалар очарчилик ҳудудларидан келган болалардан битта-иккитасини фарзандлари қаторига қўшиб, уларга бошпана бериб, кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаганлар<sup>150</sup>.

Очарчилик йилларида Туркистон, Бухоро республикаларидан Бошқирдистон республикаси оч болаларига берилган ёрдамлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ўзаро муносабатлардаги бу аҳволни ўрганиш шуни кўрсатадики, бошқирд халқи бошига тушган кулфат ечимида туркистонликлар, бухороликлар жуда катта бағрикенглик намуналарини кўрсатганлар.

Бошқирдистон МИҚ ҳайъати очарчилик кулфатини енгишда туркий халқлар ёрдамига, хусусан Туркистон республикаси кўмағига муҳтож бўлган. Шу сабабдан Бошқирдистон МИҚ ҳайъати ўзининг 1921 йил 9 августда бўлиб ўтган навбатдан ташқари мажлисида “...ўзи учун муҳим аҳамиятга молик қардош... Туркистонда ўзининг доимий ваколатхонасини очиш зарур” деб ҳисоблайди<sup>151</sup>. Бошқирдистон МИҚ ўз ваколатхонасини амалда Марказ рухсатини олмасдан очишга қарор қилган эди. Чунки бу масалада Марказ рухсатини олишга вақт ҳам, шарт-шароит ҳам ва ҳатто зарурият ҳам йўқ эди. Шунинг учун ҳам Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси Х. Н. Амиров бошчилигида 1921 йил сентябр ойи бошларида ўз амалий фаолиятини Тошкентда бошлайди. Ваколатхона зиммасида Бошқирдистон очларига ёрдам

<sup>149</sup> ЎзР ПДА қошидаги СВА, 31- фонд. 1<sup>А</sup>-рўйхат, 233- иш, 66,68-варақлар ва оркаси, 97- варақ

<sup>150</sup> Красная Фергана, 25 ноябрь 1921 г.

<sup>151</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 107, оп. 1, д. 86, л. 21

кўрсатиш, очлар эвакуацияси, айниқса болаларни очлик ўлиmidан кутқариш борасида саъй-ҳаракатларни амалга оширишдек мураккаб ҳамда масъулиятли вазифалар бор эди.

Россиянинг очарчилик ҳудудлари қаторида Бошқирдистондаги болалар аҳволи ҳам жуда аянчли ҳолатда эди. Агар 1921 йил июл ойидаёқ Бошқирдистонда очарчиликка мубтало бўлганлар 750 минг нафарни ташкил қилганини ҳисобга олинса, бу ҳолат кундан-кунга оғирлашиб борган. Шунинг учун ҳам БМИҚ томонидан 1921 йил 8 сентябрида “Бошқирдистон очарчиликка учраган ҳудудлар қаторига расман киритилди”. Бошқирдистонга “Очарчиликка учраган” деб мақом берилиши республикани ҳар қандай озиқ-овқат солиғидан озод қилиш билан бирга ўз аҳолисини эвакуация қилишга, четдан озиқ-овқат ёрдами ни олишга имкон берарди.

1921 йил 20 ноябридаги маълумотларга қараганда, Бошқирдистоннинг 1 млн. 250 минг аҳолисидан 550 минг нафар катта ёшдагилар, 350 минг нафар болалар очлик азобини тортардилар. Айни шу даврда Стерлитомок шаҳрида 1500 нафар, республиканинг бошқа ҳамма кантонларида 14 минг 445 тагина болаларни уюшган ҳолда махсус “Болалар уйлари” да боқилаётган эди холос<sup>152</sup>. Умуман олганда, 1921 йил декабрига келганда, Бошқирдистон аҳолисининг ярмидан кўпрогини очлар ташкил қиларди<sup>153</sup>. Орадан бир ой ўтмай, яъни 1921 йил охирларида Бошқирдистон аҳолисини  $\frac{2}{3}$  қисмидан кўпини очарчилик ўз домига торттиб улгурди. Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, 1921 йил охирларига келиб Стерлитомок, Юрматинск, Табинск кантонлари аҳолиси ўртасида ўлим даражаси 30 – 35 фоизга, республиканинг қолган кантонларида эса 45 фоизгача етиб борди<sup>154</sup>.

Бошқирдистон аҳолисининг нисбатан ўзига тўқлари олабўта истеъмол қилган бўлса, қолган очарчиликка мубтало аҳоли олабўтага қорилган чори (тўпон), элма

<sup>152</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 472, л. 36

<sup>153</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 5, л. 26

<sup>154</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 472, л. 37

(қайрагочнинг бир тури-Р. А.) пўстлоғи, ёш оқ қайин дарахтининг тўпони, чўчкаёнғоқ (дуб дарахтининг меваси-Р. А.), четан ва бошқа илдизпояларни истеъмол қилишга мажбур эди. 1921 йил ноябригача ит, мушуклар еб бўлинган эди. Тоғли кантонларда деярли ҳамма ҳайвонлар еб битирилган эди<sup>155</sup>. Бунинг устига очарчилик йиллари озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ҳам кундан-кунга кўтарилиб борарди. 1921 йил ноябрида Бошқирдистонда бир пуд кунжарани 220 минг рублга, 1 пуд олабўта кўшилган тўпонни 60 минг рублга, 1 пуд олабўта (шўра)ни 3 минг рублга, 1 пуд чўчкаёнғоқнинг янчилганини 100 минг рублга харид қилиш мумкин эди<sup>156</sup>.

Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси, айниқса унинг раиси Х. Н. Амиров ўз фаолиятига киришар экан, очларга ёрдам беришни энг муҳим вазифа деб қаради. Х. Н. Амиров ўзбек тилини яхши билгани ҳамда маҳаллий шароитдаги урф -одатларни яхши ўргангани учун эгаллаган мансаби бўйича фаолият юритар экан, қаерга бормасин, ким билан суҳбат қурмасин, фикризикри очарчилик азобини тортаётган Бошқирдистон халқи азобларини енгиллаштириш иштиёқи билан ишлади. У жойларда маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда “очларга ёрдам ҳафталиги”, “очларга ёрдам икки ҳафталиги” тадбирларини ўтказди ва бу тадбирлардан тушган хайрия маблағлари, озиқ-овқатларни зудлик билан Бошқирдистонга юбориш чораларини кўрди. Айниқса унинг ўзбек, тожик, туркман, қирғиз миллатига мансуб аҳоли ўртасида Бошқирдистондаги очарчилик даҳшати, қамрови ва одамларнинг илдизларни, баргларни, ит-мушукларни ҳам ейишга мажбур бўлаётгани, ҳаттоки **одамхўрлик ҳодисалари** бўлаётгани, айниқса болаларни бир бурда нонга зор яшаётгани ҳамда ўлим жуда кўпайгани тўғрисидаги берган маълумотлари кишиларни бефарқ қолдирмади. Х. Н. Амиров ўз вазифаси юзасидан Туркистон МИҚ раиси, Бухоро ва Хоразм республикалари Нозирлар Кенгаши раислари билан ҳам бир неча бор

<sup>155</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 427, л. 37

<sup>156</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 427, л. 37



учрашиб, озиқ-овқат, эвакуация ва бошқа масалаларни имкон қадар ижобий ҳал қилиш билан шуғулланди. Масалан, у 1921 йил 8 октябрда Ф. Хўжаев раислигида бўлган Бухоро республикаси Нозирлар кенгаши мажлиси ҳайъатида қатнашиб, Бошқирдистондаги ижтимоий-сиёсий, айниқса, иқтисодий аҳвол тўғриси батафсил маъруза қилди. Бухоро республикаси ҳайъати аъзолари Х. Н. Амировнинг маърузасини муҳокама қилиб, Бошқирдистон республикасидан “1500 нафар одамни ўз қарамоғига олиш ва уларга иқтисодий ёрдам бериш”<sup>157</sup> тўғрисида қарор қабул қилди. Учрашувлар натижаси ўлароқ шунингдек, Бухоро республикаси Нозирлар Кенгаши қарорига кўра, Бошқирдистонда очарчик азоб-уқубатларини тортаётган болалар учун 27461 пуд 26 фунт микдорида озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам хайрия қилинган<sup>158</sup>.

Бошқирдистон МИҚ ва унинг Туркистондаги ваколатхонаси ўртасидаги алоқалардан маълум бўладики, оч болалар аҳволи мушкуллашиб борарди. 1921 йил октябр ойи бошида Бошқирдистон МИҚ раиси М. Л. Муртазин Туркистон МИҚ раҳбариятига ва Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси раҳбари Ҳ. Н. Амировга очарчилик кўлами кенгайиб, болалар ўлими кўпайиб бораётганлиги билан боғлиқ қуйидаги мурожаатни юборади:

“Бошқирдистонда ҳар куни очликдан ўн минглаб болалар ўляпти... қишда [темир] йўл алоқаси, озиқ-овқат йўқлиги сабабли аҳвол янада ҳалокатли бўлади. Болалар ёппасига ўлади. Бошқирдистондаги ички имкониятлар билан болалардан озгинасинигина боқиши мумкин. Мактаб ёшигача бўлган болалар Бошқирдистонда 300 минг нафарни ташкил қилади. Шундай қийин дамларда Бошқирдистон Сиз қардошлардан янги ҳосил йиғимига қадар мактаб ёшидаги бошқирд болаларнинг мумкин қадар кўпроғини [ўз қарамоғингизга] қабул қилишингизни сўрайди.... [болаларни] совуқ тушмасдан жўнатишимиз кераклиги учун зудлик билан хабар беринг”<sup>159</sup>.

<sup>157</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 5, л. 13

<sup>158</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 6, л. 189 – 189 об.

<sup>159</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 11, л. 14

Дастлабки пайтда Бошқирдистондан Туркистон, Бухоро республикаларига очарчилик азобини тортаётган болалардан 10 минг нафарини эвакуация қилиш кўзда тутилган эди<sup>160</sup>. Бошқирдистон МИҚ, республика ОЕ МК ва маориф халқ комиссарлиги ҳамкорликда очлик азобидан ота-онасидан ажралган ёки ота-онаси қарамоғида овқатланиш имкониятидан маҳрум ва қўйингчи, боқувчисини йўқотган болаларни тўплаб, вагонларга жойлаб Туркистонга, Бухорога жўнатиш жараёни 1921 йил сентябр ойи охирларидан бошланган. Шунинг учун Бошқирдистон МИҚ, ОЕ МК, Маориф халқ комиссарлиги 1921 йил 7 октябрида эвакуация қилинаётган оч болаларни Туркистон ва Бухорога жойлаштириш бўйича фавқулодда вакили Г. Ш. Чанишевни Бухорога жўнатади. Унга берилган мандатга мувофиқ қўйдаги вазифалар юклатилган эди:

1. Бошқирдистон Республикаси номидан Туркистон ва Бухоро республикалари марказий органлари билан очарчиликка дучор аҳолига ёрдам формалари тўғрисида музокаралар юритиш.

2. Туркистон ва Бухорога эвакуация қилинаётган болаларни жойлаштириш, озик-овқат ва керакли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда медицина-санитария ҳолати бўйича ёрдам бериш масалаларида ғамхўрлик қилиш.

3. Бошқирдистондан эвакуация қилинган болаларнинг умумий аҳволини доимо назоратда тутиш ва уларнинг тарбиясига раҳбарлик қилиш<sup>161</sup>.

Ушбу мандатга мувофиқ яна Г. Ш. Чанишев Туркистон ва Бухоро давлат банкларида хайрияга тушадиган маблағлар учун жорий ҳисоб рақамига эга бўлишга ҳамда Туркистон, Бухоро ҳукуматлари билан алоқа қилишда Бошқирдистон республикасининг ваколатли органи маҳсус вакили сифатида фаолият кўрсатишга ҳақли эди<sup>162</sup>.

Мавжуд архив манбалари талили шуни кўрсатадики, Россиядан болалар эвакуациясини мумкин қадар тезроқ ва кўпроқ амалга оширишда Бошқирдистон МИҚнинг

<sup>160</sup> Известия (ВЦИК), 28 октября 1921 г.

<sup>161</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 107, оп. 1, д. 127, л. 20

<sup>162</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп.1., д. 5, л. 13

Туркистондаги ваколатхонаси бошқа очарчилик худудларидан орқада қолмасликка ҳаракат қилган. Масалан, Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси раҳбари Х. Н. Амиров 1921 йил 27 декабрида махсус эвакуация масаласи билан шуғулланган Бошқирдистон МИҚ раҳбариятига қилган мурожаатида жойлардан мумкин қадар кўпроқ ва тезроқ болалар эвакуациясини амалга оширишни сўраган эди. Ҳар ҳолда Россиянинг очарчилик худудлари қанчалик тез ва кўпроқ болаларни Туркистонга эвакуация қилишга улгурса, шунчалик оч болаларни боқиш, кийинтириш муаммоси ўлка халқи зиммасига ўтарди.

Очарчилик кўламининг кенгайиб бориши натижасида 1921 йил декабрида Бошқирдистон МИҚ раиси М. Л. Муртазин Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбариятига бошқирд халқи номидан қуйидаги мазмунда қайта мурожаат қилди: “Волгабўйи, Ўрта ва Жанубий Урал худудларидаги қурғоқчилик натижасида катта кулфат-очарчилик вужудга келиши муносабати билан Бошқирдистон Мухтор республикаси аҳолисини ўлимга маҳкум этмоқда. Бу яна рус чоризмининг, айниқса бошқирдларга нисбатан мустамлакачилик сиёсати, яратилган оғир иқтисодий шароит билан ҳам боғлиқ... Умуман саноатни ишдан чиқиши кулфат кўламини янада чуқурлаштиради... Очарчиликнинг доимий ҳамроҳи юқумли касалликлар, айниқса вабо бўлиб, Бошқирдистон аҳолисини ўз домига тортмоқда... бу ҳолат Бошқирдистонда даволаш муассасалари ҳамда медицина ходимларининг етишмаслиги билан янада аҳволни мушкуллаштирмоқда. Натижада ҳар куни юзлаб, минглаб фуқаролар очлик ҳамда касаллик туфайли қабристонга равона бўляптилар... айниқса бу борада ҳимояга муҳтож болалар бисёр... Очарчилик кўлами шунчалик кенгайиб кетдики, натижада давлат очарчиликка мубтало губерниялар аҳолисинигина эмас, ҳатто болаларни ҳам озиқ-овқат ёрдам билан таъминлай олмайди. Агар ҳозир аҳвол шундай бўладиган бўлса, Бошқирдистон ва Россиянинг бошқа губернияларидаги аҳволдан келиб чиқиб, яқин келажакда ҳам иқтисодий аҳвол тубдан ўзгаради дея оламиз...

Чунки ёрдам заҳираси ва истиқболга нисбатан очарчилик худудлари микёси кенгроқ... Ушбу шароитдан келиб чикиб, биз Сизлардан қардошларча ёрдам беришингизни сўраймиз... чунки Туркистонни бизга нисбатан иқтисодий шароити... озиқ-овқат заҳираси яхшироқ ҳолатда... Ушбу мурожаатномамиз СИЗларнинг қалбингизга етиб борса... бизнинг илтимосимизни кечиктирмай бажаришга киришасиз, деб ўйлаймиз. Бу борада амалга ошириладиган тадбирлар қаторидан маҳсулот алмаштиришни кучайтириш ва микёсини кенгайтириш ҳамда олди-сотди операцияларига доимийлик, режали хусусият бериш зарур... Юқорида қайд этилган тадбирларни зудлик билан амалга оширишга киришиш минглаб... бошқирдлар ва уларнинг оиласини [ўлимдан] қутқаради... Биз Туркистондан бериладиган ёрдам имкониятлари ва турларини олдиндан белгилаб ўтирмаймиз... Ўйлаймизки, ўлим арафасида турган Бошқирдистон ишчи ва деҳқонларини қўллаб-қувватлайсиз... ҳимояга муҳтож Бошқирдистон [халқи] Туркистондан тез ва қўлдан келганча ёрдам кутади”<sup>163</sup>.

Мурожаатдан кўриниб турибдики, Бошқирдистон раҳбарияти Туркистондан катта ёрдам кутган ва бунга маълум даражада эришган. Айниқса бу ҳолат, юқорида қайд этилганидек, Бошқирдистоннинг Туркистонда ваколатхонаси ўз фаолиятини бошлагандан кейин янада мустаҳкамланди. Масалан, 1921 йил 8 декабрда Бошқирдистон МИҚ раҳбарияти томонидан Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Х. Н. Амировга қилган мурожаатида “...эвакуация қилинган болалар аҳволини ҳамда қилинаётган хайрияларнинг даражаси”ни аниқлаш билан бирга Бошқирдистон очлари учун олинаётган ҳамма хайрияларнинг “80 фоизини Туркистондан олиш кераклигини”<sup>164</sup> қайд этади.

Эвакуация қилинган болаларнинг Туркистондаги яшаш шароити, озиқ-овқати, кийим-кечак, дори-дармон билан таъминланганлиги билан нафақат Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК, балки Татаристон МИҚ,

<sup>163</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 472, л. 37

<sup>164</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 11, л. 30

Бошқирдистон МИҚ ҳамда тегишли очарчилик худудлари ОЁ комиссиялари махсус вакилларининг ҳам назоратида бўлган. Айниқса, бу масалада Татаристон МИҚ ОЁ МК ва Бошқирдистон МИҚ ОЁ МКлари катъият кўрсатганлар. Хусусан, уларни татар ва бошқирдларнинг Туркистондаги яшаш шароити ва имкониятлари ҳам қизиқтирган. Масалан, 1922 йил феврал ва май ойларида Бошқирдистон МИҚ раҳбарияти Г. Булатов ва Г. Муртазинларни тегишли мандатлар билан Полторацк, Тошкент, Марв шаҳарларида жойлашган ҳамюрт, миллатдош болаларнинг яшаш шароитларини ўрганиш учун назорат миссияси сифатида юборган эди. Назорат миссияси бошқирд миллатига мансуб бўлган оч болаларнинг яшаш шароитини ўрганиб, бу тўғрида қайтганларидан сўнг Бошқирдистон МИҚ ҳайъатида ҳисобот берганлар<sup>165</sup>.

Бундай назорат миссиялари болалар аҳволини ҳар томонлама назорат қилишга имкон берар эди. Бошқирдистон МИҚ ҳузуридаги ОЁ МКнинг болалар аҳволини ўрганиш ва яхшилаш бўйича ана шундай назорат миссияларидан бири 1922 йил июнида Туркман вилоятига юборилди. Бошқирдистон МИҚ қошидаги ОЁ МК вакили эвакуация қилинган болаларнинг яшаш, озиқ-овқат билан таъминланиш аҳволини ўрганиши давомида Иолатандаги интернатда яшаётган болалар шароитидан қониқмаган. Шундан кейин Бошқирдистон МИҚ вакили Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раиси М. Бреттга болаларнинг оғир аҳволи тўғрисида маълумот берган. М. Бретт эвакуация натижасида Иолатандаги интернатга жойлаштирилган бошқирд болалар аҳволи оғирлиги тўғрисидаги маълумотни олгандан кейин Туркман вилоятидаги Смирнова бошчилигида ОЁ вилоят болалар комиссияси раҳбари фаолиятини текширишни ва унинг натижаси юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўришни мақсадга мувофиқ деб топган. Хусусан, текшириш давомида болаларни интернатда яшаш шароити, озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминоти кўрилиши мумкин эди. Туркман вилояти

<sup>165</sup> ЦГИА РБ, ф. 99, оп. 1, д. 1, л. л. 34, 79.

рахбариятига М. Бретт томонидан берилган телеграммада, Иолатан интернатдаги оғир аҳволга чек қўйиш тадбирлари ишлаб чиқилмаса, “20 июндан [1922] Турк[истон] МИҚ тафтишини тайинлашга тўғри келади. Тафтиш давомида болаларни жойлашуви билан боғлиқ ҳамма ишлар текширилади”<sup>166</sup>, деб кўрсатма беради.

Албатта, очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинган болаларнинг яшаш ҳамда уларни озиқ-овқат билан таъминланиш шарт-шароитлари Туркистон МИҚ ва ХККнинг доимий назоратида бўлган. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК болаларни очарчилик ҳудудларидан қабул қилиш, жойлаштириш ҳамда уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш каби ҳамма масалалар билан шуғулланган. Бу вазифани мумкин қадар сифатли бажарилишида Туркистон халқ маорифи комиссарлиги ва унинг жойлардаги бўлимлари ҳам жонбозлик кўрсатганлар. Келтирилган болаларни жойлардаги яшаш ва озиқ-овқат билан таъминланиш шарт-шароитини ўрганган Тошкент Янги шаҳар халқ маориф бўлими мудир Фатхуллин 1922 йил 17 сентябрида Туркистон МИҚ ва ХКК ҳамда республика озиқ-овқат халқ комиссарлигига мурожаат қилиб, эвакуация натижасида келтириляётган “болаларга қурук нондан бошқа ҳеч қандай озиқ-овқат маҳсулотлари берилмаётгани... болалар учун ёғли озиқ-овқатлар берилмаслиги уларни тўла кучдан қолиши”га олиб келиши мумкинлигини кайд этган эди. Ушбу мурожаатда болаларга бўлган муносабат яна шундай давом этиши мумкин эмаслиги ҳамда “зудлик билан озиқ-овқатлар етказиш чора-тадбирларини кўриш кераклиги, акс ҳолда оч болаларни тарқатишга тўғри келади”<sup>167</sup>, деб ҳам уқтирилган эди.

Туркистон республикасида Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилган болаларга ёрдам кенг қамровли йўналишда давом этган. Хусусан, Туркистон очарчиликка дучор бўлган болаларни нафақат бошпана, боқиш, кийим-кечак, чойшаб билан таъминлаш, балки уларнинг саломатлиги ва ҳатто тарбияси-таълими борасида ҳам ғамхўрлик

<sup>166</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 29, л. 18

<sup>167</sup> ЎзР МДА, 17- фонд, 1- рўйхат, 346- иш, 283- варак



кўрсатган. Бу борада Туркистонда Бошқирдистондан келган ёшларга яратилган имкониятни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, Бошқирдистон ёшларини Туркистон давлат университетининг ҳар хил мутахассисликларига қабул қилиш 1921 йилдан кейинги йилларда ҳам давом этган. Ҳатто ушбу масала юзасидан Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлигининг махсус номзодлари Туркистон давлат университетида ўқишга тавсия этилган. Масалан, Туркистондаги Бошқирдистон МИҚ ваколатхонаси 1922 йил 27 февралда Туркистон давлат университети ректорига “Зигра Маҳмудовани Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлиги номзоди тариқасида СИЗ бошқараётган университетнинг қишлоқ хўжалик факультетига қабул қилишингизни сўраймиз”<sup>168</sup>, - деб мурожаат қилади. Худди шу мазмундаги мурожаатни 1922 йил 27 февралда ваколатхона В. Шкляева номига ҳам беради<sup>169</sup>.

Эътироф этиш керакки, навқирон ёшларни, шундай очарчилик йиллари ҳам билим даргоҳига жалб қилишда Бошқирдистон МИҚ ваколатхонаси раҳбари Х. Н. Амировнинг хизмати катта эди. Айнан унинг Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбарияти билан олиб борган музокаралари натижасида очликдан паноҳ излаб келаётган ёшлардан айримларини олий даргоҳларда билим олишига ҳам имконият тугилган. Шундай ўзаро келишувлар натижасида Туркистон давлат университетида Бошқирдистондан келадиган йигит-қизлар учун алоҳида жойлар банд қилиб қўйилган. Шу муносабат билан Х. Н. Амиров Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлигига 1922 йил 10 августда йўллаган телеграммасида, Бошқирдистон республикаси йигит-қизлари учун Туркистон давлат университетининг техника факультетига 5 та ўрин, қишлоқ хўжалиги факультетига 4 та, медицина факультетига 5 та, ижтимоий фанлар факультетига 12 та, физика-математика факультетига 16 та ўрин, ҳаммаси бўлиб 42 та жой ажратилганлиги, қабул эса август ойида тугадини билдирилган. Бошқирдистондан зудлик билан йигит-қизларни юбориш зарурлиги таъ-

<sup>168</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 346- иш, л. л. 85 – 86.

<sup>169</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 11, л. 87.



кидланиб, Туркистон раҳбариятидан қабулни “15 сентябрга қадар [1922 йил] чўзиш сўралган”<sup>170</sup>. Бошқирдистон йигит-қизлари нафақат Туркистон давлат универси-тетида, балки Тошкент ва Самарқанддаги техникумларда ҳам ўқиганлар<sup>171</sup>.

Туркистон давлат университетида Оренбург, Екатеринбургдан келган очлар ҳам ўқиган. 1921 йил 25 ноябрда Бошқирдистон халқ маорифи комиссарлиги томонидан 21 та талаба Бошқирдистон МИҚ ваколатхонасига ўқишга кириш учун учраган бўлса, 1922 йилда эса Бошқирдистон ОЁ МК фақатгина Туркистон давлат университетига ўқиш учун 44 кишини йўллаган. Улардан 22 таси бошқирд, 21 таси татар ва биттаси рус бўлган<sup>172</sup>. 1923 йилда ўқиётган татар ва бошқирдларнинг умумий сони 98 кишини ташкил қилган<sup>173</sup>. Ана шундай очарчилик гирдобидан қутулиб, Туркистон давлат университетида Бошқирдистон республикаси стипендиати тариқасида ўқиганлар қаторида И. Давлетшин, А. Кальметьев, Абдуталипов, Кашапов, Қурбонғалиев, А. Бакирова, Попов, Ярославцев, Кабатов, Облязин, Утемисов, Толимбаев, А. Юсупов, Х. Татуков, Ш. Тўқаев, Х. Ремеев, А. Рафиқов, И. Давлетшин, З. Султанова, Р. Сайдашева, Х. Якубов ва бошқалар бор эди<sup>174</sup>.

Шундай қилиб, Россиянинг очарчилик болаларига Туркистонда кўрсатилган ёрдам кўлами турли йўналишларда бўлгани тўғрисида, илмий муомалага киритилган мавжуд хужжатлар асосида, маълум бир тасаввурга эга бўлдик. Туркистонда болаларни қабул қилиш, уларга бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат бериш, тиббий ёрдам кўрсатиш жуда қийинчилик билан амалга оширилган. Чунки кўриляётган ёрдам тадбирлари амалда шундоқ ҳам ночор

<sup>170</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 7 л. 83.

<sup>171</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 6, л. л. 203, 234, 256.

<sup>172</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 5, л. л. 11, 16 – 18.

<sup>173</sup> Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. Т.: Маънавият, 2002. 36- б.

<sup>174</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 6, л. л. 153, 208, 220, 228, 257, 263, 270; д. 1, л. л. 125, 131.

кун кўраётган Туркистон маҳаллий аҳолиси – болалар “ризқини қирқиш” ёки анчагина миқдорда қисқартириш орқали амалга оширилган. Бундай оғир ва айни пайтда “ҳаёт синовлари”га Туркистон аҳолиси том маънода мардонавор тура олган ҳамда турли миллат болаларини ўз бағрига олиб, имкон қадар меҳр-мурувват кўрсатган.

## 2. 2. Болалар реэвакуцияси: муаммо ва ечимлар

Шундай қилиб, 1921 йил охирларига келганда Волгабўйи ва Уралолди ҳудудларидан Туркистонга келтирилаётган оч болалар сони жуда кўпайиб кетди. Марказ томонидан белгиланган Туркистоннинг “қабул режаси”дан бир неча баробар ортиб кетишига олиб келди. Натижада келтирилаётган оч болаларнинг ҳаммасини жойлаштириш имконияти жуда қийинлашди. Бу эса келаётган оч болаларни боқиш билан боғлиқ муаммони янада кучайтирди. Интернатлар тўлиб кетганидан ҳатто айрим катта ҳовлиларни ҳам таъмирлаб, болаларни жойлаштиришга мослаштирилди.

Туркистонга эвакуация қилинаётганлар оқими кундан-кунга кўпайиб, айни пайтда уларга бошпана ажратиш, озиқ-овқат таъминоти ҳам мураккаб муаммолардан бирига айланиб борди. Очлар оқими шунчалик кўпайиб кетдики, жойларда ОЁ комиссияси нафақат уларни жойлаштириш, балки қабул қилишга ҳам улгура олмай қолди. Жойларда нафақат ташкилот, мактаб бинолари, балки яроқли аҳоли уйлари ҳам келтирилаётган очлар билан тўлиб кетган эди. Бундай ҳолат келаётган очлар оқимини Туркистонда қабул қилиш имкониятини борган сари қисқартириб борарди. Шу муносабат билан Черняев уезд ижроия қўмитаси раиси Байдуратов 1921 йил 19 декабрида очларни қабул қилиш, жойлаштириш билан боғлиқ муаммолар бўйича ўз ташвишини қуйидаги тарзда билдирган: “Черняев уезди [очлар] ва [оч] болаларни керагидан ортиқ қабул қилди, ҳамма ташкилотларга [очлар] тиқилди... иш тўхтаб қолди. Касалхона ва “Болалар уйи”га, яроқли хусусий уйлар

[тортиб олиниб] очларга тўлдирилди. Очларни яна қабул қилиш имконияти йўқ ва келаётганларни яна Тошкентга қайтарилади, чунки шаҳардаги ҳамма уйларда терлама касалига йўлиққанлар бор, юқумли касаллик шаҳар бўйлаб таркаган ва овул ҳамда қишлоқларга [тарқаш] ҳам хавфи бор. Агар очлар оқими келиши тўхтатилса, юқумли касалликлар тарқашини тўхтатиш мумкин”<sup>175</sup>. Юқорида келтирилган тарихий далиллардан маълум бўладики, келаётган очларни жойлаштириш катта муаммо туғдира бошлаган. Эндиликда жойлардан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКга болаларни уезд, вилоятларга юборишни тўхтатиш истагини билдириб мурожаат қилишлар анчагина кўпайиб кетди. Масалан, Наманган уезд ижроия қўмитаси 1921 йил 22 декабрида Фарғона вилоят ОЁ комиссиясига қилган мурожаатида “... болаларни юборишни тўхтатишингизни сўраймиз, чунки шаҳарда уларни жойлаштиришга бино қолмади.... бунинг устига болаларга бергани ички кийим, чойшаб, кроват, матрас ва шунингдек озиқ-овқатлар йўқ... [Вилоят] халқ маорифи бўлиmidан интернатлардаги ота-онаси бор [маҳаллий] болаларни чиқариш тўғрисида таклиф киритишингизни сўраймиз”<sup>176</sup> дейилади. Аммо бундай болалар эвакуациясини тўхтатишга оид мурожаатлар, илтимос ҳамда талабларга қарамасдан Россиядан келаётганлар оқимини тўхтатиш жуда қийин эди. Ҳар қандай мурожаат, эвакуацияни тўхтатишга қаратилган сўровларга Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва ўз навбатида Марказ ҳеч қандай амалий ёрдам бера олмасди. Чунки келаётган оч болалар оқимини яна ўша очарчилик ҳукм сураётган ҳудудларга қайтаришнинг амалда иложи йўқ эди...

Боз устига Туркистонда паноҳ топган ҳамма болалар аҳволи ҳам яхши дейиш қийин эди. Юқорида қайд этилганидек, айрим ҳудудларда Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилган болалар учун дастлабки пайтларда бошпана, кийим-кечак, озиқ-овқат муаммоси бўлмаган ҳолда, орадан бир оз ўтиб болалар таъминотида

<sup>175</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 21- иш, 59- варақ.

<sup>176</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 733- иш, 5- варақ.

узилишлар кўзга ташлана бошлади. Аммо бунга сабаблар ҳам йўқ эмасди... Чунки таъкидланганидек, очарчилик ҳудудларидан эвакуация қилинаётганлар сони кўзда тутилганидан бир неча барабар ортиб кетди. Амалда бу Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги бўлимлари фаолиятини издан чиқариб, ташкилий масалаларда, таъминотда бошбошдоқлик ҳолатларига олиб келди. Айниқса бундай ҳолат, яъни очарчилик даҳшати ва унинг ачинарли оқибатлари кўпроқ болалар ҳаётида намоён бўлганлигини кўриш мумкин. Чунки ёшига кўра болалар очлик азоб-уқубатларига, касалликка кўпроқ мубтало бўлган. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва Туркистон халқ маорифи комиссарлиги ҳамда уларнинг жойлардаги тегишли бўлимлари томонидан қилинган саъй-ҳаракатлар туфайли минглаб оч болалар муқаррар ўлимдан сақланиб қолгани аниқ. Жойлардаги аҳвол шунчалик оғирлашиб, мураккаблашиб, издан чиқиб кетдики, охир-оқибатда бу муаммоларга айбдорни топишда ҳукумат ожизлик қилди. Бунга ўша давр ижтимоий-сиёсий, иқтисодий шарт-шароитини, бошқарувдаги бошбошдоқликни, большевиклар бошқарувидаги тизимни ишдан чиққанини сабаб тариқасида келтириш мумкин. Мавжуд муаммо пайдо бўлишига ўз “ҳиссаси”ни қўшган большевиклар эндиликда унинг ечими устида бош қотирар эдилар... Шунини айтиш керакки, большевиклар бошқарув тизими тўлақонли иш бермагани ҳолда, амалда жойлардаги очлар фожеасини енгиллатишга бел боғлаб, кунни тунга, тунни кунга улаб ишлаганлар ҳам кам бўлмаган. Шунинг учун ҳам у ёки бу ҳолатларни кўриб, тугалланган бир хулосага келиш қийин... Чунки қилинадиган хулосалар юзасидан яна бир неча мазмундаги хулосалар чиқариш мумкин бўлади...

Жойлардаги келтирилган оч болаларнинг ачинарли аҳволитўғрисида, Черняев уезд “Болалар комиссияси”нинг раиси В. Поповнинг Туркистон халқ маорифи комиссарлиги ҳузуридаги “Марказий болалар кичик комиссияси”га 1922 йил 16 январидида ёзган ҳисоботида, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилганлардан касал, оч болаларни даволашга олинмаётгани ва ҳатто “ўлган болалар

мурдасини ҳафталаб олиб кетилмаётгани” қайд этилган. Масалан, 1922 йил 11 январда Богославский номли “Болалар уйи”да яшаётган бир қиз вафот этгани ва бу тўғрисида уезд соғлиқни сақлаш бўлимига мурдани олиб кетиш зарурлиги тўғрисида мурожаат қилинганига қарамасдан, ҳамон мурда ўз жойида эканлиги таъкидланган. Бунга сабаб қилиб Богославский номли “Болалар уйи”да ишчи-ходимлар йўқлигини келтирилса, уезд ОЕ комиссияси ва уезд соғлиқни сақлаш бўлимидагилар томонидан мурдани олиб кетишни инкор этаётганликлари уқтирилади<sup>177</sup>.

1922 йил бошларига келиб Черняев уездининг “Болалар комиссияси”да оч болаларга ёрдам кўрсатиш мутлақо издан чиқиб кетган эди. Қилинаётган саъй-ҳаракатлар ўз натижасини бермай қўйган. Шунинг учун ҳам В. Попов бундай шароитда фаолият юрита олмаслиги тўғрисида фикр юритиб, “мен бундай аҳволда яшай олмайман... [чунки] менинг ишим ҳеч қандай натижа бермаяпти” дейиш билан бирга, агар Туркистон ОЕ МКга керак бўлсам, “мени қаерда ва қандай ҳолатда фойдаланиши мумкин бўлса – фойдалансин, аммо Черняев [уезди]да ишлашдан кутқарсин”, – дейди<sup>178</sup>.

Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётган оч болалар муаммоси борган сари мушкуллашиб боришида келтириლაётган болаларни икки гуруҳга ажратиб, яъни мусулмонлар (татар, бошқирд в. б.) ва европаликларни (рус, немис в. б) алоҳида-алоҳида интернатларга жойлаштириш ҳам сабаб бўлган<sup>179</sup>. Бундай тартиб Татаристон ва Бошқирдистон МИҚлари ҳузуридаги тегишли ОЕ МКлари талабига биноан амалга оширилган эди. Аммо оч болаларни алоҳида жойлаштиришга ҳамма вақт ҳам имкон бўлавермас ва шу сабабдан баъзан улар вақтинча бирга-

<sup>177</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 71- иш, 8- varaқ ва орқаси.

<sup>178</sup> ЎзР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 71- иш, 8- varaқ ва орқаси.

<sup>179</sup> Очарчилик йиллари Марказ Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтириლაётган мусулмон аҳолиси, айниқса болаларини, Туркистоннинг маҳаллий аҳолиси орасига, русийзабонларни ўлкадаги руслар яшайдиган посёлкаларга жойлаш мақсадга мувофиқ деб топган. Бу ерда тил ва руҳият ҳисобга олинган.

ликда ҳам яшар эдилар. Масалан, Наманган уезд ижроия кўмитаси қошидаги ОЕ комиссияси 1921 йил 19 – 20 декабрида уезд инқилоб кўмитаси аъзолари Шомансурова ва Қосимхоновларга келтирилган болалар жойлашуви ва шарт-шароитни кўрсатганлар. Улар болаларнинг яшаш шароити, тарбиячиларнинг тутган ўрни билан кенг танишгандан кейин уезд инқилоб кўмитасида махсус ҳисобот берганлар. Атрофлича муҳокамалардан сўнг, болаларни алоҳида интернатларга, айримларини эса, яъни европалик-русийзабон болаларни Янги шаҳардаги Чардинцев ховлисига, мусулмон болаларни эса Ҳамидуллаев хонадонига жойлаштиришга қарор қилганлар<sup>180</sup>.

Агар болалар эвакуацияси 1921 йил август ойи бошларидан уюшган ҳолда оз-оздан ва асосан 9 – 15 ёшлилардан бошланган бўлса, 1921 йил охири ва 1922 йилдан эса эвакуация қилинаётган болалар сони кўпайибгина қолмасдан, балки уларнинг ёши ҳам жуда ёшариб кетган эди. Масалан, фақатгина 1922 йил март ойининг бошларида Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келган 3 ёшдан 8 ёшгача бўлган 3000 нафар болаларни Тошкентдаги “Болалар уйи”га жойлаштириш кўзда тутилган<sup>181</sup> бўлишига қарамай, амалда тўла бўлмаган маълумотларга кўра, Туркистон ўз бағрига тахминан 100 – 120 мингдан ортиқ болаларни қабул қилган. Яна шуни таъкидлаш керакки, 1920 йиллар бошларидаги алғов-далгов воқеалар Россиядан эвакуация қилинган болалар сонини тўла ва аниқ келтириш имконини бермайди.

Туркистон ўз бағрига ўн минглаб болаларни боқиш, кийинтириш учун қабул қилган, аммо айти пайтда ўлкада истиқомат қилаётган аҳоли, айниқса болаларнинг аҳволи ҳам яхши эмас эди. Туркистондаги болалар ва айниқса Фарғона вилояти аҳолиси эндигина очарчиликдан қутулишга улгуриб-улгурмаган эди. Боз устига фарзандларини тўйдириб боқа олмаётган аҳоли эндиликда эвакуация тариқасида Россиядан келаётган болаларни ҳам ўз бағрига олишига тўғри келди.

<sup>180</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 733- иш, 5- варақ.

<sup>181</sup> Известия (ТуркЦИК), 17 августа 1921 г; Жизнь национальностей, 14 марта 1922 г.



Туркистон интернатларидаги маҳаллий болалар кийим-кечак билан 13,5 фоизга, оёқ кийим билан 15 фоизга, озиқ-овқат билан ҳам жуда оз миқдорда таъминлангани ҳолда<sup>182</sup>, яна Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётган болаларни ҳам ўз қарамоғига олган эди. Демак, тарих тақозоси шуни кўрсатдики, ўзи юпун, оч ва кунини аранг ўтказаётган Туркистон халқи Россиядан келтирилган катта-кичик очларни боқишга, кийинтиришга ва касалларни оёққа турғизишига тўғри келди. Туркистон халқи ўз ризқини келганлар билан баҳам кўрди. Бу ҳам етмагандек, Россиянинг марказий губернияларидаги очларни боқиш учун ҳам озиқ-овқат маҳсулотлари юбориб турилди. Ана шу мақсадда Туркистон аҳолиси ўртасида турли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борилди. Агар тарғибот ишлари ўз таъсир доирасига кутилган даражада эга бўлмаган тақдирда, турли хилдаги солиқ ва тақсимотларни жорий этилдики, охир оқибатда бу ҳолат ҳаммаси очларга ёрдам шиори остида амалга оширилди. Лекин айнан шу 1921 йил охири ва 1922 йил бошларидан Туркистон аҳолиси, аниқроғи асосан Фарғона вилоятидаги аҳоли очарчилик азобига яна гирифтор бўлган эди. Аммо бундай ҳолатдан Марказ Волгабўйи очларини боқиш билан боғлиқ бўлгандек безовталиққа, зудлик билан Фарғона аҳлига ёрдам кўламини кенгайтириш ҳаракатига тушмади. Ҳатто Волгабўйи очларини Фарғонадан бошқа вилоятларга кўчириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилгани йўқ. Нима учун шундай бўлди деган савол туғилади? Нега Марказ томонидан Фарғонадаги очарчиликка бефарқлик билан қаралди? Тўғри, Фарғонадаги очарчилик даҳшати Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидагидек кенг миқёсда эмас эди. Аммо шунга қарамасдан Туркистон МИҚ Фарғонадаги очарчилик кўлаמידан келиб чиқиб, Марказга бир неча бор ёрдам бериш зарурлиги, аҳолининг деярли 500 мингтаси очлик азобини тортаётганлиги тўғрисидаги шошилинч хабарлари Москва раҳбариятини унча шоши-

<sup>182</sup> Иноятлов Н. Ш. Коммунистическая партия в борьбе за развития народного образования в Узбекистане (1921 – 1925 гг.) Дисс. канд. ист. наук. Т., 1965. – С. 54.



риб қўймади. Чунки Волгабўйидаги миллионлаб очларни олдида *Фарғонанинг “атиғи” 500 минг оч аҳли* (биз томондан ажратилган – Р. А.) Марказни қатта ташвишга қўймаган кўринади. Туркистон МИҚ Фарғона вилоятидаги озиқ-овқат танқислиги билан боғлиқ аҳволни 1922 йил 31 январидагина кўриб чиқди. Муҳокамалардан сўнг вилоятда йиғилаётган хайриялар тўла-тўқис Россия ва Фарғона очлариға берилсин деб қарор қабул қилинди. Натижада Фарғона вилоятида хайрия тариқасида йиғилган пул, озиқ-овқат, кийим-кечак ҳамма-ҳаммаси вилоятда очарчилик азобини тортаётган аҳоли ва эвакуация тариқасида Россиядан келганлар учун сарфланадиган бўлди (Россиядан озиқ-овқат ёрдамига умид йўқ эди. – Р. А.)<sup>183</sup>. Қарорга кўра Фарғонадан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК фондига, Марказга озиқ-овқат юборилмаслиги керак эди. Лекин бундай ҳолат узок давом этмади. 1922 йил 11 феввалида Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раиси М. Бретт Фарғона вилояти ОЁ комиссиясига телеграмма юбориб, “хайрия пулларини [ОЁ МК ҳисобига] топшириш масъуллиги шахсан вилоят [ОЁ комиссияси] раисига юклатилади. Маҳаллий зарурият учун фақатгина 50 фоиз ажратилади” дея кўрсатма беради<sup>184</sup>.

Кўриниб турибдики, Туркистон МИҚ ва унинг қошидаги ОЁ МК ўзлари қабул қилган қарорларини ўзлари бузишига тўғри келган. Эҳтимолдан ҳоли эмаски, ўша қарор мазмуни айрим Тошкентдаги Россия эмиссарлари орқали Марказга етказилиб, Москвадаги раҳбариятда норозилик туғдиришга улгурган. Москвадан Туркистон МИҚ раҳбарияти номига келган телеграммалар ва бошқа архив манбалари таҳлили шундай хулоса чиқаришга асос бўла олади. Чунки Марказ мунтазам равишда Туркистонда Россиянинг очарчилик худудлари аҳолиси учун ўтказилаётган ёрдам ҳафталиклари, спектакл, концерт ва лоторея ўйинлари, сайиллар каби хайрия тадбирлари тўғрисида ҳисобот олиб турарди. Боз устига туман, уезд, шаҳар, вилоят, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКда фа-

<sup>183</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 449- иш, 44- варак

<sup>184</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 733- иш, 60- варак

олият кўрсатаётганларнинг аксарияти русийзабон кишиларни ташкил қилган эди<sup>185</sup>. Улар эса, аксарият ҳолларда, Марказ манфаатига ишлашлари аниқ эди. Шунинг учун бўлса керак, 1922 йил 3 мартда Москвадан, аниқроғи БМИҚ раиси М. И. Калининдан норозилик оҳангидаги телеграмма келган. Ушбу телеграммада Туркистон МИҚ раҳбариятига “... маълумотларга қараганда, хайрия тариқасида йиғилган пуллар, озиқ-овқат ва бошқа нарсалар *қоидага қарши* (биз томондан ажратилган – Р. А.) маҳаллий заруриятга сарфланаяпган эмиш... Ҳолбуки [БМИҚ] ОЁ МК белгилаган тартибга кўра, йиғилган хайриянинг 10 фоизигина очарчилик ҳудудларидан келган оч-қочоқ ва болаларгагина сарф қилиниши мумкин” деб, харажатнинг бундай тартиби мақсадга мувофиқ эмаслигини уқтирилган<sup>186</sup>. Ўйлаймизки, ушбу телеграмма учун асос бўлиб, Туркистонда йиғилаётган хайрияларнинг бир қисмини Фарғона вилоятидаги катта-кичик ёшдаги очларига берилаётгани хизмат қилган бўлиши мумкин эди.

Марказ томонидан Туркистондаги турли хайрияларни назорат қилиш, амалда ўлка аҳолисидан кўра кўпроқ Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очлари манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган эди. Боз устига Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келаётган очлар оқими 1922 йилда ҳам давом этди. Чунки Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги иктисодий аҳвол ўз юртларини тарк этишга ва бошқа ҳосилдор ҳудудлардан паноҳ излашга мажбур қиларди. Қийинчилик билан топаётган нонини, юпун, жулдур кийимини ҳам келтирилган очлар билан баҳам кўраётган Туркистон халқи, айниқса Фарғона вилояти аҳолисининг ўзи ҳам бу пайтда очарчилик азобларини тортарди.

Таъкидланганидек, Фарғонада очарчилик амалда 1921 йил кузидан бошланган эди. Айниқса бундай ҳолат Туркистоннинг қишлоқ ҳудудларида яққол кўзга ташланарди. Бунинг устига Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган очлар оқими шундоқ ҳам оғир аҳволни янада

<sup>185</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 733- иш, 120- варақ

<sup>186</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 347- иш, 3- варақ

мушкуллаштирди. Фарғонадаги озиқ-овқат захиралари муаммоси Туркистон МИҚ ва ХКК томонидан 1921 йил ноябр-декабр ойларидаги мажлисларда ҳам махсус кўриб чиқилган эди. Масалан, Туркистон ХКК раиси Қ. Отабоев Фарғонадаги иқтисодий аҳволни янада чуқурроқ ўрганиш учун 1922 йил феврал ойида вилоятнинг уезд, шаҳар ва қишлоқларида бўлди. У Волгабўйи, Уралолди худудларидан келтирилганлар учун ташкил этилган жойлардаги “Болалар уйлари”, интернатларларда истиқомат қилаётган болалар ва ундан ташқари маҳаллий аҳолининг иқтисодий аҳволи билан яқиндан танишди. Жойлардаги аҳвол шуни кўрсатадики, Россиядан эвакуация тариқасида келганлар ва айни пайтда ерли аҳолининг озиқ-овқат таъминоти ҳам қониқарли эмас эди. 1922 йил 19 февралда Қ. Отабоев, И. Хидиралиевлар Фарғона вилояти инқилобий кўмитаси мажлисида катнашиб, вилоят озиқ-овқат комиссари Краснинг иқтисодий аҳвол тўғрисидаги ҳисоботини тинглайди. Мажлисида кенг ва атрофлича муҳокамалардан сўнг, Фарғонадан йиғилаётган озиқ-овқат солиғини бекор қилиб, вилоятга нон, гўшт маҳсулотлари бошқа вилоятлардан етказиш зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилган. Шунингдек, ушбу қарорда Фарғона вилояти озиқ-овқат органларига Бухоро республикаси ва Сирдарё, Самарқанд ва Туркман вилоятлари билан товар алмаштиришга киришиши ҳамда шу мақсадда 1922 йил март ойи учун 5 миллиард рубл ажратишга тўхталинган эди<sup>187</sup>.

Фарғона вилоятидаги озиқ-овқат муаммоси кундан-кунга оғирлашиб бораверди. Мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, Туркистон МИҚ ўзининг 1922 йил 11 майдаги мажлисида Фарғона вилоятини **очарчиликка учраган** деб қарор қабул қилди. Шу муносабат билан эндиликда Самарқанд ва Туркман вилоятларига нафақат Волгабўйи, балки Фарғона вилояти ҳам ёрдам кўрсатиш бўйича бириктирилган эди<sup>188</sup>. Аслида бундай ҳолат Самарқанд ва Туркман вилояти аҳолиси учун яна оғир юк бўлди. Лекин

<sup>187</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 740- иш, 41- варақ

<sup>188</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 749- иш, 211- варақ; 935- иш, 15- варақ

шунга қарамасдан, 1922 йил май ойи ўрталаридан сентябр ойи ўрталарига қадар Самарқанд вилоят ОЁ комиссияси Волгабўйи очларига бериладиган ёрдамдан ташқари яна Фарғона вилояти очлари учун 770 пуд галла, 130 пуд кишмиш, 81 пуд 0,5 фунт гуруч, 6 пуд ун, 6 пуд жўхори, 9 пуд қуритилган мева юборган бўлса, айнан шу даврда Туркман вилоятидан ҳам 2090 пуд галла, 88 пуд жўхори келтирилган эди<sup>189</sup>. Аммо бу ёрдам Фарғона очлари учун етарли эмас эди.

Юқорида қайд этилганидек, 1922 йил 11 майдаги Туркистон МИҚ қарорига мувофиқ, Фарғона вилояти очарчиликка учраган деб қарор қабул қилинганига қарамасдан, ёрдам кўлами жуда оз миқдорда бўлганидан маҳаллий аҳолининг ёрдамга муҳтожлиги ортиб бораверди. Чунки ҳали ҳамон Волгабўйи очлари Туркистонда, жумладан Фарғона вилоятида истиқомат қиларди. Боз устига Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга келтириляётганлар амалда тўхтатилмаган эди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, эътиборнинг энг кўп қисми ҳамон Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларини боқишга қаратилган эди. Масалан, Фарғона вилоят аҳолиси очликдан азоб-уқубат тортаётган бир пайтда ҳам, айрим ОЁ комиссияси раҳбарлари томонидан хайрия ва бошқа тадбирлар асосида йиғилган озиқ-овқатни маҳаллий аҳолига беришни юқори органлардан сўрашганини қандай тушуниш мумкин? Далилларга муурожаат қиладиган бўлсак, Андижон уезд-шаҳар ОЁ комиссияси раисининг ўринбосари Михайлов 1922 йил 23 майда Фарғона вилоят ОЁ комиссияси раҳбариятига муурожаат қилиб,.... “йиғилган озиқ-овқат маҳсулотларини маҳаллий очларга тарқатиш мумкинми?”<sup>190</sup>, деб сўрайди. Ахир 1922 йил 11 майда Туркистон МИҚ томонидан Фарғона вилоятини очарчиликка учраган деб эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган эди-ку... Аслида шундай аҳволнинг келиб чиқишига Марказ ва унинг Туркистон раҳбариятидаги эмиссарлари олиб борган сиёсат сабабчи эди. Айнан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳамон асо-

<sup>189</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 935- иш, 15- варак

<sup>190</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 749- иш, 178- варак,

сий эътиборни Волгабўйи очларига қаратишни давом эттирар эди. Хайрия ва тадбирлардан тушган маблағ, озиқ-овқат ва кийим-кечаклар асосан Волгабўйидан келтирилган оч болаларга ажратилар эди.

Жойлардаги озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши ва шунингдек, ҳамон ўзи оч бўлган ҳолда бошқаларни боқаётган Фарғона вилояти аҳолиси Туркистон МИҚ ва Марказга умид кўзи билан боқишда давом этарди. 1922 йил 3 июнида Андижон уезд ОЁ комиссияси раҳбарияти Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раҳбариятига қилган мурожаатида, Фарғонада очарчилик бўлаётганига қарамасдан, ОЁ МК томонидан ҳеч қандай ёрдам кўрилмаётгани ва "... кўпгина қарорлар Волгабўйи очларини боқишга қаратилаётгани"<sup>191</sup> кайд этилган. Шунингдек, мурожаатда "Волгабўйи очларини тезда [Туркистондан] эвакуация қилиш кўрсатмаси зарурлиги... Андижонда тахминан 500 киши ўз ватанларига қайтишни сўраяпганлиги"<sup>192</sup> ҳам уқтирилган эди. Кўриниб турибдики, Фарғонадаги очарчилик Волгабўйидан келтирилган очларни яшаш тарзига ҳам салбий таъсир қилмай қўймаган эди. Шунинг учун ҳам улар ўз она юртларига қайтишни сўраганлар.

Туркистон МИҚ, ХКК ва ТКП раҳбарияти ўлкадаги ва айниқса Фарғонадаги озиқ-овқат танглиги муаммолари тўғрисида БМИҚ, РСФСР ХКК, РКП(б) МК раҳбариятига 1922 йил баҳоридан бошлаб бир неча марта мурожаат қилиб, очарчилик туфайли Фарғона вилоятида экишга яроқли ерларнинг 50 фоизи ҳам экилмай қолиб кетганини ва шунингдек, вилоятдан иш ҳайвонларини темир йўл орқали Россиянинг очарчилик ҳудудларига олиб кетиш кўпайганини ҳам қайд этганлар<sup>193</sup>. Туркистон МИҚ раҳбарияти ана шундай Марказга мурожаатлардан бирини 1922 йил 15 июнида қилади. Ушбу мурожаатда Марказ эътиборини Фарғонадаги очарчиликка қаратиб, очарчилик ўз қамровига кўра... "фақатгина Фарғона аҳли

<sup>191</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 345- иш, 81- варақ

<sup>192</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 345- иш, 81- варақ

<sup>193</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 345- иш, 89 – 90 варақлар ва орқаси

саъйи-ҳаракати ёки бутун Туркистон аҳолиси ёрдами билангина енгилмайди” дейилади. Маълумки, Фарғона вилояти бутун Россияга юбориладиган пахтанинг 45- 50 фоизини етиштириб берарди. Шунинг учун ҳам мурожаатда Фарғона вилоятидаги очарчилик ва унга “ёрдам бериш Бутунроссия масъулияти” қарамоғига юклатилиши лозимлиги уқтирилади. Ушбу мурожаатда яна “Фарғона қишлоқ хўжалигини тиклаш учун махсус кредитлар” ажратилиши сўралган<sup>194</sup>. Аммо бундай мурожаатларга Марказ ҳамон бефарқ эди...

Фарғона вилоятидаги очарчиликни бартараф этишдаги чора-тадбирлардан бири Волгабўйидан келтирилганларни ўз юртларига қайтариш, яъни реэвакуация қилиш керак эди. Чунки Фарғона вилояти аҳолисига уюшган ҳолда ёрдам кўрсатиш имконияти Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКда йўқ бўлгани ҳолда, айтиш пайтда Марказ бу муаммо ечимида ёрдам уюштиришга шошилмасди. Аммо Фарғона вилоятидаги аҳвол борган сари оғирлашиб борарди. Шунини таъкидлаш жоизки, аслида 1921 йил охири ва 1922 йил бошларидан Туркистон халқи, айниқса *Фарғона вилояти аҳолиси ўзлари оч ҳолда Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларини боққанлар* (аниқроғи боқшига мажбур бўлганлар. – Р. А.). Бундай аҳвол кун тартибига Россия очларини ўз юртларига қайтариш масаласини долзарб қилиб қўя бошлади. Айтиш мумкинки, Россиядан келтирилган очларни ўз юртларига реэвакуация қилиш масаласи 1922 йил баҳоридан янада ўзининг долзарблигини яққол кўрсата бошлади.

Очлар реэвакуацияси кун тартибидаги энг долзарб муаммолар қаторидан ўрин ола бошлади. Зеро очларни реэвакуация қилиш масаласини Марказга етказилганда ҳам, ҳамон Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида очарчилик давом этарди. Эндиликда, келаётган очларни боқаман деб амалда очарчиликка мубтало бўлган Фарғона вилояти аҳолиси арз-додини эшитиб, кўмакка интилганлар кўринмас эди. Туркистон МИҚ, ХКК нафақат Фарғона вилоятидаги,

<sup>194</sup> ЎЗР ПДА, 60- фонд, 1- рўйхат, 1860- иш, 7- варақ



балки бутун республикадаги иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, ўлкадаги аҳвол ночорланиб бораётганлиги, эвакуация қилинганларни боқиш борган сари қийинлашиб кетаётганлигини ҳисобга олиб, бир неча марта Марказий эвакуация раҳбариятига мурожаат қилиб, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан Туркистонга келтирилган катта-кичик ёшдагиларни ўз юртларига реэвакуация қилиш зарурлигини асослашга ҳаракат қилганлар. Аммо Марказ бу масалага оид ҳар қандай асосли эътирозларни ҳам рад этишдан чарчамаган. Ҳар ҳолда бағрикенг Туркистон халқи, саҳоватпеша Фарғона аҳолиси очарчилиги Марказ эътиборидан узоқроқ эди... Масалан, 1922 йил 8 апрелда Москвадан Марказий эвакуация бошлиғи Туркистон МИҚ ва ОЁ МКга юборган телеграммасида... “ҳозирги пайтда очларни Туркистондан реэвакуация қилишнинг имконияти йўқ”<sup>195</sup>, деб уқтирган эди.

Бунинг устига Туркистонга ҳамон Россиянинг очарчилик ҳудудларидан оч-қочоқ тариқасида келаётганлар бор эди. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳисоботига кўра, 1922 йил 1 – 25 апрел оралиғида ҳам ўлкага Қозон ва Воронеж губернияларидан оч-қочоқлар келганлиги тўғрисида қайд этилади<sup>196</sup>. Айни пайтда Фарғона аҳлининг ўзи очарчиликка дучор бўлиб турганда, яна Россиядан очлар оқими келишини тўхтамаслиги Туркистон республикасининг иқтисодий аҳволига янада салбий таъсир қилганлиги аниқ.

Албатта, Марказ реэвакуация қилишга шошилмагандан кейин Фарғона очлари ўз ёғига ўзи қовурилиб, очлик азобини тортишни давом эттиришдан ўзга чораси йўқ эди. 1922 йил 18 июндаги маълумотга кўра, фақатгина Қўқон шаҳрида 2100 нафар катта ёшдагилар, интернатда 250, “Болалар уйлари”да 150 нафар ва бутун Фарғона вилоятида 8360 нафар очлар расман рўйхатга олинган<sup>197</sup>. Айни пайтда шуни таъкидлаш жоизки, Россиянинг марказий гу-

<sup>195</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 347- иш, 7- варақ

<sup>196</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 927- иш, 49- варақ

<sup>197</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 345- иш, 89 – 90 варақлар ва орқаси



берниълари, хусусан Марказда ҳам Фарғонадаги очарчилик тўғрисида маълум бир маълумотга эга эдилар. Масалан, Самарада чоп этиладиган газетада берилган хабарда “Фарғонада 387 минг нафар очлар бор бўлиб, уларнинг 40 фоизи болаларни ташкил этади. ...улардан 35 минг нафаригина [Туркистон] очарчилик оқибат[ларини] тугатиш пунктларида. Бу май ойига нисбатан 14 мингта кўп” дея қайд қилинган<sup>198</sup>. Шундай қилиб, юз минглаб кишиларни очарчилик ҳудудларидан қабул қилаётган Туркистон аҳолисининг аҳволи 1922 йил иккинчи ярмидан танг бўла бошлади. Хусусан, бутун Туркистон аҳолиси Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг очларинигина эмас, Фарғона вилояти очларига ҳам ёрдам кўрсата бошлади. Эндиликда Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива ва бошқа ҳудудларда очарчилик азобини тартаётган Фарғона вилояти болаларига ҳам ёрдам кўлини чўзиш борасида таргибот-ташвиқот ишлари олиб борилар эди. 1922 йил декабрида Туркистонда “Болаларга ёрдам” ҳафталиги ўтказилган ва ишлаётганларнинг ҳар ойдаги икки кунлик иш ҳақи Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги ва Фарғона вилоятининг оч болаларига хайрия тариқасида беришга қарор қилинган эди<sup>199</sup>. Туркистон раҳбарияти ва халқи зиммасига нафақат келтирилган болаларни, балки Фарғонадаги оч болаларни ҳам очлик азоб-уқубатларидан қутқаришдек мураккаб вазифа юклатилган эди. Марказ эътиборини маҳаллий очлар таъминотига қаратилаётганига қарамасдан, ҳамон Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг очлари реэвакуацияси кутилаётган болалар таъминотига кўпроқ маблағ, озик-овқат ажратиб борилган. 1922 йил 5 декабрида Туркистон соғлиқни сақлаш комиссиясининг БМИҚ қошидаги “Болалар комиссияси”нинг очарчилик оқибатларини тугатиш марказий комиссияси билан келишувига мувофиқ, Фарғонага Волгабўйдан келтирилган оч болалар учун 36 мингта озик-овқат емиши ажратилган<sup>200</sup>.

Мавжуд архив манбаларида келтирилишича, Туркис-

<sup>198</sup> Коммуна (Самара), 24 июля 1923 г.

<sup>199</sup> ААП Кирг., ф. 6, оп. 1, д. 182, л. 3

<sup>200</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 347- иш, 20- варақ

тонга келтирилган Россия очлари аҳволи 1922 йил иккинчи ярмидан яна оғирлаша бошлади. Чунки Фарғона вилоятидаги очарчилик ўлка иқтисодий аҳволига таъсир қилмасдан қўймаганди. Албатта, бу аҳвол Россиядан келтирилган очларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Эндиликда кўчаларда ўз ризқини топиб ейиш ҳам мушкуллаша борди. Айниқса бу, болалар аҳволида яққол кўзга ташланарди. Бошқирдистон МИҚнинг Туркистондаги ваколатхонаси ўз ҳисоботларидан бирида 1922 йил 13 августида ўлкадаги оч болалар яшаш шароити ва уларга маҳаллий ҳокимиятнинг муносабати жинояткорона бўлаётгани, бу хусусан кўплаб... “қизларни бир бурда нон илинжида, юмшоқроқ айтганда, қайсидир [ноаниқ] одамларга турмушга чиқаётгани (аслида фоҳиша йўлига ўтиб кетаётганини назарда тутилган – Р. А.) шу тариқа кўз ўнгимизда ҳаётнинг ифлосликларига кўмилаётгани” кўзга ташланаётганида деб қайд этилади<sup>201</sup>. Бундай ҳолат юзага келгани, амалда очлар таъминоти ва айни пайтда ёшлар тарбияси издан чиқиб бораётганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Фарғона вилоятида очлар сони кундан-кунга ортиб борар ва уларни рўйхатдан ўтказиш ҳам ўз қийинчиликларига эга эди. Боз устига Фарғона вилоятидаги Волгабўйидан келтирилган очларни озиқ-овқат таъминоти аҳволи ҳам борган сари ёмонлашиб борарди. Самарқанд ва Туркман вилоятларидан Фарғона очларига берилаётган ёрдамлар етарли эмас эди. Аҳволни бундай давом этавериши оқибатидан хавфсираб, очларни кутқариб қолиш мақсадида Фарғона вилоят ОЁ комиссияси раиси ўринбосари М. Хўжаев 1922 йил 9 августда Туркистон МИҚ ва республика ОЁ МК раҳбариятига мурожаат қилиб, вилоятда очлар сони кундан-кунга кўпайиб бориши натижасида Волгабўйидан келтирилган очларни боқиш имконияти чекланиб бораётганини ва “... Фарғона вилоятини Волгабўйидан [келтирилган] очлардан холи қилиш керак”лигини уқтиради<sup>202</sup>. Аммо Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раиси М. Бретт томонидан М. Хўжаевга

<sup>201</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 8, лл. 51- 52

<sup>202</sup> ЎЗР МДА, Р. 17 -фонд, 1 -рўйхат, 345- иш, 168- варақ

берилган жавобда “Волгабўйи очларини Туркистон бўйлаб жойлаштириш (амалда тарқагиш – Р. А.) имконияти йўқлиги сабабли улар Фарғонада қолиши керак. Уларга (Волгабўйи очларига-Р. А.) ҳам бир хил ёрдам керак”<sup>203</sup>, дейилади. Ва ниҳоят Фарғона аҳли ҳам Волгабўйи, Уралолди очлари каби *тенглик асосида озиқ-овқат билан таъминланадиган бўлдилар*. Аммо бу ҳолат узоқ давом этиши мумкин эмасди. Оч ҳолда очларни боқиш узоқ вақт давом эта олмасди. Марказ Фарғонада аҳвол яхшиланишидан манфаатдор эди. Хусусан, кун тартибида Фарғона пахтаси ҳам муҳим аҳамиятга молик эди...

Охир-оқибатда Марказ ҳам 1922 йил охири ва 1923 йил бошларидан Фарғонадаги очарчиликка эътибор қаратишга мажбур бўлди. Чунки асосий пахтачилик худуди бўлган Фарғона вилояти аҳлига ёрдам бермаслик, вилоятда пахта ўрнига ғалла ва сабзаёт экинлари экишни кўпайтиришга олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам Марказ Фарғонага ёрдам тараддудига тушиб қолди. 1923 йил 22 февралда Москвадан Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбариятига берилган телеграммада Туркистонга 50 минг пуд ғалла ажратилгани ва унинг 75 фоизи иш ҳақини ёпишга ҳамда қолган 25 фоизини ташкилий ишлар билан боғлиқ заруриятга сарфланиши кўрсатилган эди. Ушбу телеграммада энг асосий вазифа тракторларни сошлаш ва тиклаш деб уқтирилган<sup>204</sup>.

Шундай қийин аҳвол Туркистонни қамраб олган пайтда ҳам Марказ Фарғона аҳлига уюшган ҳолда озиқ-овқатдан ёрдам чора-тадбирларини ишлаб чиқишга шошилмаган. Бирдан-бир йўл Россиянинг очарчилик худудларидан Туркистонга келтирилганларни реэвакуация қилиш чораси эди. Аммо ҳақиқат шундан иборат эдики, ўз пайтида Туркистонга очлар эвакуацияси Марказ хоҳиши-кўрсатмаси асосида бўлганидек, эндиликда Волгабўйи, Уралолди худудларидан келган очларни ҳам ўлкадан ўз юртларига қайтаришни ҳам Москвадаги раҳбарият розилигисиз амалга ошириб бўлмас эди.

<sup>203</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 749- иш, 214- варақ

<sup>204</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 478- иш, 101- варақ

Очарчилик туфайли Волгабўйи, Уралолди худудларидан Туркистонга эвакуация қилинган ёки ўзлари очарчиликдан қочиб, Туркистонда паноҳ топган оч болаларни ўз юртларига қайтариш жараёни ҳам маълум даражада ўз мураккабликларига эга бўлган. Ўз пайтида уларни Туркистонда қабул қилиш, жойлаштириш каби масалалар қанчалик муаамоларни келтирган бўлса, эндиликда ўша оч болаларни ватанларига қайтариш ҳам маълум бир қийинчиликлар тугдирган. Резвакуация билан боғлиқ муаммолар қаторига биринчидан, очарчилик худудларидан келганларнинг айримлари ўз она юртларига қайтишни хоҳламасликлари, иккинчидан, уларни резвакуацияси учун маълум миқдорда озиқ-овқат билан таъминлаш мажбурияти, учинчидан, Самара, Оренбург, Қозон, Уфа ва бошқа худудларда очарчилик ҳали тўла бартараф этилмаганлиги туфайли келтирилганларни Туркистондан резвакуация қилиш эрта деб, ўз ҳамюртларини қабул қилишга шошилмаслик, тўртинчидан, резвакуацияни мажбуран амалга оширмаслик бўйича Марказ берган кўрсатмасини киритиш мумкин. Бундан ташқари очарчилик худудларидан келганларни резвакуация қилиш учун ҳам анчагина миқдорда маблағ керак эди. Аммо бу маблағни ҳам Марказ ўз зиммасига олмаган эди. Ана шундай мураккаб аҳволда Туркистон ва Бухоро республикаларидан резвакуация амалда 1922 йил иккинчи ярмидан бошланди. Бошқача айтганда, мавжуд иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб очларни Туркистондан резвакуация қилмасликнинг иложи қолмаган эди.

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ҳайъат аъзоси, Туркистон Марказий эвакуация (“Туркмарказэвак”) бошлиғи А. С. Сушко 1922 йил 5 июлида ўлкага Россиядан келтирилган очларни она юртларига қайтариш масаласи бўйича Москвага хизмат сафарига юборилди. А. С. Сушко Москвада БМИҚ қошидаги ОЁ МК ҳамда Марказий эвакуация раҳбариятига учраб, ўлкадаги иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, уларни Туркистондан резвакуация қилиш муаммолари билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилди. 1922 йил 12 августида А. С. Сушко Туркистон МИҚ, ХКК

ҳамда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК раҳбарияти олдида Москвага қилган хизмат сафари натижалари бўйича берган ҳисоботида куйидагиларни билдиради:

– келишувга мувофиқ яқин 3 ой ичида Туркистонга келтирилган очларнинг 50 минг нафари ва 5 минг нафар ишчилар ўзларининг Россиядаги очарчилик ҳудудларига уюшган ҳолда реэвакуация қилинади;

– Туркистон соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги томонидан реэвакуация қилинаётганларга хизмат кўрсатиш учун ва қўшимча 500 нафар касаллар учун жой ажратилди;

– реэвакуация қилинаётганлар сафидаги болалар, шу жумладан етимлар давлат ҳисобидан боқилади;

– реэвакуация қилинаётганларга давлат ҳисобидан 4000 дона кийим-бош, 1 вагон сельдь балиғи ҳамда совун, ёғ, чой ва кофе ажратилади<sup>205</sup>.

Шундай қилиб, Россиядан келтирилган очларни уюшган ҳолда, расман реэвакуация қилиш жараёни 1922 йил август ойининг иккинчи ярмидан бошланди. Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига очларни реэвакуацияси вазифаси билан 1922 йил 12 августидан номи “Туркмарказэвак” эмас, балки номи ўзгарган яъни аҳолини эвакуация қилиш бўйича Туркистон эвакуация бош бошқармаси (Туркэвак-бош) га айлантирилган ташкилот шуғулланди<sup>206</sup>.

Эндиликда Туркистон раҳбарияти олдида ўзига хос янги, яъни ўз пайтида Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилган очларни мумкин қадар тезроқ ва кўпроқ ўз юртларига қайтаришдек мураккаб вазифалар кутарди. Шунини таъкидлаш лозимки, реэвакуациядан нафақат Туркистон раҳбарияти, балки ўз пайтида ўлкага эвакуация қилинган очларнинг ўзи ҳам маълум даражада манфаатдор эдилар. Ҳар ҳолда ўз юрти, бола-чақаси, ота-она, қариндош-уруғлари бағрига қайтиш ҳисси инсонга хос хусусиятлардан бири эди. Бу борада оч болалар билан Туркистонга келиб қолганлар ҳам, ўз юртларига қайтишни хоҳловчилар ҳам бор эди. Хусусан, Туркистон вилоятлари-

<sup>205</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 350- иш, 503- варақ

<sup>206</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 350- иш, 432- варақ

даги интернатларда эвакуация натижасида болалар билан Туркистонга келиб қолган тарбиячи ва ўқитувчилар ҳам реэвакуация истиқболлини кутишарди. Ана шундайлардан бири Ф. Малышев эди. У асли Самара губернияси Бузлук уездидан бўлиб, 1921 йил болалар эвакуация даврида тарбиячи тариқасида Туркистонга келиб қолган эди. Ф. Малышев аввал Тошкент, сўнгра Самарқанд шаҳридаги 3-сонли интернатда, Туркман вилоятидаги 1-сонли болалар уйида келтирилган болаларни кийим-кечаги, озиқ-овқати ва саломатлиги бўйича масъул ходим бўлиб хизмат қилган. Маҳаллий ҳокимият вакиллари олдига болалар учун кийим-кечак, иссиқ-совуқ ва озиқ-овқат муаммолари бўйича мурожаат қилиб, бу масалаларни ижобий ечимига ҳаракат қилиш ҳам унинг вазифасига кирган эди. Эвакуация жараёни шунчалик тезлик билан амалга оширилганидан Ф. Малышев Самара губерниясида онасини қолдиришга мажбур бўлган эди. Онасининг аҳволидан хабар оладиган ҳеч кими йўқ эди. “Болалар уйи” дагиларни Россияга реэвакуация қилиниш истиқболи кўринмагандан кейин у ўзини яна она юрти бўлмиш Самарага қайтишига руҳсат беришларини сўраб, 1923 йил апрел ойида Туркистон МИҚ қошидаги ОЕ МКга мурожаат қилган эди<sup>207</sup>.

Аmmo шуниси борки, Туркистондан Россиянинг очарчилик ҳудудларига реэвакуация қилиш жараёни ҳам айрим қийинчиликларни енгиш орқали олиб борилган. БМИҚ томонидан Туркистондан Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларини реэвакуация қилиш тўғрисида қарор қабул қилинишини очарчилик ҳудудларида, юмшоқроқ қилиб айтганда, “хурсандчилик” билан кутиб олинмаган. Буни бир нечта сабаблари бор эди. Биринчидан, ҳали Волгабўйи, Уралолдининг кўплаб ҳудудларида очарчилик тўла чекинмаган бўлса, иккинчидан, реэвакуация қилинаётганларни қабул қилиш ва уларни боқиш имконияти йўқ эди. Учинчидан, ўз пайтида Россиядан Туркистонга эвакуация қилинганларнинг аксариятини хўжалиги тўла-тўкис издан чиқиб вайрон бўлган эди. Ушбу вазият-

<sup>207</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 14, л. 90; ЎзР ПДА қошидаги СВА, 31- фонд, 1<sup>А</sup>- рўйхат, 295- иш, 103, 175- варақлар.

дан келиб чиқиб, очарчилик ҳудудлари раҳбарияти Туркистондан ўз ҳамюртларининг реэвакуациясини *жуда эрта* деб, норозилик билан қабул қилганлар. ҳатто ўз норозиликлари тўғрисида Марказ раҳбариятига ҳам билдирганлар. Масалан, Самара губернияси ОЁ комиссияси БМИҚ қошидаги ОЁ МК ва Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКларга 1922 йил июл ойи охирларида берган телеграммасида, ўз пайтида губерниядан Туркистонга эвакуация қилинганларни Самарага реэвакуация қилмай туришларини, чунки шундоқ ҳам Самарада ишсизлар жуда кўплигини қайд этилган. Ушбу телеграммада агар реэвакуация қилинган тақдирда ҳам, Самара губерниясида уй-жойи, хўжалиги борларнигина ўз юртларига қайтариш мумкин дейилган<sup>208</sup>. Аммо бундай илтимосномалар олдида реал қийинчиликлар ўз мураккаблигини кўрсатарди. Мавжуд архив манбаларининг таҳлили Россияга очлар реэвакуацияси маълум бир тўсиқларни енгиш орқали амалга оширилганини кўрсатади. Ўз пайтида Марказ томонидан Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларини, хусусан очарчилик ҳудудларидан келтирилган оч болаларни ҳам ўз юртларига уюшган ҳолда қайтариш тўғрисида тегишли қарорлар қабул қилинганига қарамаздан, амалда реэвакуация жараёни билан боғлиқ ташкилий ишларда маълум бир қийинчиликлар ва муаммолар учраб турарди. Туркистон раҳбарияти ўз олдига мумкин қадар тезроқ очлар реэвакуациясини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган бўлса, билъакс Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидагилар эса ўз вақтида Туркистонга эвакуация қилинган ҳамюртларини, хусусан оч болаларни яна қайтадан яшаш жойларига реэвакуация қилинишини пайсалга солишга, муддатини иложига борича орқароққа чўзишга ҳаракат қилардилар. Бундай ҳолат натижасида оч болалар сарсонгарчилиги яққол кўзга ташланарди. Масалан, 1922 йил 1 сентябрида Туркистондан Волгабўйи оч болалар эшолони ўз юртларига реэвакуация қилинган. Ушбу очлар эшолонидаги 53 нафар оч болалар асли Самара губерниясидан бўлиб, улар-

---

<sup>208</sup> Туркестанская правда (Ташкент), 2 августа 1922 г.



ни тегишли губерния раҳбарияти яна ўз бағрига олишга “тайёр” эмас эди. Ҳатто Самарага Туркистондан реэвакуация тариқасида келтирилган оч болаларни қабул қилиш ёки қилмаслик муаммоси Самара губернияси ижроия кўмитаси раиси Голошекин томонидан кўриб чиқилган. Ушбу муаммога Самара раҳбарияти томонидан сиёсий тус берилиб, РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Турккомиссияга мурожаат қилиниб, унда Туркистондан Самарара реэвакуация қилинган болалар ота-онасиз ва уларни... “бизнинг розилигимизсиз [ҳамда] Марказ рухсатисиз (қайтарилганини назарда тутилган – Р. А.) амалга оширилган, [чунки] бўш “Болалар уйи” йўқ, маблағ йўқлигидан болалар оғир аҳволга тушиб қолдилар”, – дейилади<sup>209</sup>. Ушбу мурожаатда Туркистондан келтирилган болаларга қарашга, уларни таъминоти билан шуғулланишга имконият йўқ ва шундан келиб чиқиб “қатъиян реэвакуацияни тўхтатиш чораларини кўришингизни сўрайман- [реэвакуация қилинган] 53 нафар болалар учун пул, озиқ-овқат, кийим-кечаклар жўнатиш зарур, акс ҳолда [болаларни] ўзингизга қайтарамиз” (биз томондан ажратилган – Р. А.), деб уқтирилади<sup>210</sup>. Кўриниб турибдики, ҳали очарчилик ҳудудлари ўз очлари – ҳамюртларини қайтариб олишга тайёр эмас эдилар.

Шунинг учун ҳам очарчилик ҳудудлари раҳбарияти яна Марказ қўллаб-қувватлашига умид қилиб, бу масалада Туркистондаги рус эмиссарларини ҳам “ишга солиш”га ҳаракат қилганлар. Аммо Туркистондаги аҳвол ҳам келтирилган очларни яна муддатсиз боқиш ва бошқа таъминоти билан шуғулланишни тақазо этмасди. Юқоридаги мурожаат бўйича Туркистон аҳолини эвакуация қилиш маркази бошлиғи А. Сушко РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси котиби Глаголевага юборган тушунтиришга асосланган хатида, ўлкадан очарчилик ҳудудларига реэвакуация қилинган болалар ўз юртларига қайтарилаётганда улардан Волгабўйида ота-онаси бор-йўқлиги сўралган, аммо “болалар ота-онаси борлиги тўғрисида ёлғон маълумот

<sup>209</sup> ЎзР МДА, Р. 621- фонд, 1- рўйхат, 113- иш, 503- варақ ва орқаси

<sup>210</sup> ЎзР МДА, Р. 621- фонд, 1- рўйхат, 113- иш, 503- варақ

берган бўлиши ёки [улар] кейинрок вафот этган бўлиши-яшаш жойларини ўзгартирган бўлиши мумкин” дейиш билан Самарага юборилган болалар учун ҳеч қандай пул, озиқ-овқат, кийим-кечак жўнатиш керак эмас деб, ҳозир ҳам “Самарадан деярли ҳар куни [оч] болалар келяпти ва биз ҳеч қандай ёзишмаларсиз уларни қабул қилиб, жойлаштираверамиз”, – дейилади<sup>211</sup>. Болалар реэвакуацияси жараёнидаги бу аҳвол яна бир бор большевиклар сиёсатида ягона тизим тўлақонли ишламагани, натижада очарчилик азобини тортаётган болаларни нафақат ўзга юртларда, балки ўз она юртларида ҳам қабул қилиш муаммоси кўзга ташланганидан далолат беради.

Туркистондан очлар реэвакуациясини фақатгина Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги раҳбариятгина норозилик билан кутиб олмаган. Бу масалага ўз пайтида Россиядан эвакуация бўлиб келган очларнинг ўзи ҳам бир хил, яъни хурсандчилик билан ёндашмаган. Хусусан, эвакуация тариқасида келган очлар орасида Туркистондан ўзларини реэвакуация қилинишларини хоҳламаганлар ҳам анчагина эди. Чунки эвакуация тариқасида келганларнинг айримларини ўз юртларида кутадиган ота-оналари йўқ бўлса, бошқалари бола-чақасидан айрилган, хотини ёки эрини йўқотганлар ҳамда ўз юртларида уй-жойи, хўжалигини йўқотганлардан иборат эди. Албатта, Туркистондан ўз юртларига кетишни хоҳламаганлар ўлка халқининг саховатпешалигини, болажонлигини, ўз ризқини ҳам очлар билан баҳам кўришга тайёрлигини шоҳиди бўлган эдилар. Шунингдек, реэвакуация тариқасида ўз она юртларига қайтишни хоҳламаётганлар серкуёш Туркистон ноз-неъматларидан баҳраманд бўлишга, мева ҳамда сабзавотларини татиб кўришга ҳам улгурган эдилар.

Айни пайтда БМИҚ қошидаги ОЕ МК ва Марказэвак қарорига мувофиқ, Туркбошэвак Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ўз пайтида очарчилик туфайли Туркистонга келганларни мажбуран реэвакуация қилишга ҳаққи йўқ эди<sup>212</sup>. Шу билан бирга очлар, айниқса оч болалар реэ-

<sup>211</sup> ЎзР МДА, Р. 621- фонд, 1- рўйхат, 113- иш, 503- варақ

<sup>212</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 350- иш, 320- варақ

вакуацияси, Марказ топшириғига мувофиқ, Туркистондан уларга яшаш жойига етиб боргунча етарли даражада озиқ-овқат, чойшаб, кийим-кечак таъминланиши керак эди. Шунингдек, амалда оч болалар реэвакуацияси билан боғлиқ харажатлар ҳам маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига юкланиши кўзда тутилган<sup>213</sup>.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ўз пайтида келиб қолган очлар ичидан маълум бир қисмини Туркистондан ўз она юртлари томонга интилганлар ҳам ташкил қиларди. Чуқи уларнинг борар жойи, ўз юртларида кутаётган ота-оналари, хўжаликлари, уй-жойлари бор эди. Туркистон МИҚ ва ХКК раҳбарияти реэвакуация қилинаётганлар учун имкон даражасида шарт-шароит яратиб беришга ҳаракат қилганлар. Бу борада Туркистон МИҚ қошидаги ОЕ МК раиси ва Туркбошэвак бошлиғи 1922 йил 6 сентябрида реэвакуация билан боғлиқ муаммолар ечимида қилиниши зарур бўлган вазифалар бўйича Туркистон ХКК раиси ва ўлка озиқ-овқат халқ комиссарига қилган мурожаатида Оренбург, Самара, Саратов ва бошқа губерниялар очларни яна ўз паноҳига олишдан бош тортаётганидан келиб чиқиб, тегишли таклифлар киритади. Хусусан, Туркистондан реэвакуация жараёнини тўлақонли амалга ошириш йўлларида бири, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келганларни ўз юртларига қайтиш учун уларга маълум миқдорда озиқ-овқат бериш зарурлиги таъкидланади. Масалан, фақатгина 1922 йил сентябр ойида 30 – 40 мингта очлар реэвакуацияси кўзда тутилган эди. Агар уларнинг ҳар бирига 10 кунликдан озиқ-овқат берилса, унда 300 – 400 минг паёк билан таъминлашга тўғри келади<sup>214</sup>.

Шундай қилиб, реэвакуация тариқасида Қозон, Уфа, Самара, Симбирск, Оренбург ва бошқа очарчиликка учраган ҳудудларга кетаётганларни озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечак билан таъминлаш каби масалалар ҳам Туркистон республикаси зиммасига юклатилган. Ҳақиқатан ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларини ўз юртла-

<sup>213</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 105- иш, 17- варак

<sup>214</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 350- иш, 453- варак ва орқаси

рига қайтаришдан Туркистон раҳбарияти манфаатдор эди. Резвакуация жараёнини тезлаштириш ўлка раҳбарияти олдидаги муҳим вазифалар қаторида турарди. Чунки мумкин қадар тезроқ ўлкадан Россия очлари резвакуацияси амалга оширилса, Туркистон раҳбариятини Фарғонадаги очарчилик муаммолари билан чуқурроқ шуғулланишига имкон кенгаярди. Шунинг учун бўлса керак, Туркистон МИҚ ва ХКК томонидан Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК зиммасига резвакуация ечимига маҳаллий ташкилотларни ҳам жалб қилишни юклатилди. 1922 йил 20 сентябрида Туркистондаги 18 та турли ташкилот вакиллари иштирокида мажлис чақирилиб, унда уюшган ҳолда етим болаларнинг дастлабки резвакуацияси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК томонидан уюштирилган ушбу мажлисда ўлкада фаолият юритаётган ҳамма ташкилотлар вакиллари Россиядан келтирилган етим болалар резвакуациясида имкон даражасида ёрдам беришга тайёр эканликларини билдирдилар. Республика миқёсида ўтказилган мажлис қароридан келиб чиқиб, ўз юртларига қайтарилаётган етим, оч болаларга ёрдам кўрсатиш масаласи ўлкадаги турли ташкилотлар мажлиси кун тартибига қўйилди. Хусусан, Туркистон КПнинг I район қўмитаси хузуридаги Хотинқизлар бўлими ҳам оч, етим болалар резвакуацияси муаммоси ечимида фаол иштирок этишини муҳокамага қўйди. Хотинқизлар бўлимидаги аёллар ўз юртларига резвакуация қилинаётган етим, оч болаларга оналарга хос меҳр-мурувват кўрсатиш, хусусан, кетаётган болаларни ювинтириш ҳамда кийим-кечак тикиш, уларнинг кийим-кечакларини, чойшабларини ювиш, турли пишириқларни пишириш мажбуриятини олдилар<sup>215</sup>. Мавжуд архив манбалари шундан далолат берадики, Туркистон хотинқизлари бўлимидаги аёллар ҳақиқатан ҳам резвакуация қилинаётган очарчилик болаларига меҳрибонлик намуналарини кўрсатишган. Масалан, резвакуация муносабати билан аёллар ишлайдиган фабрика очларга 25 нафар

<sup>215</sup> ЎзР МДА, Р. 621- фонд, 1- рўйхат, 108- иш, 129- варақ

Ўгил болалар учун кўйлак, 25 дона қизлар кийими, 37 дона сочиқ, 50 дона дастрўмол ва 80 дона қалпоқ совға қилган<sup>216</sup>. Бундай ғамхўрлик реэвакуация қилинаётган оч болалар учун асқотарди.

Реэвакуация қилинаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эди. Бунинг учун Туркистон МИҚ ва ХКК ҳамда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг вилоятлардаги ОЁ комиссиялари бор имкониятларини ишга солиб, реэвакуация жараёнида ёрдам беришга ҳаракат қилганлар. Масалан, фақатгина 1922 йил сентябрида очарчилик туфайли Туркистонга келиб қолган 2382 нафар катта-кичик ёшдагилар Самарқанд вилоятидан ўз она юртлари бўлмиш Волгабўйига реэвакуация қилинган. Уларни реэвакуацияси муносабати билан Самарқанд вилоят ОЁ комиссияси ҳар бир ўз юртига кетаётган очларга Тошкентга етгунга қадар 1 фунтдан нон билан таъминлаган эди. Шунингдек, кетаётганларга 227 пуд пиширилган нон тарқатилган ҳамда 6000 рубл маблағ берилган эди<sup>217</sup>. Бу расман ҳар бир ўз юртига кетувчиларга берилган ёрдам эди. Туркистон озиқ-овқат халқ комиссарлиги томонидан берилган кўрсатмага мувофиқ ҳар бир Россиядан келган киши (агар у хизмат сафарига келган бўлса ҳам-Р. А.) ўз юртига қайтишида 5 пуддан ортмаган ғалла олиб кетиши мумкин эди<sup>218</sup>. Ўз юртлари, яъни очарчилик худудларига Туркистондан қайтаётган ҳар бир оилага 1922 йил май ойидан 30 пудгача экиш учун уруғлик ва емиш учун етарли тарзда ун олиб кетишга рухсат берилган эди<sup>219</sup>. Расман реэвакуация бошланиши билан Туркистон МИҚ ва ХКК ўз она юртларига кетаётганларни ўзлари билан озиқ-овқат, уруғлик олиб кетиш меъёрини қайта кўриб чиқди ҳамда уюшган ҳолда ўз юртига қайтаётганлардан ҳар бир оилага 10 пуддан уруғлик олиб кетишига рухсат берди<sup>220</sup>.

<sup>216</sup> Туркестанская правда (Ташкент), 26 сентября 1922 г.

<sup>217</sup> ЎЗР ПДА қошидаги СВА, 31- фонд, 1<sup>А</sup>-рўйхат, 479- иш, 53- варақ

<sup>218</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 749- иш, 17- варақ

<sup>219</sup> Пролетарий (Самарқанд), 16 мая 1922 г.

<sup>220</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 749- иш, 147 – 148 варақлар; 927- иш, 239- варақ

Резвакуация жараёни давом этар экан, Фарғона вилояти ОЁ комиссияси Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва Туркбошэвакдан 1922 йил 20 сентябрда вилоятда мавжуд Волгабўйидан келтирилган очларни мумкин қадар тезроқ резвакуация қилиш зарурлиги тўғрисида сўрайди. Чунки Фарғонада истиқомат қилишни давом эттираётган Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилган очлар вилоятнинг оч аҳолиси ризқи ҳисобига кун кўрарди. Тўғри, 1922 йил 11 майида Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК Фарғонадаги Волгабўйи очларини резвакуацияга қадар боқишни ўз зиммасига олган эди, аммо бу ваъдалар қогоздагина қолиб кетганди. Натижада Фарғона вилояти очлари ва Волгабўйидан келтирилган очлар ягона озик-овқат заҳирасидан, яъни маҳаллий имкониятлар асосида боқиларди<sup>221</sup>. Шунинг учун Фарғонада маҳаллий очлар ҳам ва Волгабўйи очлари ҳам озик-овқат билан етарли таъминланмасдилар.

Умуман олганда, Россияга резвакуация жараёни фақатгина Туркистонга келтирилганларгагина тааллуқли эмасди. 1922 йил сентябридан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ўз пайтида Россиянинг бошқа ҳосилдор ҳудудларига эвакуация қилинганлар ҳам ўз юртларига резвакуация қилинаётган эди. Масалан, фақатгина Оренбург губерниясига 1922 йил 10 декабрига қадар Туркистондан 264 нафар бола, Орёлдан 36 нафар, Москвадан 109 нафар болалар резвакуация қилинган эди. Бу ҳаммаси бўлиб 409 нафар болани ташкил қиларди<sup>222</sup>. Тарихий ҳужжатлар берган далолатга кўра, резвакуация жараёни ҳам бир текисда ўтмаган. Чунки резвакуация тўғрисида хабар кимларгадир ўз юртларига қайтиш учун умид туғдирган бўлса, айна пайтда бу хабар айримлар учун ташвиш олиб келган. Ҳатто Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ўз фарзандларини Туркистонга жўнатиб, ўзлари уй-жой, хўжаликларида қолганлар резвакуация жараёни муносабати билан ўз пайтида жўнатилган болаларини қайтаришни сўраб ҳам муурожаат қилганлар. Масалан, Самара губерниясидан кел-

<sup>221</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 935- иш, 16- варақ

<sup>222</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 457, л. 77

ган оч болалардан 200 нафари 1922 йил сентябрида ўз ота-оналарининг талабига кўра реэвакуация қилинган<sup>223</sup>. Ана шундайлардан бири 16 ёшли Е. Сергеева 1923 йил июлида ота-онасининг талабига биноан ойнак заводи бошқармаси қарамоғидан Самара губерниясига қайтарилган эди<sup>224</sup>.

Юқорида қайд этилганидек, Туркистондан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига очлар реэвакуацияси расман 1922 йил август ойи иккинчи ярмидан бошланган<sup>225</sup>. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, расман Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очлари реэвакуацияси бошланганига қарамасдан, ҳамон бу жараён ўзининг мураккаблигини кўрсатарди. Хусусан, Волгабўйи, Уралолди ҳудудлари очларининг реэвакуация масаласи Туркистондаги иқтисодий аҳвол мураккаблашган сари ўзининг долзарб муаммога айланганини кўрсата бошлади. 1923 йил 29 июлида Туркистон МИҚ ҳайъати аъзоси Гусанова БМИҚ ва унинг қошидаги “Болалар ҳаётини яхшилаш марказий комиссияси”га юборган телеграммада “Тошкентдаги интернатларда жойлаштирилган [Россиядан келтирилган оч] болаларнинг аксариятини маҳаллий ҳокимиятни қарорига кўра, адолат нуқтаи-назаридан ҳам зудлик билан Федерация марказига реэвакуация қилиш керак. [Аммо] бу борада марказнинг топшириғи бўлмаганлиги [реэвакуацияни] кечиктиряпти. Туркистон [МИҚ] ушбу масалани зудлик билан ҳал қилинишини талаб қилади”, дейди<sup>226</sup>. Шундай қилиб, амалда реэвакуация жараёни аслида 1923 йилдангина жонли тус олди дейиш мумкин.

Аммо шуниси борки, 1923 йилга келганда ҳам реэвакуация жараёни Туркистон учун муаммо туғдиришда давом этарди. Чунки иқтисодий аҳвол нафақат Фарғона вилоятида, балки Туркистоннинг бошқа вилоятларида ҳам оғирлашиб борарди. Масалан, 1923 йили Самарқанд вилоятида 17 та интернат мавжуд бўлиб, улардан атиги учтасидагина маҳаллий аҳолининг мактаб ёшидаги бола-

<sup>223</sup> ЎзР ПДА қошидаги СВА, 31- фонд, 1<sup>А</sup>-рўйхат, 479- иш, 53- варак

<sup>224</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 14, л. 395

<sup>225</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 99, оп. 1, д. 11, л. 77

<sup>226</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 27- варак



лари сақланарди. Ўша 3 та интернатнинг 2 таси Хужандда ва биттаси Самарқандда эди. Самарқанддаги интернатда мавжуд болаларнинг аксарияти оч-қочоқ татар ва бошқирдлардан иборат эди. Қолган ҳамма интернатларда ҳам Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келган турли миллат болалари яшарди. Уларга давлат томонидан озгинагина озиқ-овқат паёгидан ташқари ҳеч нарса берилмасди. Аммо Самарқанднинг Эски шаҳрида 60 минг аҳоли бўлишига қарамасдан, бирорта ҳам маҳаллий аҳоли учун интернат йўқ эди. Боз устига маҳаллий аҳоли ўртасида ҳам очлар кундан-кунга кўнайиб борарди. Шу муносабат билан Самарқанд вилоят ижроия қўмитаси раиси Туркистон МИҚ ва халқ маорифи комиссарлиги раҳбариятига 1923 йил 5 апрелида мурожаат қилиб, “Волгабўйидан келтирилган оч болаларни яқин ойлар ичида реэвакуация қилиш зарурлигини сўрайди”<sup>227</sup>. Чунки шундоқ ҳам жойларда маҳаллий очлар сони кўпайиб борарди.

Шундай қилиб, Россиядан келтирилган болаларнинг асосий қисмини Туркистондан реэвакуацияси амалда 1923 йил апрелидан бошланган<sup>228</sup>. Лекин болалар реэвакуация жараёни ҳам маълум бир ташкилий масалалар ечимини тақозо этар ва бу муаммони ҳал қилиш учун ҳам харажатлар зарур эди. Туркистон учун реэвакуация жараёнини мумкин қадар тезлаштириш кун тартибидаги муҳим масалалардан бири бўлиб қолди. Чунки ўзи оч ҳолда Волгабўйидан келтирилган очларни боқаётган Туркистон аҳолиси учун оч болаларни Россияга реэвакуация қилиш билан боғлиқ жараён жуда қийинчилик билан давом этарди. Бу жараённи тезлаштиришга маълум бир ташкилий муаммолардан ташқари, молиявий қийинчиликлар ҳам сабаб бўларди. Шунинг учун Туркистон МИҚ “Марказий болаларга ёрдам кичик комиссияси” республика ички ишлар халқ комиссарлигига мурожаат қилиб, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган оч болаларни реэвакуация қилишда лотго, лоторея ва аргимчоқ ўйинларини жорий этиш бўйича рухсат беришларини сўрайди. Бунга

<sup>227</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 414- иш, 69- варак

<sup>228</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 150- варак

жавобан 1923 йил 28 июнида Туркистон ички ишлар халқ комиссарлиги ташкилий-маъмурий ишлар бошқармаси бошлиғи Малышев Тошкентда болалар реэвакуация жараёнини тезлатиш, лотто, лоторея ва арғимчоқ ўйинларидан тушадиган маблағни шу мақсадда сарфлашга истисно тариқасида қаршилиги йўқлигини билдиради ва бу масала “ҳозирги вақтда ТКП МК томонидан кўриляпти, эҳтимолдан холи эмаски, бу ижобий ҳал бўлади” - дейди<sup>229</sup>. 1923 йил 2 июлида Туркистон ички ишлар халқ комиссарлиги ҳамма вилоят ижроия кўмитаси ва вилоят инқилоб кўмиталарига “зудлик” белгиси остида юборган хатида “Турк[истон] МИҚ қошидаги “Болалар комиссияси”га вақтинча, истисно тариқасида – лотто [ўйини] жорий этишга рухсат берилади – тушган фойдалар йигиндиси “Болалар комиссияси” ихтиёрига [Волгабўйи] болаларини реэвакуация қилишга ажратилади. ...маҳаллий “Болалар комиссия”ларидан шунга оид (лотто ўйини жорий этишга - Р. А.) сўровномалар бўлса, ҳеч қандай монеликсиз рухсат берилади” - дейилади<sup>230</sup>. Демак, харажатсиз ҳаракат қилиб бўлмаганидек, ҳаракатсиз харажатга маблағ топиш ҳам мушкул эди... Туркистондан очарчилик болаларини мумкин қадар тезроқ ва кўпроқ миқдорда реэвакуация қилиш маълум бир ташкилий масалаларни ечишни, мавжуд муаммоларга турли томондан ёндашишни тақозо этарди. Айни пайтда реэвакуация жараёнини чўзилиб кетиши шундоқ ҳам оғир аҳволни янада мушкуллаштириши муқаррар эди. Воқеалар ривожига бундай аҳволдан хавфсираган Туркистон халқ маорифи комиссари ўринбосари Ф. Оликов 1923 йил 18 июлида Туркистон МИҚга қилган мурожаатида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан ўз пайтида келтирилиб, бугунги кунда реэвакуация қилиниши керак бўлган болалар 15 минг нафар атрофида эканлигини, уларни ўз юртларига кўчирмаслик маҳаллий оч болаларнинг ўлимига сабаб бўлиши ҳамда янги ўқув йилини барбод бўлишига олиб келиши мумкинлигини уқтириб, БМИҚ раҳбариятидан қатъиян “...нима

<sup>229</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 20- варақ

<sup>230</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 21, 23- варақлар

бўлганда ҳам оч-қочоқ болалар реэвакуациясини шу йилнинг (1923) кузига тугатиш лозим”лигини таъкидлайди<sup>231</sup>. Ўз навбатида Туркистон МИҚ “Болалар ҳаётини яхши-лиш марказий комиссияси” 1923 йил 29 июлидаги мажлисида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келган очларни реэвакуация қилиш масаласини кўриб чиқиб, Туркистон МИҚнинг кейинги мажлисида она юртларида қариндош-уруғи бор болаларни реэвакуация қилиш зарурлигига эътиборни қаратиб, “Туркистонда маблағ йўқлигидан болаларнинг аҳволи оғир... болалар оч қоляпти. Бу эса маҳаллий бюджетга оғир юк бўлиб, Туркистонда халқ маорифини тараққиётига тўғаноқ бўляпти”, - дейилади<sup>232</sup>. Шуни таъкидлаш жоизки, “Марказий болалар кичик комиссияси” ўз саъй-ҳаракатида доимо эътиборни болалар оғирини енгил қилишга қаратиб келган. Бу борада қатъий чоралар кўришни тарафдори бўлган. Масалан, ушбу комиссия 1923 йил “Болалар уйи” ва интернатларни обдан текшириб, болалар яшаётган ҳолат жуда ёмонлиги, хусусан, очарчилик, қашшоқ аҳвол, тарбиявий ва медицина ишларидаги ўлда-жўлдалик бўйича далолатнома тузди. Текширув натижасида Чимкентдаги “Болалар уйи” му-дири бошчилигидаги 10 нафар ходим ва санитария вра-чи ўз вазифасини суистеъмол қилганликлари учун судга берилган. Текширув жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилган:

– Волгабўйи оч-қочоқ болаларининг эвакуация қилиш мақсадида рўйхатини олиш;

– “Болалар уйи” қошидаги ҳамма ишлаб чиқариш таш-килотларини текшириш ва рўйхатдан ўтказиш;

– болаларнинг ҳаммасини медицина кўригидан ўтказиш<sup>233</sup>.

Албатта, Туркистондаги шарт-шароит мумкин қадар болалар реэвакуациясини тезлаштиришни тақазо этар-ди. Аммо бундай талаблар қанчалик тўғри бўлишига

<sup>231</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 35- варақ

<sup>232</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 26- варақ

<sup>233</sup> Набиев Ф. Х. К характеристике продовольственного положения Туркестане... – С. 34.

карамасдан, мавжуд шарт-шароитга кўра Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келтирилган болаларни реэвакуациясини шошма-шошарлик билан ҳам амалга ошириб бўлмасди. Бунга сабаб шу эдики, келтирилган оч болаларнинг анча-мунчасини ота-онаси вафот этган ёки бедарак йўқолган эди. Шунинг учун дастлаб ота-онаси ёки яқин қариндоши барҳаётларнинг реэвакуацияси биринчи ўринда турди. Масалан, 1923 йил июл ойида Туркистон МИҚ қошидаги “Болалар ҳаётини яхшилаш марказий комиссияси” 1921 йилда Оренбург ва Самарадан келтирилган, ота-онаси барҳаёт 328 нафар болани аниқлаб, улардан 36 нафарини яқка тартибда, қолган 292 нафарини гуруҳларга бўлиб она юртларига реэвакуация қилишга тайёрлади. Болаларни жўнатишдан аввал медицина кўригидан ўтказилиб, йўлга ва ўз юртларига боргандан кейин ҳам бир неча кунга етадиган озиқ-овқат, керакли кийим ва поездга чипта билан таъминланган эди<sup>234</sup>. Реэвакуация муносабати билан Туркистон МИҚ қошидаги “Болалар ҳаётини яхшилаш марказий комиссияси” томонидан 1923 йил июл ойи учун яна 2644 та бош-оёқ кийим харид қилгани ҳам болаларни она юртларига жўнатиш билан боғлиқ эди<sup>235</sup>.

Туркистон раҳбарияти очлар реэвакуацияни тезлаштириш учун кенг миқёсдаги тадбирлар ишлаб чиқиш ҳаракатини сусайтирмади. Чунки ҳамон реэвакуация билан боғлиқ муаммолар ўлка раҳбариятининг ташвишига ташвиш қўшарди. Бунга сабаб Туркистондаги очарчилик эди. Айни пайтда кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, ўлкадан Волгабўйи, Уралолди очларини ўз юртларига реэвакуация қилиш жараёни жуда катта қийинчиликлар билан ўтарди. Айниқса бундай ҳолатнинг давом этиши болалар аҳволига жуда ёмон таъсир кўрсатарди. Шунинг учун ҳам навбатдаги кўрилган чоралардан бири бўлиб, Туркистон МИҚ ҳайъати томонидан 1923 йил 9 майида 1 июлдан – 7 июлга қадар “Касал ва қаровсиз болалар ҳафталиги” ўтказиш тўғрисида

<sup>234</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 37- варак

<sup>235</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 37- варак

қарор қабул қилиниши бўлди. Шу қарор муносабати билан Туркистон МИҚ 1923 йил 19 июнида ўлкадаги ҳамма вилоят ижроия кўмиталари ҳамда совет ташкилотларига кўрсатма хати юбориб, унда большевиклар ҳокимияти томонидан болалар масаласига катта эътибор қаратиш, хусусан “болаларга, айниқса қаровсиз ва касалларга бево-сита амалий ёрдам бериш ҳамда уларга доимий жамоатчи-лик кўмаги кўрсатиш пойдеворини қўйиш” зарурлигини уқтирилади<sup>236</sup>. Ушбу хатда мавжуд ҳолатга жаҳон уруши (1914 – 1918), 1921 – 1922 йиллардаги оғир аҳвол сабаб қилиб кўрсатилиб, совет ҳокимияти томонидан кўрилган чораларга қарамасдан “болалар аҳволи ҳамон қониқарсиз даражадалиги, Турк[истон] МИҚ ҳайъати кўзда тутилган компания (“Касал ва қаровсиз болалар ҳафталиги”ни на-зарда тутилган – Р. А.) га ҳамма ижроқўмлар томонидан махсус эътибор қаратиш зарурлиги ва уларга “ҳафта”лик ташкилотчилари ихтиёри учун зарур бўлган маблағларни ажратиш борасида имкон даражадаги ҳамма чораларни кўриш [ва бу] охир-оқибатда кўзда тутилган натижаларни бериши керак” деб, барча совет ташкилотларини моддий-молиявий томондан қўллаб-қувватлашга чақиради<sup>237</sup>.

Туркистон республикаси раҳбарияти томонидан амал-га ошириб борилаётган турли йўналишдаги тадбирлар кўламига болаларнинг ўзини, хусусан пионер ташкилот-ларини ҳам жалб қилинган. Ўз юртларига қайтарилаётган оч болалар тақдири бўйича саъй-ҳаракатларда маҳаллий ёш болалар ўртасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам муҳим ўрин тутарди. Масалан, 1923 йил 9 майида Тур-кистон МИҚ ташаббуси билан “Қаровсиз ва касал бо-лаларга ёрдам ҳафталиги” бошланишидан аввал турки-стонлик болаларга, ёш пионерларга Волгабўйи, Уралолди худудларидан келтирилган тенгдошларига ёрдам бериш зарурияти, уларнинг аксарияти ота-онасини йўқотган, тер-лама касалига дучор бўлганларни ташкил этганлиги, айти пайтда очарчилик худудларида қолган оч болалар аҳволи

<sup>236</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 19- варак.

<sup>237</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 19- варак.

ўлкага келтирилганларниқидан ҳам ёмонлиги, хусусан улар амалда уй-жойсиз, ейишга озиқ-овқатсиз, кўчаларда санғиб, тиламчилик қилиб юришга мажбурлиги, маълум бир қисми амалда ўлимга маҳкумлиги қайд этилади. Му-рожаатда Туркистон бўйлаб “Қаровсиз ва касал болаларга ёрдам ҳафталиги” 1923 йил 30 апрелидан 7 майгача давом этиши муносабати билан туркистонлик болалар қаровсиз оч тенгдошларига ёрдам кўлини чўзиш, хусусан уларни озиқ-овқат билан таъминлаш, даволаш, маҳаллий мактабларда ўқишга жалб қилиш, кайфияти-кўнглини кўтариш ишларида фаол қатнашиш ва жойларда шу мақсадда хайриялар уюштиришга чақирилган<sup>238</sup>.

Кўриляётган чора-тадбирларга қарамасдан, Туркистондан болалар реэвакуацияси секинлик билан борарди. Айни пайтда Фарғона вилоятида очарчилик тезроқ тарқалиб, ўз домига борган сари кўпроқ кишиларни тортарди. 1923 йил сентябридаги маълумотларга кўра, Фарғонада расман *очлар рўйхатидан ўтганлар 387018 кишини* ташкил қилган<sup>239</sup>. Эндиликда жойларда нафақат Россиядан келтирилган, балки маҳаллий очларни ҳам боқиш жуда қийин кечарди. Шунинг учун ҳам Туркистон МИҚ раиси 1923 йил 2 сентябрида СССР МИҚга, халқ маорифи комиссарлигига ҳамда Москвадаги Туркистон ваколатхонасига телеграмма юбориб, ўлкадан очлар реэвакуацияси жуда секинлик билан бораётгани тўғрисида ўз ташвишларини баён қилган. Ушбу телеграммада реэвакуация қилинмаган болалардан Туркистонда расман 11 мингта атрофида қолгани, айни пайтда Фарғонадаги очарчилик ўз қамровини кенгайтириб борётгани қайд этилади. Шунингдек, телеграммада Туркистонда мавжуд интернатларнинг 50 фоизида Татаристон, Бошқирдистон, Самара, Симбирск, Пенза, Оренбург ва бошқа очарчилик ҳудудларидан келган болалар истиқомат қилаётгани, Фарғонадаги очарчилик уларни ҳам иқтисодий аҳволига салбий таъсир кўрсатаётганини ва ана шу сабаблардан ке-

<sup>238</sup> ЎЗР МДА, Р. 22- фонд, 1- рўйхат, 103- иш, 23 – 24- варақлар.

<sup>239</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 119 – 125 варақлар



либ чиқиб, қаҳратон совуқларга қолмасдан болаларни ўз юртларига реэвакуациясини тезлаштиришни сўралган<sup>240</sup>.

Марказ учун реэвакуацияни амалга оширишни тўхтатиш имконияти бўлмаган ҳолда, уни тезлатмасликнинг имконияти бор эди. Мавжуд манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, аслида Марказ реэвакуация жараёнини тезлаштиришдан манфаатдор эмас эди... Шунинг учун ҳам Москвадан Туркистон МИҚга 1923 йил 16 сентябрда берилган кўрсатмага мувофиқ, Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилган болалардан фақатгина ота-онаси борлар, отаси ёки онаси ва яқин қариндоши борларгина Туркистондан реэвакуация қилиниши мумкин эди. Бошқачароқ айтганда, ҳеч кими ва борар жойи йўқ болалар реэвакуация қилиниши мумкин эмасди. Туркистон халқ маорифи комиссарининг берган маълумотиغا кўра, ўлкага Россиянинг очарчилик ҳудудларидан келтирилган болаларнинг кўпчилигини ота-онаси очликдан вафот этган ёки улар ўз ота-оналарини йўқотганлардан эди<sup>241</sup>.

1922 – 1924 йилларда Туркистондан реэвакуация жараёни амалда бўлганига қарамасдан, айнан шу пайтнинг ўзида ўлкага Россиянинг очарчилик ҳудудларидан эвакуация ҳам давом этаверган. Бошқачароқ ифодалаганда, Туркистон 1922 йил сентябридан бошлаб Россиядан келтирилган очларни реэвакуация қилиш билан шуғулланганига қарамасдан, ҳамон ўлкага Волгабўйи ҳудудларидан уюлмаган ҳолда, хусусан оч-қочоқлар келиб турган. Бундай ҳолат Туркистон раҳбариятининг норозилигига олиб келган. Масалан, 1923 йил 15 декабрдаги маълумотларга кўра, Туркистон МИҚ Москвадаги раҳбариятга мурожаат қилиб, Самарадан охириги ҳафтада 400 нафар оч-қочоқ болалар Тошкентга келганини, натижада ич терлама касаллиги ҳамда бандитизм ҳолатлари вужудга келганини қайд этиб, келган болаларни жойлаш, боқиш имконияти йўқлиги ва шу сабабдан Туркистондан реэвакуация жараёни кетаётган айни бир пайтда, ўлкага келаётганларни

<sup>240</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 43- варақ

<sup>241</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 368- иш, 42- варақ



тўхтатиш чораларини кўришни сўраган<sup>242</sup>. Аммо Марказга қилинган бундай тартибдаги сўров ва муурожаатлар амалда ҳеч қандай оқибатларга олиб келмаган.

Туркистондан болалар реэвакуацияси ҳар хил тарзда амалга оширилган. Кимнидир 30 – 40 ва ундан кўп ҳолда гуруҳлар таркибида ва яна бошқа бирларини кичик гуруҳларга бириктириб, яъни 3 – 7 кишидан қилиб Россиядаги ўз юртларига жўнатилган. Ҳатто айримларини якка тартибда ўз юртларига қайтишларига ҳам рухсат берилган. Масалан, 1923 йил августида Туркман вилоят ОЁ комиссияси томонидан 16 ёшлилардан В. Галиев, С. Мухарямов, М. Усмонова, М. Исоқов, 15 ёшли М. Усмонов, 14 ёшли А. Исанчуринларни Оренбург ва Қозонга жўнатилган<sup>243</sup>.

Келтирилган далиллардан кўриниб турибдики, ўз пайтида Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан эвакуация қилинганларни реэвакуацияси бир маромда амалга оширилмаган. Туркистондаги ва аниқроқ айтганда Фарғона вилоятидаги очарчилик ўлка раҳбариятини имкон қадар реэвакуацияни тезлаштиришга ундаган ҳолда, Қозон, Уфа, Самара, Оренбург, Симбирск ва бошқа губерниялардаги раҳбарият эса, ўз пайтида ҳосилдор деб топилган ҳудудларга эвакуация қилинган ҳамюртларини қайта қабул қилишни мумкин қадар орқага суришдан манфаатдор эдилар. Чунки Россиянинг очарчилик ҳудудларидаги раҳбарият учун ҳамюрти бўлган тақдирда ҳам ортикча “нонхўр” – очларнинг келганидан кўра, уларни ўша Туркистон ва бошқа ҳосилдор ҳудудларда “бир кунини кўриб” яшаб тургани маъқул эди. Бунга мисол қилиб ўз пайтида Оренбургга эвакуация қилинган болаларни яна реэвакуация муносабати билан қабул қилиб олишдаги пайсалга солиш жараёнини кўриш мумкин.

Очлар эвакуацияси бошланган ва давом этаётган 1921 – 1922 йилларда Оренбург губерниясидан уюшган ҳолда 5000 нафардан кам бўлмаган болалар Туркистонга келтирилган эди. Ушбу миқдордаги болаларнинг 80 фоизини

<sup>242</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд. 1- рўйхат. 368- иш. 134- варақ

<sup>243</sup> ААП Туркм., ф. Р – 94, оп. 1, д. 14, л. 383; д. 65, л. 404

Оренбург губерниясида истиқомат қилган болалар ташкил қилган. Келтирилган болалар реэвакуацияси амалда 1922 йил 21 октябрдан бошланиб, 155 нафар бола Оренбурга қайтарилган<sup>244</sup>. Аммо бу жараён жуда секин ва кийинчиликлар билан амалга оширилган. Шунинг учун бўлса керак Оренбургга реэвакуация 1923 йил июнида ҳам тугатилмаган эди. Реэвакуация бир маромда кетмаганлигига бир неча сабаблар бор. Чунки реэвакуация тўғрисидаги хабар Оренбург губернияси халқ маорифи бўлими(ХМБ)нинг норозилигига олиб келган. Шу муносабат билан губерния ХМБ Оренбург ижроия кўмитаси раҳбариятига “ҳозирги пайтда бирорта ҳам болани қабул қилиш имкониятимиз йўқ”<sup>245</sup>, деб маълумот берган. Лекин шунга қарамасдан, Туркистондан болалар реэвакуацияси 1922 йил иккинчи ярмидан, катга қаршиликларга қарамай, амалда бошланган эди. Масалан, 1923 йил 23 июнда 800 нафардан ортиқ болалар Туркистондан Оренбургга келтирилди. Аммо келтирилган болаларни жойлаштириш, овқатлантириш учун Оренбургда имкон топиш муаммо бўлиб қолди. Шу муносабат билан Оренбург губерния ижроия кўмитаси хайъати 1923 йил 23 июнида куйидаги мазмунда қарор қабул қилган: “Оренбург губерниясидаги оғир [иктисодий] аҳволдан келиб чиқиб, губ[ерния] ижро[ия] кўм[итаси] шунча (800 нафардан ортиқ-Р. А.) болаларни қабул қила олмайди... шу сабабдан тегишли ташкилотларга болаларни Оренбург губерниясига қарашли эканлигини ва [шу муносабат билан ўз қарамоғларига] қанча болаларни қабул қила олиши мумкинлигини аниқлаш топширилади”<sup>246</sup>. Оқибатда ўз юртларига қайтиб сарсон-саргардон бўлиб қолган “эгасиз болалар” жой топилгунга қадар Туркистондан бериб юборилган бир неча кунлик заҳирадаги овқатларини еб туришга мажбур бўлганлар. Чунки ўша 800 нафардан ортиқ болалар тақдири 1923 йил 27 июнида ҳам губерния

<sup>244</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 457, л. 77

<sup>245</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 576, л. 7

<sup>246</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 576, л. 9

раҳбарияти муҳокамаида бўлиб, ҳали бу масала ечимида бир тўхтамга келинмаган эди<sup>247</sup>...

Бундан кўриниб турибдики, Туркистондан реэвакуация қилинаётган ўзларига қарашли болаларни Оренбург губернияси раҳбарияти яна ўз бағрига қайтариб олишни мутлақо хоҳламас эди. Оренбург губерния ижроия қўмитаси, ХМБ раҳбарияти реэвакуация жараёни “кутилмаган ҳолатда эрта бошланган” деб ҳисоблаб, агар ўша реэвакуация қилинган ҳудудда (Туркистонни назарда тутилган-Р. А.) иқтисодий аҳвол ночор, очарчилик бўлса, унда Марказ болаларни “очликдан очликка ташламасдан, уларни янги ҳосилдор ҳудудларга кўчириш чораларини кўриши керак эди”<sup>248</sup>, деб ҳисобларди. Оренбург губерния ижроия қўмитаси жойларда яхши ҳосил бўлмаганидан келиб чиқиб, болаларни Туркистондан реэвакуациясини ҳали эрта деб ҳисоблаган. Оренбург раҳбарияти фикрича, очарчилик оқибатлари Оренбургда тўла тугатилмаган эди. Шу муносабат билан Оренбург губернияси ижроия қўмитаси БМИҚ, РКП(б), РСФСР ХКК раҳбариятига муурожаат қилиб, Оренбургда 1923 йилги ҳосилдорлик кутилган натижани бермагани учун реэвакуация қилишни тўхтатишни сўрашган. 1923 йил 18 июлда Оренбург губернияси халқ маорифи бўлими БМИҚ ОЁ МКга қилган муурожаатида “... Оренбург губернияси иқтисодий кенгаши қарорига мувофиқ реэвакуацияга ҳали эрта... Шунинг учун Бухородан қайтарилаётган болаларни қабул қилишга ҳали тайёр эмасмиз... Туркистондан келаётган болалар поезддан қабул қилинмайди, чунки болалар уйлари ва интернатлар тўлиб кетган”<sup>249</sup>, дейилади.

Аммо мажуд норозиликларга қарамасдан Туркистондан реэвакуация жараёни давом этарди. Масалан, 1923 йил 18 июлида Бухорода яшаётган Оренбург губерниясига қарашли болалар ўз юртларига реэвакуация қилинган эди. Ушбу реэвакуациядан хабардор бўлган Оренбург губернияси ХМБ раҳбарияти Қозоғистон МИҚ қошидаги “Бола-

<sup>247</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 576, л. л. 2.2 об., 8.

<sup>248</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 576, л. 39

<sup>249</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 576, л. 19.

лар ҳаётини яхшилаш марказий комиссияси”га жой, озик-овкат муаммоси туфайли болаларни реэвакуацияси ҳали эрта бошланганини, аммо губерния ижроия кўмитаси, ХМБ “норозилигига қарамасдан Туркистондан болалар жўнатиляпти... оғир аҳволдамиз. Келаётган болаларни поезддан қабул қилинмайди, чунки ҳамма болалар ташкилотлари тўлиб ётибди”<sup>250</sup>, – деб хабар беради. Бундай норозилик ҳолатлари шундан далолат берадики, ҳақиқатдан ҳам очарчилик Россиянинг айрим ҳудудларида ҳамон давом этарди. Аммо Марказ бу муаммо ечимида оч болаларни Туркистонда қолдира олмаган ҳолда, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига уюшган тарзда очлар реэвакуациясини амалга оширмасдан ҳам иложи йўқ эди. Том маънода Россиянинг очарчилик ҳудудларида иқтисодий аҳвол ҳамма жойда ҳам тўлақонли изга тушмаган, муаммолар етарли эди. Аммо “нимагадир” Марказ Туркистондан реэвакуация қилинаётган болаларни *“очликдан очликка ташламай”*, яъни яна ўша очарчилик тўла бартараф бўлмаган ҳудудларга қайтариб, амалда Москва, Петербург каби “инқилоб марказ”ларига қабул қилишни хоҳламасди.

Ҳақиқатан ҳам очарчилик Россиянинг барча ҳудудларида тўла маънода чекинмаган эди. Масалан, 1922 йил октябридан Татаристон республикаси яна очарчилик гирдобига тортилди. Хусусан, Татаристон республикаси аҳолиси очарчиликдан нима ўнг келса шуни истеъмом қилишга мажбур бўлган ошқозонларини тозалашга улгурмай яна истеъмомлоб бўлмаган нарсаларни ейишга тушдилар. Шундай қилиб, 1923 йил мартгача бўлган маълумотларга қараганда, Перм губерниясида 71839 нафар бола, Челябинскда 144074 нафар ва Бошқирдистонда 394576 нафар болалар очарчилик азобини тортарди<sup>251</sup>. Бундай ҳолат Оренбург губерниясида ҳам хотиржамликка асос бўла олмасди. Масалан, Оренбург губернияси ер ишлари мудирининг 1923 йилда берган маълумотида кўра экин ерлари ва иш ҳайвонлари қуйидагича бўлган: (2. 1. жадвал)

<sup>250</sup> ГАОО, ф. Р – 450, оп. 1, д. 576, л. 19

<sup>251</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 57, л. 59; д. 478<sup>а</sup>, л. 64

**Экин ерлари ва иш ҳайвонлари тўғрисида маълумот  
(1917 – 1922 йй.)**

2. 1-жадвал

№	Йиллар	Экин ерлари	Иш ҳайвонлари
1	1917	840607 дес.	330325 бош
2	1920	569030 дес.	261256 бош
3	1921	481838 дес.	179817 бош
4	1922	286129 дес.	81457 бош

Бошқачароқ айтганда, экин майдонлари 34 фоизга, иш ҳайвонлари эса 28 фоизга қисқариб кетган. Шу даврда аҳоли 713631 кишидан 411397 кишига тушиб қолган ёки 302234 кишига камайиб кетган<sup>252</sup>.

Кўриниб турибдики, очлар реэвакуацияси бошланганига қарамасдан, Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги аҳвол тубдан яхши томонга ўзгарган деб бўлмасди. Аслида 1923 йил ҳосили унумли бўлиши учун ҳам имконият жуда яхши эмасди. Чунки жойларда етарли даражада экин экилмаган эди. Татаристон, Бошқирдистон республикаларидаги экилган ерлар миқдори жуда кам бўлиб, боз устига экилганларининг ҳам қурт босиб кетган эди. 1923 йилги ҳосилнинг Татаристондаги аҳоли тўғрисида берилган маълумотларда “янги ҳосил (1923 йилги – Р. А.) олиниши билан 1921 – 1922 йиллардаги очарчиликка барҳам берилгани йўқ. Баҳорда ҳосил яхши бўлади деб ўйланган эди. Аммо умидлар пучга чиқди. Июн ойи (1923) даги қурғоқчилик кўп зарар келтирди. Баҳорги экинлар кўп зарар кўрди. Кимки эртароқ эккан бўлса, 5 – 6 ойлик ва аксинча, кимки кечроқ эккан бўлса 1 – 2 ойлик ғаллага эга бўлади... бу очарчилик ўтган йил қишидагидан ҳам даҳшатлироқ бўлади”<sup>253</sup>, – дейилади.

1923 йил 1 апрелига қадар чет эл ташкилотлари Волгабўйи, Уралолди ҳудудларида яшаётган болалардан 2 млн. 321 минг 567 нафарини, катта ёшдагилардан эса 357 минг 501 нафарини ва умуман олганда 2 млн. 679068

<sup>252</sup> ЦДНИ ОО, ф. 1, оп. 1, д. 393, л. 1

<sup>253</sup> Гасырлар авазы-Эхо веков, №3/4, 1997, с. 136

та кишини боқарди<sup>254</sup>. Демак, Россиядаги очарчилик расман 1921 – 1922 йиллари бўлган деб қайд этилсада, аслида очарчилик 1923 – 1924 йиллари кенг кўламда бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда давом этган...

Шундай қилиб, юқорида келтирилган Оренбургга реэвакуация жараёнидан икки хил хулосага келиши мумкин. Биринчидан, Туркистондаги иқтисодий аҳвол ўлка раҳбариятини реэвакуацияни тезлатишдан манфаатдор қилган бўлса, иккинчидан, Оренбург ва бошқа губерниялар очарчилик оқибатларидан ҳали тўла-тўқис қутилишга улгурмаган эдилар. Айни пайтда янги йигиштириладиган 1923 йилги ҳосил ҳам катта умид қилишга асос бўла олмасди. Шундай аҳволда Туркистон раҳбарияти ўз халқини боқиш тараддудига тушиши ва айни пайтда Россиядаги очарчилик ҳудудларидаги раҳбариятнинг келгуси ҳосилдан умидсизлиги туфайли реэвакуациядан норозилик ҳам ўзига хос табиий ҳол эди.

Юқоридагига ўхшаш, яъни ўз ҳамюртлари манфаати йўлида чора-тадбирлар кўриш ҳолатлари ўз пайтида Оренбург губерниясининг ўзида ҳам рўй берган эди. Маълумки, 1921 йили Оренбург губерниясида ҳам иқтисодий аҳвол ёмонлашиб, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш қийинлашиб борарди. Оренбургда губерния аҳолисидан ташқари турли ҳудудлардан, хусусан Бухоро, Туркистон ва бошқа жойлардан ўз пайтида (1917 – 1919) очарчилик туфайли бориб қолган ҳар хил миллат вакиллари истиқомат қилишар, бошқа бирлари савдо-сотик ва бошқа ишлар билан шуғулланишар эди. Ўз навбатида Оренбургдаги очарчилик муносабати билан маълум бир чоралар кўришни тақазо этарди. Хусусан, очарчилик муносабати билан губерниядаги аҳволдан келиб чиқиб, 1921 йил июль-сентябр ойларида Оренбургда истиқомат қилаётган Туркистон, Бухоро аҳолисининг маълум бир қисмини ўз юртига қайтарганлар, яъни амалда хоҳиший-мажбурий реэвакуация қилганлар. Чунки ўзини ўзи боқа олмаётган Оренбург аҳолиси учун Туркистон ва Бухоро аҳолиси

<sup>254</sup> ЦГИА РБ, ф. Р – 629, оп. 1, д. 479, л. 221

бўлмиш ўзбек, туркман, тожик, қирғизлар, “ортиқчалик” қилганлиги муқаррар<sup>255</sup>. Ўзига хос хоҳиший-мажбурий реэвакуация жараёни 1921 йили Оренбургда вужудга келган бўлса, эндиликда, яъни 1922 йилдан Туркистон ҳамда Бухоро республикаларида ҳам шундай ҳолатга тушиб қолинган эди.

Туркбошэвак 1922 – 1923 йиллари нафақат Туркистон, балки Бухорода истиқомат қилаётганларни реэвакуацияси билан ҳам шуғулланган. Туркистон МИҚ ўзининг 1923 йил 13 сентябридаги қарорига мувофиқ, “Очарчилик оқибатларини тугатиш марказий комиссияси” ва унинг жойлардаги маҳаллий органларининг фаолиятини тугатади. Эндиликда ушбу қарор асосида очарчилик оқибатида қаровсиз қолган, етим болаларга ёрдам масалалари билан Туркистон МИҚ қошидаги “Болалар комиссияси” ва халқ маориф комиссарлиги шугулланадиган бўлган бўлса, медицина ёрдамига соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги жалб этиладиган бўлди<sup>256</sup>.

Туркистондан Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига реэвакуация жараёни 1924 йилда ҳам давом этган. Эндиликда Россия очларини ўлкадан кўчириш билан шуғулланиш Туркистон қишлоқ хўжалиги кўмитаси зиммасига юклатилган эди<sup>257</sup>. 1924 йил 3 апрелидаги маълумотга кўра, Волгабўйидан келган оч-қочоқ болалардан 53 нафари Туркистондан ўз она юртларига жўнатилган<sup>258</sup>. Асосий вазифалар қаторида Туркистондан реэвакуация қилинмай қолиб кетган болаларни топиб, уларни ўз она юртларига етказиш керак эди. Агар ўша оч-қочоқ тариқасида Туркистонда қолиб кетганларни махсус назорат остида ўз юртларига жўнатилмаса, улар Туркистон бозорларида, қишлоқ хўжалик ва бошқа ишларга ёлланиб тирикчилик ўтказишга ўрганиб қолган эдилар. Бундан ташқари ўша оч-қочоқлар назоратдан чиқиб кетиб, ўгрилик, қароқчилик йўлларига кириб кетиш ҳоллари ҳам учраб турган. Шу-

<sup>255</sup> ГАОО, ф. Р – 1, оп. 1, д. 219, л. л. 19, 24 об., 26 об.

<sup>256</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 359- иш, 234- варақ ва орқаси

<sup>257</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 954- иш, 44- варақ

<sup>258</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 954- иш, 5- варақ



нинг учун ҳам ўша XX аср 20- йилларидан “самаралик” деган сўз назоратсиз, ўғри, қароқчи болаларга нисбатан қўлланадиган ибора тариқасида тушуниладиган бўлиб қолган. Шундай ҳолатлар бўлганки, агар қаровсиз болаларни турли жойлардан йигиб, поездга ўтқазиб Россияга юборилса, уларнинг аксарияти кўп юрмай йўлда тушиб қолиб, яна Тошкент ёки бошқа шаҳарларга қайтиб келиб “кун кечира” берган. Ўз юртига юборилган оч-қочоқ болаларни яна Тошкентга қайтиб келмаслиги учун уларни “охиригача кузатиб” қўйишга махсус раҳбар ажратилган. Масалан, 1924 йил май ойида С. А. Зданович номига Туркистон МИҚ қошидаги қишлоқ хўжалиги масъул котиби имзоси билан берилган гувоҳномада, Туркистондан самаралик қаровсиз болаларни (болалар сони кўрсатилмаган - Р. А.) Самара шаҳрига қадар кузатиб борувчи деб ҳужжат берилган<sup>259</sup>.

Туркистон МИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак кўмитаси оч-қочоқларни, айниқса қаровсиз болаларни топиш ва уларни поезд орқали ўз юртларига реэвакуация қилиш ечими билан шуғулланган. Масалан, Туркистон МИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак кўмитаси 1924 йил 17 майда Тошкент темир йўл станцияси бошлиғига мурожаат қилиб, Россиянинг айрим станцияларигача чипта нархини сўраган. Берилган маълумотда, Екатеринослав, Самара, Қозон, Бугуруслан, Уфа, Симбирск, Саратов, Сизрангача бўлган чипта нархлари кўрсатилади. Демак, бундан шу хулосага келиш мумкинки, реэвакуация қилиниши кўзда тутилаётган оч-қочоқларнинг тушиб қолиши юқорида қайд этилган шаҳарлардаги темир йўл станцияларига тўғри келган<sup>260</sup>.

Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келганларни ўз юртларига жўнатишда фақат чипта олиб беришгина муаммо эмас эди. Чунки очарчилик ҳудудларидан оч-қочоқ тариқасида келган болаларни излаб топиш бир муаммо бўлса, уларни тўплаб, уюшган ҳолда (асосан якка ҳолда жўнатиб бўлмасди-Р. А.) маълум миқдордаги

<sup>259</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 954- иш, 17- варак

<sup>260</sup> ЎЗР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 954- иш, 9- варак

озиқ-овкатлар билан жўнатиш учун ҳам тегишли тарзда маблағлар топиш маълум қийинчиликларни туғдирарди. Марказ томонидан ва кейинги пайтларда Туркистон МИҚ, ХКК бу масалалар ечими учун давлат бюджетидан маблағ ажратиш ташвишидан ўзларини соқит қилишган эди. Шунинг учун ҳам ташкилий масалалар билан боғлиқ иқтисодий муаммолар ечими ҳам яна Туркистон аҳолиси ҳисобидан амалга ошириларди. Масалан, 1924 йил 31 майда Тошкент Янги шаҳри ижроия кўмитасига Туркистон МИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак кўмитаси масъул котиби мурожаат қилиб, “5 июн [1924] куни шаҳар боғида оч-қочоқлар ва қаровсиз болаларни реэвакуация қилиш билан боғлиқ маблағни топиш учун “Халқ сайли” уюштириш”га руҳсат сўраган”<sup>261</sup>. Ана шундай тадбирлар уюштириб, керакли маблағларни топиш натижасида фақатгина 1924 йил июл ойида 436 нафар катта ёшдагилар ва 98 нафар болалар Волгабўйи, Уралолди ҳудудларига реэвакуация қилинган эди<sup>262</sup>.

Туркистон МИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак кўмитасининг ўлкадаги оч-қочоқларни ўз юртларига жўнатиш билан боғлиқ саъй-ҳаракати ҳам амалда 1924 йил июл ойидан тўхтагилган эди. Чунки 1924 йил 2 июлида БМИҚ қошидаги қишлоқ хўжалигига кўмак кўмитасининг махсус секцияси раиси Винокуров Туркистон МИҚ раҳбариятига мурожаат қилиб, реэвакуация муносабати билан жойлардан маблағ сўрашаётганини айтади ва “бу йил Волгабўйининг бир қисми ва Жанубий Шарқда ҳосилсизлик белгилари кўриняпти. Шунинг учун кўпчилиги ночор бўлган оч-қочоқлардан иборат гуруҳларни у ерларга қайтариш (реэвакуация) мақсадга мувофиқ эмас. Шу муносабат билан Сизлар вақтинча, Волгабўйи ва Жанубий Шарқдаги иқтисодий аҳвол аниқлангунга қадар, оч-қочоқларни қайтариб жўнатишдан ўзингизни тийсангиз...”<sup>263</sup>, – дейди.

Шуниси кизиқки, оч-қочоқлар, расман эвакуация

<sup>261</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 954- иш, 20- варак

<sup>262</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 954- иш, 37- варак

<sup>263</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 954- иш, 45- варак

қилинганларни, хусусан очарчилик болаларини ҳам Марказ томонидан Россияга реэвакуациясини тўхтатиб турилиши талаб қилинаётган бир пайтда, Ўлкага Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидан келаётганлар орқаси узилмас эди. Амалда Марказ Волгабўйи, Уралолди ҳудудларидаги очарчиликка тўла барҳам бера олмагани натижасида, очқочоқлар оқимини Туркистонга келишини ҳам тўхтага олмаган ва ёки тўлақонли назорат қилиш имкониятидан узоқда бўлган. Масалан. 1924 йилнинг 4 ноябрида Туркистон ижтимоий таъминоғ халқ комиссарлиги Туркистон МИК раиси Айтаков номига қилган мурожаатида Ўлкага ўз пайтида очарчилик туфайли келиб қолган очқочоқларни озик-овқат билан таъминлаш борасида катта қийинчиликларга тўқнашилаётганлиги, уларни “вилоятдаги шаҳарлар ва уездларга тақсимланаётганлиги, аммо [очқочоқларнинг] кўпчилиги барибир Тошкентга йиғилгани”га эътиборни қаратиб, “ҳозирги кунда уларнинг сони 1000 дан ортиқ ва улардан 500 га яқини аёллар ҳамда болаларни ташкил қилади” – дейилади<sup>264</sup>.

---

<sup>264</sup> ЎзР МДА, Р. 17- фонд, 1- рўйхат, 645- иш, 32- варақ

## ХУЛОСА

Туркистон халқи Россиянинг очарчиликка дучор бўлган болаларини очлик азоб-укубатларидан қутқаришда, уларга озиқ-овқат, бошпана, кийим-кечак беришда меҳмурувват намуналари кўрсатиб, ўз саҳоватларини аямай, халқимизга хос бағрикенглик намуналари кўрсатганлар.

Болажон Туркистон халқи Волгабўйи, Уралолди худудларидан уюшган ҳолда эвакуация қилинганларни ва айна пайтда оч-қочоқ тариқасида келган оч болаларни ҳам ўз бағрига олиб, уларга бошпана, озиқ-овқат, кийим-кечак бериб, ўзлари ва фарзандлари ризқини улар билан биргаликда баҳам кўрганлар. Эндигина очарчилик озоб-укубатини бошидан ўтказган Туркистон халқи (1917 – 1919 йиллардаги очарчилик – Р. А.) XX аср бошларидан нафақат ўз фарзандларини, балки Россиянинг очарчилик худудларидан келтирилган турли миллатларга мансуб болаларни ўз паноҳига олиш, боқиш, кийинтириш ишларига ҳам жалб этилган. Агар бу ҳолат Туркистон халқининг ўзи тўйиб овқат еб-емаётган, ҳокимият учун кураш авж олиб, бошқарувда бошбошдоқлик ва айна пайтда большевистик зуғум кучаяётган даврга тўғри келганини ҳисобга олинса, маҳаллий аҳоли томонидан нақадар сабр-тоқат, кучли ирода ва инсонийлик хислатлари намоён бўлганини кўриш мумкин. Эътироф этиш лозимки, ҳаётнинг бундай оғир, машаққатли синовларида Туркистон халқи ўз болажонлигини намоёйиш этиб, том маънода бағрикенглик намуналарини кўрсата олган. Айтиш мумкинки, амалда Туркистон халқи Волгабўйи, Уралолди худудларидаги оч болалар мушкулини енгиллаштиришда бор ва ҳаттоки даярли йўқ имкониятларини ҳам сафарбар қилиб, очларни муқаррар ўлимдан қутқаришда фаол қатнашганлар.

Туркистон халқи нафақат Россиянинг очарчилик худудларидан эвакуация тариқасида ҳамда оч-қочоқ бўлиб келганларни, балки ўша Волгабўйи, Уралолди худудларида қолиб, очарчилик азоб-укубатларини тортаётган болаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъмин-

лашда ҳам иштирок этганлар. Бошқачароқ ифодалаганда, Марказ томонидан Туркистон халқи нафақат ўлкага келтирилган – келиб қолганларнинг таъминотига, балки Россия марказий губернияларидаги оч болаларга озик-овқат юборишга ҳам хоҳиший ва айрим ҳолларда турли тарғибот-ташвиқот орқали хоҳиший-мажбурий тарзда жалб этилган. Аслида Туркистондаги иқтисодий аҳвол Марказдаги раҳбарият тасаввуридек “жуда яхши, ҳосилдор” бўлмай, амалда ўлка аҳолисининг ўзи эндигина очлик азобларидан қутилиб, қаддини ростлашга улгуриб-улгурмаган эди. Шундай қийинчилик аҳволда ҳам Туркистон халқи очарчилик болаларини ўз бағрига олиб, уларга меҳр-мурувват кўрсатишга, оғирини енгил қилишга, ночор аҳволда кун кўраётганига қарамасдан бор-будини келтирилган болалар билан ўзаро баҳам кўришга эришди. Айтиш мумкинки, Туркистон Россиянинг очарчилик ҳудудлари болалари учун “Нажот” ўлкаси вазифасини бажарди.

Туркистон халқининг Россия очарчилик болаларига ёрдам кўрсатишда Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ва унинг жойлардаги ОЁ комиссиялари фаолияти муҳим аҳамият касб этган. Хусусан, Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК суткасига 18 – 20 соатлаб ишлаб, келтириляётган ёки ўша Россиядаги очарчилик ҳудудларида бир бурда нонга зор болаларни мушкулени енгиллаштиришда амалда тиним билмай ишлаганлар. Айнан республика ОЁ МК саъй-ҳаракати туфайли жойларда “Ўнта таъминланганлар битта очни ўз қарамоғига олиши керак”, “Ҳамма очарчиликка қарши курашга” каби шиорлар ҳаётга татбиқ этилган. ОЁ комиссиялари томонидан амалга оширилган ишлар охир-оқибатда минглаб очларни ўлимдан қутқаришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, очарчилик фожеаси “дунё тор” эканлигини, халқлар бошига тушган кулфат ечимида биргаликда ҳаракат, ўзгалар дардига бефарқ бўлмаслик зарурлигини яна бир бор исботлади.

Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МКнинг туну кун кўрсатган фаолияти туфайли фақатгина 1921 йил августидан шу йилнинг декабр ойига қадар Россиянинг очарчилик ҳудудларига 562 вагон ғалла, 199 вагон крупа, 180 ва-

гон сули юборилган. Яна рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, фақатгина 1921 йил августида 38 минг 500 пуд, октябрда эса 2 млн. 385 минг 500 пуд ва умуман шу йилнинг 1 августидан 1 ноябрга қадар 6 млн. 915 минг 500 пуд ғалла очарчилик худудларига жўнатилган эди<sup>265</sup>. Юқорида қайд этилганидек, бундан ташқари Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК ўлкага эвакуация қилинаётган катта-кичик ёшдагиларни жойлаштириш, уларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш ишларида ҳам жонбозлик намуналарини кўрсатдилар. Айнан уларнинг сайъи ҳаракати туфайли Туркистон ўз қарамоғига 500 мингдан кам бўлмаган катта-кичик ёшдаги очларни қабул қилиб, уларни кундалик ҳаёти учун зарур бўлган нарсалар билан таъминлашда кенг қамровли фаолият кўрсатдилар.

---

<sup>265</sup> Известия (ТуркЦИК), 15 января 1922 г.

## ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР ИЗОҲИ

ААП Кирг. – Архив Аппарата Президента Киргизстана.

ААП Тадж. – Архив Аппарата Президента Таджикистана.

ААП Туркм. – Архив Аппарата Президента Туркменистана

АЁМ – Америка ёрдам маъмурияти – American Relief Administration.

Бошқирдистон МИҚ – Бошқирдистон марказий ижроия кўмитаси.

Бошқирдистон МИҚ қошидаги ОЁ МК – Бошқирдистон марказий ижроия кўмитаси қошидаги очларга ёрдам марказий комиссияси.

БМИҚ – Бутунроссия марказий ижроия кўмитаси.

БМИҚ қошидаги ОЁ МК – Бутунроссия марказий ижроия кўмитаси қошидаги очларга ёрдам марказий комиссияси.

ВЧК – Всероссийская чрезвычайная комиссия (Бутунроссия фавқулодда комиссияси).

ГАОО – Государственный архив Оренбургской области.

Марказэвак – Марказий эвакуация.

НА РТ – Национальный архив Республики Татарстана.

НВДА – Наманган вилоят давлат архиви.

ОЁ – очларга ёрдам.

ОЁ МК – Очларга ёрдам марказий комиссияси

РГАСПИ – Российский государственный архив социально-политической истории.

Татаристон МИҚ – Татаристон марказий ижроия кўмитаси.

ТКП – Туркистон коммунистик партияси.

Туркистон МИҚ – Туркистон марказий ижроия кўмитаси.

Туркистон ХКК – Туркистон халқ комиссарлар кенгаши.



Туркистон МИҚ қошидаги ОЁ МК – Туркистон марказий ижроия қўмитаси қошидаги очларга ёрдам марказий комиссияси.

Туркмарказэвак – Туркистон марказий эвакуация бош бошқармаси.

Украина МИҚ – Украина марказий ижроия қўмитаси.

ХМБ – Халқ маорифи бўлими.

ЦГА ИПДРТ – Центральный государственный историко-политической документации Республики Татарстана.

ЦГИА РБ – Центральный государственный исторический архив Республики Башкортостана.

ЦДНИ ОО – Центр документации новейшей истории Оренбургской области.

ЦХИДНИТ – Центр хранения и изучения документов новейшей истории Татарстана.

ЎзР МДА – Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви.

ЎзР ПДА – Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви.

ЎзР ПДА қошидаги СВБ – Ўзбекистон Республикаси Президент Девони архиви қошидаги Самарқанд вилоят архиви.

УДК: 94(575)

63.3(5Ў)6

P25

**Расулов, Абдулла.**

**P25** Туркистон халқи бағрикенглиги (хх аср 20-йиллари бошларида Россиядан эвакуация қилинган болалар мисолида) /А. Расулов; масъул муҳаррир Р. Ҳ. Муртазаева; ЎзР олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган Давлат ун-ти. – Т.: Yangi nashr, 2011. – 138 б.

ББК 63.3(5Ў)6+66.4(5Ў)

*Илмий-оммабон нашр*

АБДУЛЛА РАСУЛОВ

## **ТУРКИСТОН ХАЛҚИ БАҒРИКЕНГЛИГИ**

*(XX аср 20- йиллари бошларида Россиядан эвакуация  
қилинган болалар мисолида)*

Мухаррир *Ж. Қўнишев*  
Бадий муҳаррир *А. Ақилов*  
Техник муҳаррир *Б. Ирисбоев*  
Мусахҳих *З. Ирисбоева*  
Саҳифаловчи *Б. Усмонов*

Лиц № 111. Босишга 20.08.2011 йилда рухсат этилди.  
Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>. Ҳажми 8,0 б.т.  
Нусхаси 700. Буюртма № 28.

“YANGI NASHR” нашриёти

“MEDIANASHR” МЧЖ босмаҳонаси  
Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-уй.



**Расулов Абдулла Нуритдинович,  
тарих фанлари доктори,  
профессор**



1959 йили Наманган шаҳрида туғилган. 1980–1985 йиллари Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) Тарих факультетини тамомлаган. 1987–1990 йиллари Қозон Давлат университети аспирантурасида, 1996–1998 йиллари Ўзбекистон Миллий университети докторантурасида таҳсил олган. 100 дан ортиқ илмий, ўқув-услубий мақола ва қўлланмалар ҳамда “Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар” номли монография муаллифи. Туркистон ва Россия ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг зиддиятли, мураккаб жараёнлари илмий тадқиқотининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг Туркистон ва Россия халқлари ўртасидаги муносабатлар тарихига оид қўллаб илмий мақолалари республикаимиз ва МДХ давлатларида чоп этилган. Мазкур китоб ҳам ўзаро муносабатлар тарихига оид илмий изланишларининг навбатдаги маҳсулидир.

ISBN-978-9943-22-004-1



9 789943 220041